




# ФАН ВА ТУРМУШ



Орол, қасдингни қўй...



САВОЛЛАРИНИҒИГА  
ЖАВОБ БЕРАМИЗ



Қуръон қачон ўзбек тилида чоп этилади!



Жуна жавоб беради



Сталин мураккаб шахс




Қорақалпоқ амалий санъати



Каъбанинг кўриниши





Улкамизга шимолдан — Орол денгизидан келаётган офат халқ саломатлигига ақл бовар қилмас даражада улкан зарар келтираётир. «Орол-88» экспедицияси аниқлаган айрим рақамларга эътибор беринг-а.

Узбекистонда хилма-хил касалликлар бўйича инвалидлар сони ҳар йили ўртача 42 минг кишига кўпаймоқда. Ақли заифлар

сони эса ҳар йили ўртача 4,5 минг кишига ортиб бораётки, масалан, 1987 йили 82 минг кишига етди.

АҚШ ва Японияда 1000 та чақалоқдан 1—2 таси бир ёшга етмай ўлади. Бу кўрсаткич мамлакатимиз бўйича ўртача 24, Узбекистонда 46, Қорақалпоғистон АССРда 72, Оролга ёндош Бўзатоя районда эса 118 ни ташкил этади... Бу тўғрида «Шимолдан келаётган офат» номли мақолада батафсил маълумот берилган.



## БОШ МУҲАРРИР

Комилжон ЗУФАРОВ

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдумавлон АБДУЛЛАЕВ

Аҳмадали АСҚАРОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Камол БОБОМУРОДОВ

Галина МАТВИЕВСКАЯ

Ҳусниддин НУРМУҲАМЕДОВ

(масъул котиб)

Уктам ПРАТОВ

Ўткир РАСУЛЕВ

Асом РАФИҚОВ

Зокиржон САЛИМОВ

Маҳмуд САЛОҲИДДИНОВ

Ёлқин ТУРАҚУЛОВ

Нурислом ТҲЛИЕВ

Раҳим УСМОНОВ

Файзулла УСМОНОВ

Комил ХОЛМУҲАМЕДОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Шабот ХҲЖАЕВ

Эркин ЮСУПОВ

## БЎЛИМ МУҲАРРИРЛАРИ:

Рустам ОБИДОВ

Оқилхон ОДИЛХОНОВ

Саидмурод ХҲЖАЕВ

## МУҲАРРИРЛАР:

Маҳфуза АСАДУЛЛАЕВА

Рустам ЕРЛАҚАБОВ

## БУ СОНДА:

|  |    |
|--|----|
| СОЛАЕВ М.<br>Шимолдан келаётган офат . . . . .                           | 2  |
| АЛИМОВ С.<br>Эзгулик ва ёвузлик: кураш давом этади . . . . .             | 4  |
| Давра суҳбати . . . . .  | 6  |
| КАРИМОВ Қ.<br>Тўққиз мучал — табарруклик . . . . .                       | 8  |
| ИШАЕВ А.<br>Жой номлари лугати . . . . .                                 | 9  |
| ТУРАХҲЖАЕВ Т., КОБЛОВ Р.<br>Ҳақиқатан, заҳарсизми . . . . .              | 10 |
| Қуръон қачон ўзбек тилида чиқади . . . . .                               | 11 |
| САФАЕВ Н., МУСАЕВА Т.<br>Ўзбекистондаги ишсизлар . . . . .               | 12 |
| АБДУЖАББОРОВ М.<br>Даралар оша . . . . .                                 | 15 |
| НУРМУҲАМЕДОВ Ҳ.<br>Муҳаммад тобути, Қоратош муаллақми? . . . . .         | 16 |
| ОБИДОВ Р.<br>Жуна билан учрашув . . . . .                                | 18 |
| Хатна хурофотми? . . . . .   | 20 |
| АБДУЛЛАЕВ И.<br>Қуръони карим . . . . .                                  | 22 |
| ИБН БАТТУТА «Саёҳатлар» . . . . .  | 24 |
| БОБОНАЗАРОВА М., НУРМУҲАМЕДОВА И.<br>Қорақалпоқ амалий санъати . . . . . | 26 |
| РУСТАМОВ О.<br>Гувоҳлар: «Биз ўзимиз кўрдик» . . . . .                   | 27 |
| ФАЙЗИЕВ Т.<br>Сирли ёнғин . . . . .                                      | 28 |
| ЖУМАНИЕЗОВ Р.<br>Машқини олинг . . . . .                                 | 30 |

## МУҚОВАДА

1-БЕТ. Ҳар галгидек, журналимизнинг сентябрь ойн сони муҳтарам муштарийларимизнинг саволлари асосида тайёрланган. Сиз муқовада журналда бериладиган мақолаларга оид суратларни кўриб турибсиз.  
4-БЕТ. Тошкент манзаралари.

С. ДАВИДОВ сурати.

## КЕЛГУСИ СОНДА:

О «Учар ликопча»лар ҳақиқатан борми! Олим ва журналист жавоби О Пул қадрсизланаётганининг босиси О Сталин — мураккаб шахс О Россия Урта Осиёни босиб олганми! О Энг қадимий тилда сўзлашувчилар юрти О Бобоналонларимиз ватанпарвар бўлишган О Чўлпон мероси О «Ҳадис»: Муҳаммад пайғамбарнинг табаррук васиятлари мажмуаси





Табнат устидан қозонаётган галабаларимиз учун ортиқча мағрурланиб кетмаслигимиз керак. Ҳар бир галабамиз учун у биздан қасос олади.

Фридрих ЭНГЕЛЬС.

# ШИМОЛДАН

## КЕЛАЁТГАН

### ОФАТ

Мадийр СОЛАЕВ

**МУАЛЛИФ** нафақат 17 йиллик тажрибага эга врач, балки ўлкамиз экологиясининг жонкуяри ҳам. «Орол-88» экспедициясининг ташаббускорларидан бири ва унда Ўзбекистондан қатнашган ёлғиз вакил эканигина эмас, экспедицияда 64 кун мобайнида ўз ҳисобидан юргани ҳам кўп нарсадан далолат беради. Қуйидаги мақоласида Мадийр Солаев Орол денгизидан — республикамиз шимолдан келаётган офат халқимиз саломатлиги учун қанчалик фожиали эканлиги ҳақида врачга хос куйинчаклик билан ҳикоя қилади.

Бултур «Орол-88» экспедицияси ташкил этилган эди. Орада қарийб бир йил ўтибдики, ҳанузгача Орол денгизи муаммосини ҳал қилишда сезиларли бир ўзгаришни кўрмаймиз. Биз бу муаммо мумкин қадар тезроқ ҳал этилишини истардик. Бошқарувнинг маъмурий-бўйруқбозлик усуллари ўйланмаган, калтабин қарорлари билан Орол денгизини ҳалокат ёқасига келтириб қўйди. Бироқ ўлаётган денгиз турғунлик давридаги амал бандаларининг аҳмоқона қилмишлари учун биздан қасос ола бошлади, наники биздан, келажак авлодларимиздан ҳам қасос олаверади ҳали. Сиз билан бизнинг журъатсизлигимиз, ўз вақтида бош кўтариб чиқа олганимиз туфайли бегуноҳ одамлар, болалару аёллар жабр чекишмоқда, наботот ва ҳайвонот олами, она заминимиз ҳалокатга юз тутмоқда.

Қуйида бу офатнинг фожиали оқибатларига, халқ саломатлигига доир айрим рақамларга диққатингизни тортмоқчиман.

Экспедиция мобайнида врачлар, маъмурлар, олимларга бир қатор саволлар бердик. Маълум бўлдики, диагноз қўйиш ғоят ночор аҳволда. Беморнинг ичи кетса интерит, қорни оғриси гастрит, кўзи сарғайса сариқ касали деб диагноз қўйилаверади. Бунинг оқибатида эса беморларнинг деярли ҳаммасига даволаш бўйича бир томонлама ёндашилади. Заҳарланишга боғлиқ гепатит, энтерит ёки сурункали равишда тўйиб овқатланмаслик оқибатидаги энтероколит касали деб диагноз қўйилган ҳолларга ҳеч қаерда дуч келмадик.

Амалиётчи врачлар ниҳоятда мушкул аҳволда. Бемор организмда вирус, химикат ва касал ташувчи бошқа воситалар бор-йўқлигини аниқлашга ҳамда ҳар бир беморни

алоҳида, индивидуал ва тегишлича ёндашиб даволашга кўрсатма берадиган мукамал лаборатория хизматига қарийб бутун Урта Осиё бўйича ҳеч бир врач эга эмас.

Масалан, Ўзбекистоннинг ўзидагина 1987 йили 286 мингга яқин киши юқумли сариқ касалига дучор бўлди, бу эса бир йил аввалгига нисбатан 47 минг кишига кўп демакдир. Уша, 1987 йилнинг ўзидаёқ 18 мингдан зиёд киши ичбуруғ касали билан оғриди, 142 минг киши бошқа хил ўткир ичак касалликларига гирифтор бўлди. Аҳолининг хилма-хил касалликларга мубтало бўлаётганини кўрсатувчи далилларни яна келтиравериш мумкин. Иқтисодчилар тили билан айтганда, бу касалликлар улкан иқтисодий зарар келтиради, ижтимоий зарари ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Масалан, юқумли сариқ касалига учраган битта беморни даволаш учун давлат ўрта ҳисобда 1400 сўмга яқин маблағ сарфлайди. Республикамиз бўйича эса шу мақсаддаги ҳар йилги харажат 40 миллион сўмга яқинлашади. Қолаверса, бу беморларнинг жуда кўпчилиги ногирон бўлиб қолапти.

Мисол учун Ўзбекистонда 1987 йили 42 минг киши турли группалар бўйича инвалид деб топилди. Ногиронлар сони ҳар йили ўртача 42 минг кишига кўпайиб бораёттир. Урта Осиёдаги бошқа республикаларда ҳам аҳвол қарийб шундай.

Мен хотин-қизларимизни гулларга қиёсламан. Ҳар қандай боғнинг гўзаллиги анвойи гуллар билан. Агар жамиятда барча хотин-қизлар соғлом ва гўзал бўлишса, демак бу жамиятда шод-хуррамлик, бахт-саодат ҳукмрон.

Экспедициямиз Қорақалпоғистонда юрганида «Советский Союз» журналининг ходими Валерий Гордеев икки-





миз Хўжайли район касалхонасининг туғуруқхона бўлимига кирдик. Палатадаги 6 нафар аёлнинг ҳаммаси ёш эди. Кейин гаплашиб билсак, деярли ҳар бири биттадан боласидан айрилган экан. Юзларини ажин босиб, терилари пигментли доғлар билан қопланган, қарийб ҳаммасининг тишлари тушиб, касалланган бу аёллар ёшларига нисбатан анча катта кўринишарди.

Статистика маълумотларига кўра, туғадиган ҳар 1000 аёлдан Иттифоқ бўйича ўртача 70 таси, Ўзбекистонда 245 таси, Қорақалпоғистонда эса 900 таси камқонлик дардига гирифтор. Бемор аёлдан соғлом бола туғилмаслиги аён ахир. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот институти олимларининг маълумотларига қараганда, пахтакор оналарнинг сутидан пестицидлар топишган, оқсил ва ёғлар эса жуда кам миқдорда экан. Бинобарин, бундай аёллардан туғилувчи чақалоқлар дастлабки кунларданоқ ўз онасининг сутидан заҳарланади, рисоладагидек ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган оқсил ва ёғларни етарлича ололмайди, оқибатда аввалданоқ ўлимга маҳкум бўлади. Болаларнинг касалланиши ва ўлимга таъсир кўрсатувчи омиллар жуда кўп, уларни кейинроқ кўриб ўтсак.

АҚШ ва Японияда туғилган 1000 та боладан 1—2 таси, Иттифоқимизда ўрта ҳисобда 24 таси, ЎзССРда 46 та, Қорақалпоғистон АССРда 72 та, Оролга ёндош Бўзатчов районидан эса 118 та бола ёшига етмай ўлади. Омон қолган болалар орасида ҳам касаллик ва ногиронлик жуда кучли. Масалан, Туркманистон Аналик ва болаликни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот институти Ашхобод районидagi бадавлат пахтакор колхозлардан биридаги болалар саломатлигини ўрганиб чиқди. Колхоздаги жами 368 боладан атиги 3 тасигина соғлом чиқди. Келажакни қандай майиб-мажруҳ авлодга қолдираётганимизни шунинг ўзиданоқ тасаввур қилиб олаверинг. Болаларимизни эмас, келажакимизни мана шундай аячли аҳволга солиб қўйдик, бунинг учун авлодлар олдида жавобгармиз. Ҳозир ҳам майли-я, кексайганимизда, мана шу майиб-мажруҳ болалар улғайганда бу қилмишларимиз жабрини тартамиз.

Ёшлар ўртасида жиноятчилик ўсиб бораётгани матбуотдан маълум. «Экстремистлар» деб аталаётган кимсаларнинг хурмача қилиқлари тез-тез кузатилаётир. Бу балки ақлий заифлик, маънавий ва ижтимоий-иқтисодий қашшоқлик билан боғлиқдир. Ақли заифлашганда одам ҳайвонга ўхшаб қолади.

Энди бир тасаввур қилиб кўринг-а, Ўзбекистоннинг ўзида ақли заифлар йилига 4,5 мингдан зиёд кишига кўпайиб бормоқда. 1987 йили ақли заифлар сони 82 минг кишига етди. Бу врачлар томонидан расмий асосда аниқланганлар сони, холос. Бундай болалар учун ҳар йили қанча мактаб, ўқитувчи, врач ва маблағ зарур бўлмоқда!

«Новый мир» журналининг шу йилги 5-сонида шундай деб ёзилди: «Чақиряқ пунктларида полковник ва подполковниклар ҳарбий хизматга чақирилган маҳаллий ўсмирлар тўғрисидаги саволга уларнинг бари қурилиш батальонидан хизмат қилади, деб бир хил жавоб беришади. Начора: маҳаллий ёшлар рус тилини ёмон билишади. Зеҳни камроқ, саломатлиги ҳам чатоқ. Мана шу бўлажак солдатлар ўз умрида, пахтадан бошқа нимани кўришган ахир! Қорақалпоғистонда шундай районлар борки, хизматга чақирилувчи ўсмирларнинг ҳар тўртинчи-бешинчиси вазни камлиги, бўйи пастлиги учун ҳарбий хизматга яроқли эмас».

Бизнинг саломатлигимиз яшаб турган муҳитимизга, экологик шароитга, меҳнат шароитига, овқатланиш ва ичимлик сув сифатига ҳамда кўплаб бошқа омилларга боғлиқ. Хўш, асосий оммининг овқатланиш шароити қандай! Пахтазордаги меҳнатнинг машаққатини ҳаммамиз биламиз. Кун бўйи бошингдан офтоб уриб туради. Бир дамгина нафас ростлай десанг, кафтдеккина соя йўқ. Бу ёқда пахта етиштириш учун жуда катта миқдорда хилма-хил химикатлар қўлланилади. Шу сабабли ҳам ичимли сув бу химикатлардан батамом заҳарланган, қолаверса, микроблар, вируслар билан ифлосланган. Масалан, Қорақалпоғистонда аҳолининг атиги 9 фоизи водопровод сувини ичади, канализация эса бор-йўғи 4 фоиз холос, яъни аҳолининг 96 фоизи ўзининг чиқиндиларини қайтадан ўзи истеъмол қилишга маҳкум, негаки, канализация йўқлиги учун ҳам жамикки

тирик мавжудотнинг ҳаётини фаолияти чиқиндилари айланиб келиб яна овқатига, сувига тушаверади.

Харьковдаги Сув муҳофазаси институти ва Урта Осиё Гидрометеорология регионал илмий-тадқиқот институтининг маълумотларига қараганда, ҳозирги кунда бутун Урта Осиё бўйича бир пилла ҳам тоза сув йўқ. У кишлоқ хўжалигида ишлатилаётган химикатлар, чорва ва саноат чиқиндилари билан батамом ифлосланиб, заҳарланиб бўлган. Ҳатто Помирдаги Абрамов музлигидан пестицидлар топишгани ҳақида маълумотлар бор.

Булардан ташқари, Орол денгизининг қуриган тубидан ҳар йили 75 миллион тоннага яқин туз кўтарилиб, халқимизнинг бошига ёғилаяпти. Кейинги 10 йил мобайнида Тошкентга ёғилаётган тузлар миқдори 2 марта ошди. Белоруссияда, Ригада бу тузлар кўпайгани маълум. Тузларнинг таркиби ҳам ҳар хил бўлиб, асосан сульфат, хлорид, нитрат, карбонат, аммоний, калий, кальций, магний ионларидан иборат. Қолаверса, Ўзбекистонда ҳам, Урта Осиёдаги бошқа республикаларда ҳам 40 йилдан зиёдроқ вақт мобайнида ўта заҳарли химикатлар жуда кўплаб миқдорда ишлатиб келинди. Айниқса ДДТ, ГХЦ, бутифос ва бошқа заҳарлар аямай сепилди. Улар кейинчалик Орол денгизининг тубига узоқ вақт чўкиб ётди. Қисман парчаланганида эса гербицидлар ва пестицидларнинг заҳарлилиги янада ортиб кетади, улар энди янги-янги касалликларни келтириб чиқараверади. Қорақалпоғистон ва Хоразмда врачлар билан суҳбатлашганимизда рак ва сил касалликларидан ўлиш ҳоллари кейинги пайтларда кескин ортиб кетгани маълум бўлди. Бундан ташқари, буйракка туз йиғилиши ҳам кескин кўпайган. Ёшига етмаган болаларни жарроҳлик столига ётқишиш ҳоллари айниқса кўп учраяпти. Оролбўйи халқлари кейинги йилларда мана шундай даҳшатли фожияни бошдан кечиришмоқда.

Биз сувни ўз қўлимиз билан заҳарлаб, фарзандларимиз, аёлларимизни, наботот ва ҳайвонот оламини ўлимга маҳкум этаётганимизни жуда яхши билиб турибмиз. Бироқ бу фожия, бу қирғин ҳануз давом этаётир.

1 кг пахта етиштириш учун 1,3 кг га яқин химикат қўллашга мажбурмиз. 1988 йили Ўзбекистоннинг ўзидаёқ 100 минг тоннага яқин пестицид ва гербицид сепилди. Бу йил эса 110 минг тонна пестицид ва гербицид ишлатиш планлаштирилди, бу заҳарлар учун тегишлича 94 миллион сўмдан ортиқ ва 87 миллион сўм маблағ сарфланди. Буларга қўшимча равишда ҳар гектарга яна 323 кг дан минерал ўғит сепиб чиқилди. 1987 йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистонда минерал ўғитлар учун 800 миллион сўмдан кўпроқ (гектар бошига 200 сўмга яқин) маблағ сарфланган. 80 та химиявий базада ишлатиш тақиқланган ўта заҳарли химикатлар бир қанча йиллардан бери сақланади, ишлатиш мuddати ўтиб кетган заҳарнинг ўзи 19 минг тоннадан зиёдроқ бўлиб, қиймати 23 миллион сўмга тенг. Улардан фақат бутифоснинг қиймати 6 миллион сўмга яқиндир. Бу заҳарли химикатларнинг барини йўқотиш керак. Лекин қандай қилиб!

«Буни ҳеч ким билмайди, — деб ёзади «Медицинская газета» шу йилги 18 январь сониди. — Заҳарли химикатларни қандай қилиб йўқотиш кераклиги тўғрисида фан бирон тавсия беролмайди, бу муаммони на Химия саноати министрлиги, на СССР Госагропроми ҳал қила олади. Бу ажал омборлари токайгача қўриқланиб, тўлдириб борилади! Устига-устак, заҳарли химикатлар сақланувчи агро-саноат омборларидан биронтаси ҳам санитария талаблари ва нормаларига жавоб беролмайди. Уларнинг аксарияти бир амаллаб мослаштирилган, вайрона биноларда, атрофда ҳеч бир тўсиқсиз, аҳоли пунктларига йўл қўйиб бўлмас даражада яқин жойлашган».

Емғир суви бундай омборлардаги заҳарли химикатларни ювиб кетар экан, йўлда учраган тирик жонни қириб бораверади. Башарти фалокат юз бериб, зилзила ёки сув тошқини заҳарли химикатлар кўмилган шундай омборлар-



СИЗ БИЛАН БИЗ, азиз журналхонлар, жамиятимизда эскилик билан янгилик, эзгулик билан ёвузлик, ҳақиқат билан ёлгон, фидойилик билан лоқайдлик, жўмардлик билан номардлик, салимият билан мунофиқлик, диалектик тафаккур билан ақидапарастлик ўртасидаги ошқора ва пинҳона кураш киройи авжга минган, долғали, бениҳоя мураккаб, бироқ умидбахш даврда яшашмоқдамиз.

Кўпчилигининг, аввало, ёш авлоднинг социализмдан, социалистик идеаллардан кўнглини совитган, ҳатто улардан юз ўгириш даражасигача олиб келган нарса ўтган ўн йилликлар мобайнида партия ва давлат фаолиятида, кишилик тарихида қадим-қадимдан эъозлаб келинган ахлоқий принцип — иш билан сўз бирлиги принципининг оёқ ости қилиниши, бузилиши бўлди. Баланд минбарлардан туриб инсонларварлик, халқларварлик, интернационализм, социал адолат ҳақида оғиз кўпиртириб, жар солинди, кундалик ҳаётда эса кўпича буларнинг ғирт тескарис қилинди, алдов, кўзбўямачилик, риёкорлик авж олди. «Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр!» «Бириники — мингга, мингники — туманга» деганларидек, каттаю кичик риёкор раҳбарларнинг касри меҳнаткашларга ҳам урди, ҳақгўй, адолатпарвар кишиларнинг турли кулфат-уқубатларга дучор этилаётганини кўриб, эшитиб, одамларда «Узингни бил, ўзгани кўй», «Уйнашмагил арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан» қабилидаги эътиқод пайдо бўлиб, оқибатда лоқайдлик иллати чуқур илдиз отди. Ҳозирги кунда ҳам маънавий ҳаётимизга снингиб кетган иллат — сўз билан ишининг бошқа-бошқалиги олдинга силжишимизга асосий тўғаноқ бўлмоқда, демаски, лоқайдлик ҳам ниҳоятда секинлик билан барҳам топмоқда.

Маънавий нуқтан назаридан қараганда, жамлики кишилар қадим-қадимдан икки тоифага — ФИДОЙИЛАР ва ЗАМОНАСОЗЛАРГА бўлиниб келади. Фидойилар ҳамisha эл-юрт ғамиде яшайдиган, унинг бахтидан дили шод, кулфатидан кўнгли барбод бўладиган, эрксевар, адолатпар-

вар, миллатпарвар, инсоф-диёнатли одамлар бўлиб, улар ўзлари эътиқод кўйган мўайян олижаноб ғояларнинг амалга ошиши учун бутун куч-ғайратларини, бор билим ва қобилиятларини, зарурат туғилгудек бўлса, ҳатто ўз ширин жонларини ҳам аямайдилар. Широқ, Спартак, Горобий, Нажмиддин Кубро, Маркс, Ленин, Файзулла Хўжаев, Андрей Сахаров, Евгений Евтушенко, Муҳаммад Солиҳ сингари [буни давом эттириш мумкин] кишиларни ана шундай фидойи кишилар жумласига киритса бўлади. Улар ҳамма замонда бор ва ҳамisha аҳолининг исбатан озчилигини ташкил этиб келади. Замонасозлар тоифасига эса олижаноб ғояларни байроқ қилиб кўтариб, унинг соясинда ўзларининг шахсий ёхуд гуруҳий манфаатлари кетидан қувиб, «тирикчилик» деган пасткаш дастурга амал қилиб, кун кўрадиган кимсалар кирди. Афсус ва надоматлар бўлсинки, жамиятимизда замонасозлар тоифасидаги кимсалар жуда кўпайиб кетди. Бундан, фидойи одамларнинг на шахсий ва на гуруҳий манфаатлари бўларкан, замонасозлар эса халқ, жамият манфаати йўлида бирон-бир иш қилмас экан-да, деган хулоса келиб чиқмайди, асло. Кишилар турмуш тарзининг бениҳоя мураккаблиги ва серқирралиги оқибатида шахс таважжухи [яъни, ҳаёт фаолияти бош йўналиши]нинг бу уч илли алоҳида-алоҳида ва «соф» шаклда жуда камдан-кам намоён бўлади; таважжухнинг ана шу уч илли ҳар бир кишида мавжуд бўлади. Фарқ шундаки, бировда шахсиятпарастлик, яна бировда гуруҳий манфаатпарастлик, бошқа бировда жамиятпарастлик таважжухи устун бўлади.

Ушбу қисқа дебачадан сўнг журналнинг ўтган йилги 2-сониде тақдим қилинган «Маънавий олам» рубрикасининг топшириқ саволларига келган жавобларга ўтамиз. Хатларнинг салкам ярми мактаб ўқитувчилари, ўқувчилар ва талабалардан, қолганлари асосан ишчи ва колхозчилардан келган.

Киши умр бўйи яхши-ёмонга дуч келиб

яшаганидан, одамлар орасида дунёни сув босса тўпига чиқмайдиған боқибегамлар борлигидан келиб чиқиб, жавоб-хат йўллаган журналхонларнинг кўпчилиги улуғ рус мутафаккири мулоҳазасини тўғри деб баҳолаган. Айрим журналхонлар мутафаккир фикрини нотўғри тушунган кўринади, баъзилар эса мазкур фикрнинг тўғрилигига гумон билан қараган. Масалан, задарёлик И. Мирзаева бу фикрни «Ҳеч ким, ҳеч нарсани бирдек яхши кўрмайди, бундай кишилар деярли йўқ», тарзида талқин қилиб, хатога йўл қўяди. Негаки, дейлик, чинакам ватанпарвар ўз Ватанини ҳар қандай ҳолатда ҳам бирдек севади. «Чернишевский ҳақ гап айтган деярли олмаман, — деб ёзади гузорлик Н. Бойматов, — чунки қадимдан шундай гап бор: «Ўз айби, камчилигини англамаган одамни ислоҳ қилишга уриниш фойдасиздир». Ғиждувонлик Н. Раҳматуллаева бўлса «Чернишевскийнинг кўп ибораларини ўқиганман, лекин бу фикрни у айтганига ҳайронман», дейди.

2-саволнинг саккиз бандидан 4 тасини [2, 4, 5, 6-бандлар] хат йўллаган журналхонларнинг 85 фомзи маъқулладди. Баъзилар эса «шахс» ва «шахсий» сўзларини ё худбиллик, ёки бошқа маъноларда тушунишди. Масалан, сурхондарёлик И. Болтабоев Б. Данэм таърифлаган концепцияларини ўзича талқин қилиб, назарда тутмаган гапларни гарданига юклабди. Чунончи, «Шахсан ўзимга ёқади» концепциясини журналхон «фақат ўз фойдасини кўзлайдиган юлғич, олибсотарлар» деб, «ўзим маъқул кўраман» деган концепцияни эса «Узиникдан ўзгани маъқул кўрмайдиган чираничқ жангари шахслар» деб тамоман нотўғри фаҳмлайди. Мақола дебодасидан маълумки, фақат шахсиятпарастлик ва гуруҳпарастлик таважжухига икитимой номақбул бўлади. Бундан ташқари, бу ил талқини шахсининг мустақиллигини инкор қилади. Ундан кейин айрим киши хатодан холи бўлмаганидек, коллектив, кўпчилик ҳам хато қилиши мумкин. Махатма Ғанди ҳақли айтганидек, виждон ишида кўпчилик



ФАЛСАФИЙ  
МУҲОҚАДАЛАР

дан бирини бузиб юборса борми, — Урта Осиёдаги жамлики мавжудот қирилиб кетади.

Масалан, Ўзбекистон гидрометеорология хизматиининг маълумотларига кўра, бултур Амударёнинг Термиз районида ДДТ меъёрдагидан 3,5 марта, шунингдек ГХЦГ — 3,2 марта кўп бўлган. Зарафшонда ҳам гексахлоран, мис ва хромнинг миқдори юқори, кишилар оғир металлларнинг тузлари билан заҳарланишмоқда. Чирчиқ ва Сирдарёнинг суви химиявий жиҳатдан ниҳоятда заҳарланган. Заҳарланган экин майдонларида ишлатилган сувлар, санаот чиқиндилари айланиб келиб Амударё ва Сирдарёга қуйилмоқда.

«Дарёда заҳарли химикатлар ҳаёт учун ҳалокатли даражага етди, балиқлар қирилиб кетаяпти, — деди Қорақалпоғистон АССР Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг раиси Тўлапберган Қанилберганов СССР халқ депутатларининг съезиде сўзлаган нутқиде. — Оролбўйи аҳолиси зўраки ўлим топмоқда, қирилиб кетишга маҳкум бўлиб қолди, кўплаб миқдордаги заҳарли химикатлар чанг билан, тузли сув билан организмга кириб, инсон генетикасини бузаёпти. Майиб-мажрӯх бўлиб туғилаётган болалар кескин кўпайиб кетди. Автоном республикада диспансер кўригининг тўлиқ

бўлмаган маълумотларига кўра, текширишдан ўтган ҳар уч кишининг икитаси ич терлама, қизилўнғач раки, гепатит ва бошқа касалликларга мубтало бўлган».

Аваллари Хоразм қовунларининг донги дунёга кетган эди. Тилими тилни ёрадиган бу неъматнинг эндиликда на мазаси қолди, на чиройи. Бу эса унинг генетикаси бузилганини кўрсатади. Одамлар ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Мабодо кимлардадир Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино ва Шарқнинг бошқа буюк мутафаккирлари хромосомалари сақланиб қолган бўлса, ана ўша хромосомалар ҳам буткул йўқолиб кетиш арафасида турибди деб ўйлайман.

Маълумки, ёмғир чувалчанги бир йил ичиде ўзидан бир неча тонна тупроқни ўтказадиган ва шу билан тупроқни юмшатади, ҳосилдорликини оширади. Тупроқшуносларнинг маълумотларига қараганда, ҳозир заминимизда бу фойдали ёрдамчилар деярли йўқолиб кетган, 1 гектарда аранг 1—2 та топиш мумкин, холос, АҚШда эса 1 кв. метрнинг ўзиде 100 дан зиёд чувалчанг бор. Гербицидлар ва пестицидлар туфайли 178 тур ҳайвондан 140 таси бутунлай қирилиб, атиги 38 тури қолган, лекин ўшалар ҳам йўқолиш арафасида турибди.



# КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ!

қонунни амал қилмайди. Андижонлик Н. Жўрабоев «Шахсан ўзимга ёқади» концепциясига мисол келтириб, қуйидагича ёзибди: «Костюм-шим олдим. У менга ярашади». Ваҳоланки, ахлоқ нуқтан назаридан, костюм-шимнинг ярашган-ярашмагани ҳақида эмас, унинг ҳалол ёки ҳаром пул билан қўлга киритилган-киритилмаганлиги ҳақида сўз бориши мумкин, холос.

Учинчи саволдаги «Киши кишига дўст, ўртоқ ва биродар» қондасини хат йўлланганларнинг 75 фоизи, қолганлари «Одамга бўлган меҳр-муҳаббат унга бўлган қаҳр-ғазаб билан сиғишмайди» ва «Қонга-қон, жонга-жон» қондасини ёқлаб фикр билдирибди. Инсон қалбиди меҳр-муҳаббат билан нафрат, қаҳр-ғазаб ёйи-ён яшашини таъминлаб, иккинчи қонда тарафдорларига шунини эслатиб қўймоқчимиз: турфа иллатлардан нафратланиш, уларга қарши аёвсиз курашиш керак, аммо инсонни севиш ҳам лозим, иллатлардан фориғ бўлишга кўмаклашиш даркор. Шу бонс ургутлик М. Умаровнинг қуйидаги фикрига мутлақо қўшилиб бўлмайди: ёмонлар — гиёҳвандлар, ўғриллар, фоҳиша кабилар СПИД сингари бедаво. Шунинг учун уларни бир ерга тўплаб, «ёқиб ёки кўйиб ташлаш керак. Бу нусхалардан фойда йўқ, турган-битгани хавфли, зарарли». «Қонга-қон, жонга-жон» қондаси эса маълум шароитда, қувасойлик А. Мадаминов айтганидек, фақат урушда, жанг майдониди ш беради, асосан. Коммунистик ахлоқ руҳида тарбияланган инсон учун, қувалик И. Азимов фикрича, бу қонда бутунлай зиддир.

Тўртинчи саволга хат йўллаганларнинг 35,4 фоизи Х. Деҳлавий, 27,2 фоизи В. Булгаков, 37,4 фоизи жойига қараб, ҳар иккиси ҳам ҳақ дейишбди. Фикрларнинг бу хил бўлини кетишида жон бор. Аввало яхшилик-ёмонликни ҳар ким ўз эътиқоди, турмуш тарзи, ҳаётини нуқтан назари, ода-ти, тарбияланганлик даражасига кўра, турлича тушунади. Ундан ташқари, ҳамма ахлоқий тушунчалар, жумладан яхшилик-

ёмонлик ҳам бамисоли бир ндиш бўлиб, дейлик, ичидидаги суюқлик ва унинг таъми ҳар гал ҳар хил бўлиши мумкин. Ҳақиқий яхшилик холисона ва беғараз бўлади. Ёмонликнинг сон-саногини йўқ, хили, даражаси ҳам турфа. Шунга яраша, унга бўлган муносабат ҳам турлича. «Ёмонликнинг ўз вақтида олдин олмаслик, унга ўз вақтида зарба бермаслик,— деб ёзади бўзлик ўқитувчи М. Қурбонов,— ёмонликнинг янада илдиз отишига олиб келади. Бунда бизни ғалаба эмас, мағлубият кутади». Бунда мураббий билан тарбияланувчилар ўртасидаги муносабатларни кишилараро юзага чиқадиغان ахлоқий муносабатлардан фарқламоқ зарур, албатта.

Бешинчи саволга кўпчилик нотўғри деб жавоб қилган, қолганлар эса турлича фикр билдирган. Косонлик С. Жумаев ўз бошидан кечирганлар ҳақида — ёшлигидан катталарнинг гапидан чиқмаслик, кейин эса раҳбарларнинг сўзини икки қилмаслик, ҳақ-ноҳақ бўлишидан қатъи назар, уларнинг руҳида тарбияланганлиги туфайли ёмонларнинг ифлос ниятларини амалга оширишда сўқир воситачи бўлиб қолгани, кейин кўзи мошдек очилгани ҳақида ҳикоя қилиб, сўнг ёзади: «ёмонликка қарши курашаман деб одам ўзига жабр орттиришдан кўрқмаслиги керак. Ёмонликни кўриб туриб, унга қарши ҳаракат қилмаслик, ёмонликка (жиноятга) шерик бўлиш билан баробардир». «Ёмонларга қарши кураш олиб борилмаса,— дейди андижонлик Н. Жўраев,— «жамиятни ярамас ва мунофиқлар босиб кетади». «Бизларда лоқайдлик касали авж олиб кетди,— деб ёзади яқнабоғлик ўқитувчи Т. Таниев.— Негаки, ҳар қандай ёмонликни кўрсак ҳам беларволик қиламиз». Чустлик З. Холқованинг фикрича, «кейинги йилларда кўпчилик шу тахлитда фикр юритиб, шу тахлитда ҳаракат қилгани аён. Кўп жиҳатдан шу туфайли А. Одиллов ва одиловичлик юзага келди... ҳар қандай ҳолда ҳам ёмонликка қарши курашиш керак». «Бу

саволга «тўғри» десак ҳам, «нотўғри» десак ҳам мактаб ўқувчисидек жавоб берган бўламиз,— дейди ўрта чирчиқлик А. Эламасов ва онасининг гапларини келтиради: «Уғлим, қайта қуришинг то эски, тулқак тулки раҳбарларни таг-томири билан туғатмагунча амалга ошмайди, уларнинг томири узун, бирини қирқсанг, иккинчисини униб чиқаверади... Халқ кўриб, билиб туради! Биринчи набатда халқнинг ишончини қозониш керак».

Охирги, олтинчи саволга хат йўллаганларнинг аксарияти (62,5 фоизи) — Назармат ҳақ, 14,01 фоизи — Эшмат ҳақ, 8,3 фоизи — Тошмат ҳақ дея жавоб қилишбди. Қўшработлик ўқитувчи Б. Утанов фикрича, «Сўхбатдошларнинг учаласи ҳам ҳақ» бўлса, Т. Таниев наздида «Учала сўхбатдошнинг фикрига қўшилиш қийин. Эшмат мақтанчоқ кўринади. Тошмат хушомадгўйлардан. Назармат эса саллани олиб кел деса, каллани олиб келадиганлардан». Савол туғилади: бир вақтнинг ўзиде айни бир хулқ-атвор тарзи ҳақида баҳс юритаётган уч маслакдош кишининг фикри ё бирдек ҳақ ёки бирдек ноҳақ бўлиши мумкинми! Улардан бирининг фикри, бизнингча, қолган иккисиникига қараганда ҳақиқатга яқинроқ бўлади.

Журналхонлардан 4 киши фақат топширик саволларига жавоб бериш билангина чекланиб қолмай, ўзларни тузган саволларни ҳам йўллабдилар, таклифлар киритибдилар. Масалан, шовотлик ўқитувчи С. Хусанов қуйидаги саволларни ўртага ташлабди: 1. «Узингни бил, ўзга билан не ишинг бор!», «Сендан зўрроқдан топсин», «Оқ туя кўрдингми-йўқ», қабилда иш тутиш тўғрими! 2. «Бошинга қилич келса ҳам, тўғри гапир», «Тўғри гап туққанингга ёқмайди», «Оч қорним, тинч қулоғим», «Кун кўрганнинг кунни ортиқ» ҳикматлари бир-бирига зидми! Оққўрғонлик З. Абдусаматова кўрнинишдан жўн, аслида мураккаб савол йўллабди: «Ҳаммага ҳам бирдек яхшилик қилавериш керакми?».

Шунингдек, кўплаб жавоб хатлариде баҳс-талоб ўринлар бор. Журнал саҳифаси мўсаода қилмаганлиги туфайли баҳслашишнинг имкони бўлмади, буёғига узр. Шу баробарида вақт толиб, ҳафсала қилиб, редакцияга жавоб йўллаган ҳамма журналхонларга кўпдан-кўп ташаккур.

Содиқ АЛИМОВ,  
фалсафа фанлари номзоди.

Кейинги вақтларда ёшлар орасида бепуштлиқ ва жинсий заифлик кескин кўпайиб кетди. Анализ натижасида аксари ҳолларда ўлик сперматозонлар топилмоқда. Менимча, гербицидлар инсон уруғини (сперматозонини) нобуд қилади, бу муаммо зудлик билан илмий асосда ўрганилиши керак. Афсуски, у ҳам бошқа муаммолар қаторида бутунлай ташлаб қўйилган, айниқса бизнинг ўлкамизда. Аҳолишунос В. И. Переведенцевнинг маълумотларига кўра, Урта Осиёда туғилиш тезлик билан камайиб кетаяпти, бу ҳол мутахассис бўлмаган одамларга сезилмайди. Урта ҳисобда 30—35 ёшдаги ҳар 1000 та ўзбек аёлига 70-йиллар бошида 248 та бола тўғри келган бўлса, 80-йиллар ўртасида йилига бор-йўғи 183 бола тўғри келди. 35—40 ёшли аёлларга эса ўша даврда тегишлича 202 ва 102 бола тўғри келди. Кўрниниб турибдики, туғилиш қарийб икки мартага камайиб кетган. Умуман олганда эса Ўзбекистонда туғилиш кейинги 15 йилда 20 фоизга камайиб кетди.

Кейинги йилларда заҳарли химикатларни мамлакатимизда ишлаб чиқаришигина эмас, балки четдан сотиб олиш ҳам кўпайиб бораётир. 1985 йили СССР чет элдан валюта ҳисобида 170 миллион сўмлик пестицид сотиб олган бўлса, 1987 йили 500 миллион сўмлик пестицид сотиб олди.

СССРда минерал ўғитлар АҚШдагига нисбатан икки баравар кўпроқ ишлаб чиқарилади ва ишлатилади. АҚШда қишлоқ хўжалик экинларининг 61, СССРда эса 87 фоизига пестицидлар билан ишлов берилади. Ушанда ҳам АҚШда пестицидлар билан ишлов берилган ерларнинг ярмида фақат техника экинлари етиштирилади, СССРда эса бундай эмас.

Бултур сабзавот ва полизчилик маҳсулотларининг РСФСР ва Грузияда 30 фоизи, Эстония ва Арманистонда 20 фоизда нитрат миқдори кўп бўлди. Ўзбекистон бўйича маълумот йўқ.

Бултур август — октябрь ойларида Москва областидан келтирилган 12 минг тоннага яқин маҳсулот нитрат миқдори кўплиги туфайли сотишга қўйилмади, ҳолбуки у ерда мамлакат бўйича ўртача маълумотларга кўра гектарига бор-йўғи 30 кг га яқин минерал ўғит ишлатилади. Биз эса Ўзбекистонда, ҳар гектарига 300 кг дан знед минерал ўғит сепилган маҳсулотни истеъмол қилишга маҳкуммиз. Пестицидлар ҳар йили жаҳон бўйича [СССР бу ҳисобга кирмайди] 2 миллион кишини заҳарлайди, 50 минг кишининг ёстиғини қуритади. СССР бўйича маълумотлар йўқ.

(Давоми келгуси сонда)



# «ҲОЗИР СЕН ДУНЁГА БОР ГАПИНГНИ АЙТ»

«ШАХС, ЖАМИЯТ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ» ДАВРА СУҲБАТИ ЖУРНАЛХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

## МУАММОЛАРНИ ТЎҒРИ ҲАЛ ЭТАЙЛИК

Авалло, мен редакция ходимларига миннатдорчилик билдирмоқчиман. Илмий-оммабоп журнал ҳозирги долзарб ижтимоий муаммоларни ҳаққоний ёритмоқда. Жумладан, «Шахс, жамият ва қайта қуриш» мавзудаги суҳбатни қайта-қайта ўқиш мумкин.

Мен истардимки, бундан кейин ҳар бир инсон она табиятимизга алоқадор вазифаларни бажараётганда ўйлаб иш тутса. Афсуски, биз ўз хатоларимизни жуда кеч англаймиз, жиддий ишга киришганимиз йўқ ҳали. Тонна-тонна химиявий дориларни пахта майдонларига тўкиб, ерни ишдан чиқазиб бўлдик. Бу ёқда Орол «жон талвасасида...» Тилимиз, маданий меросимиз, иқтисодимиз муаммолари...

Ўйлайманки, республикамиз раҳбарлиги буларни ижобий ҳал этади. Заҳматкаш халқим машаққатли меҳнати эвазига «боқиманда» сингари ҳақоратли сўзларга сазовор бўлган экан, бу гапларнинг ноўринлигини исботлаш керак. Газета ва журналларда жумҳуриятимиз иқтисодчилари йилига неча миллиард сўм маблағ оламиз-у неча миллиард сўм даромад келтирамиз, шу ҳақда халққа ҳисоб-китоб қилиб беришлари зарур. Фақат адолат ва ошкора-ликка шахслар камолотига йўл очиб, халқимиз турмушини фаровон қилади.

Ч. СОАТОВ, Тошкент Политехника институтининг  
4-курс талабаси.

## САБАБЛАРДАН БИРИ

Шахс тарбияси учун тенг ҳуқуқли шароит яратилсин. Суҳбатда шоира опамиз келтирган даҳшатли рақамлар, аминманки, «1995 йилгача пахта режаси 5 миллиондан камаймайди» деган ва буни бажартираётганлар учун даҳшат эмас. Агар йиллик болалар ўлими сонини суҳбатдаги каби умумий тарзда бермай, масалан, жумҳуриятимизнинг юқори эшелонидаги раҳбарлар, уларнинг оила аъзолари билан пахтакор хўжалиқларнинг (жумладан бизнинг Гурлан районидагиларнинг) оилаларидаги болалар ўлими ва касалликлар сони солиштириб кўрилса, пахта якка-ҳокимлиги нима учун тугатилмай келинаётганлигининг сабабларидан бири маълум бўларди.

Дилором МАТКАРИМОВА,  
Хоразм вилоятининг Шовот районидан.

## ПАХТА УЧУН ТУҒИЛГАНМИДИК!

«Одам савияси кўп жиҳатдан у яшаётган жамиятга боғлиқ», — дейди Гулчеҳра опа. Албатта, шундай. Қишлоқда туғилиб ўсган болалар, яъни колхозчининг болалари гўё фақат пахта меҳнати учун туғилгандек. Масалан, эрта баҳордан то кеч кузгача умрим далада ўтарди, ёзги таътил кунлари ҳам безиб турардим, негаки ёзда далада иш қайнайди. Қисқаси, пахта меҳнати ҳаммага аён. Мана шундай оғир шароитда яшаб ўқиган 10-синф битирувчиси жамият тараққиётига нима ҳисса қўшарди! Пахта терими пайтида ўқувчи далага бир кун ўзрсиз чиқмай қолса, ўқитувчига юзланиш нақадар даҳшат бўларди, гўё жамият олдида жавоб бериши керак, гўё оғир жиноят қилиб қўйган...

Бироқ, ўрта мактаб маълумотига эга бўлган кишилар мана шундай қизиқарли суҳбат ва мақолаларни бемалол тушуниб етадилар ва ҳаётимизда рўй бераётган улкан ўзгаришларга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб умид қиламан.

Избоскан районидан оилавий пудрат  
аъзоси Козимжон АКБАРОВ

## БИЗ, АСКАРЛАР...

Ҳурматли редакция, ушбу мактубини турғунлик йиллари ҳақ-ҳуқуқсиз қолган ўзбек халқининг пакана, нимжон фарзандлари — бугунги Совет Армияси аскарлари ёзмақда. Лаганбардор Рашидов ва унинг ҳамкасблари олиб борган сиёсатдан бизлар — ҳозир ҳарбий хизматдаги йигитлар азоб тортмоқдамиз. Бизнинг ҳарбий қисмда юзтадан кўп ўзбек йигити хизмат қиляпти. Орамизда бўйи 170—180 сантиметр келадиган, қадди-қоматли бирорта йигит йўқ. Пакана ва нимжонлигимиздан куладиган, мазах қиладиганлар ҳам бор.

Биз, ота ва ака-укаларимиз, оналаримиз ва ҳуснини бутун жаҳонга кўз-кўз қилгудек нозанин қизлар ўзбек халқига ажал келтирган пахта туфайли эртадан кечгача жазирама офтобда кўйиб, қадр топмай ишласак, бундай адолатсизлик инсофданми! Бунга бошқа инсонлар ёки халқлар чидай олармикан!

Ўзбек аёлининг муқаддас сийнасида ҳалол сут эмиб катта бўлган, халқимизнинг онгли табақаси бўлган юқори лавозимли раҳбарларимиз, илғор қарашли барча зиёлиларимиз ҳақиқий манфаатларимизни ўйлаб иш тутмасалар турғунлик даври фожиалари давом этаверади. Ўз ҳақ-ҳуқуқимизни, ўз тилимиз ва маданиятимизни ҳимоя қилмасак, оч қорним — тинч қулоғим, деб ерга қараб юраверсак, яқин келажакда халқимизнинг тақдири нима кечади! Бу хатни ўқиган ор-номусли, ҳақиқий инсонлар айтилган гапларни тўғри тушунадилар деб ўйлаймиз.

Иркутск областида хизмат қиляётган  
Адҳам ҲАСАНБОВЕВ, Ҳамид САИДОВ, Нуъмон КАРИМОВ,  
Раббим ОЛТИБОВЕВ, Ражаб УЛМАСОВ, Юсуф МАТКАРИМОВ,  
Нормўмин МАДУМАРОВлар.

## СУҲБАТ ДАВОМ ЭТАДИ...

«Фан ва турмуш»нинг бу йилги сонлари дилдан қизиқиб ўқийдиган мақолалар билан тўлган. Айниқса июнь (6) сони ажойиб файзга эга, таъсирчан, буни муштарий бўлмаган, бировдан сўраб олиб ўқиётганлар ҳам айтишмоқда. Ҳурматли шоира қизимиз Гулчеҳра Нуруллаева, олимларимиз Бахтиёр Тўраев ва Ирисвег Иватов, муҳаррир укамиз Саидмурод Хўжаевларнинг давра суҳбатини ўқиб, мен ҳам, очиги унга қўшилгим келди, суҳбат давом этишини истадим...

«Табиятни бўйсундириш» борасида ўйламай айтилган бир буйруқ, босилган бир қадам халқимизни жар ёқасига эмас, жаҳаннам ёқасига бошлаганини билмай ёки биллиб турган бўлса ҳам, амалидан, унвонидан ажраб қолишдан қўрқиб, ёинки халқининг тақдири, ғурури, виждонидан ўз тобелиги устун келган кимсалар қандай қилиб бор гапини дунёга айта олади?! Қайсидир америкалик олим: «Атом, водород қуролларини яратиб қўйиб, энди уни даф этишга чора тополмаяпмиз», — деган экан. Бизнинг раҳбарларимиз, олимларимиз ҳам, чорва боқиладиغان яйловларни ўзлаштириш, пахтазорга айлантириш, ерни яроқсиз ҳолга



келтириш, икки дарёмиз сувини пахтага сарфлаш, ёлғизгина уммонимизни сахро этиш билан шўғулланиб, энди давосини тополмаётлар. Бошқа бировлар бунини тўғри айтса, уларни миллатчиликда айбашга тайёр кишиларнинг тили аслида боғлиқ, ҳақни айтишга боғлиқ. 30-йилларда ноҳақ жабрланган ҳукумат раҳбарларимиз, ёзувчиларимиз, ўзбек миллатига руҳий тарбия берувчиларга жадид, миллатчи, аксилчиликчи, ватан хонини каби ёрликлар ёпиштиришда иштирок этган ғаразғўй кимсаларга нафратим ортди. Шундайлардан алҳазар!

Не-не ўқимишли, донишманд ШАХСлардан айрилдик! Биз эса, таълим-тарбия яхши берилмагани тўғрисида саводсизлигимизча кексайдик, мен лотин алифбесига ўнинчини битирганман. Болаларимиз саводи ҳам унчамас. Совет мактабларини таълим-тарбия масанни деб роса мақтайверган эканмиз. Ошкоралик бунинг аксини кўрсатди. Одамлар меҳнатга ўргатилдию, руҳий ва маънавий тарбиядан бебахра қолди. Натижада кўпчилик ота-оналарнинг фарзандлари ҳам ўзларига ўхшаб вояга етди. Ҳудакни тарбиясиз туғилган деб бўлмайди, лекин ота-она қандай тарбия олган бўлса, фарзандларини ҳам шундай тарбиялайди. Тарбиясиз ота-она қандай тарбия берсин!

Устига-устига мактабларда ажодларимизнинг ахлоқ-одоб, одамийлик ҳақидаги асарлари ўқитилмади. Ўз тарихимизни билмаймиз-у, Пугачев, Разин, А. Невский, Ермакларни ўқиганмиз. Физика, математика дарсларида ҳам фақат ғарб олимларини таништиришган, худди ўзимизда бутунлай йўқдек. Балки бунда ўша давр зиёлиларининг барчаси айбдормасдир. Б. Тўраев айтганларидек, муросасиз кишилар таъқибда бўлгандир, амалпараст, худбин кишилар ҳар қандай буйруқни «аъло» бажаришгандир. Лекин менга айтинлар, ўртоқлар, оддий фуқарода фикр-лашоҳ! Қўрқув, тобелик, тенгсизлик устига мустақил ким-гунаш, ўйлаганимизни сўзлаш, қандай хоҳласак, шундай — олдиндан ёзилган «сценарий»сиз яшаш имкониятларидан маҳрум этилдик, оқибатда ўша «сценарий»га кўра, мўмин-қобил, ким қаяққа деса кетаберадиган, лоқайд кимсага айландик.

Энди фуқарони ғафлат уйқусидан уйғотиш учун вақт, самарали меҳнат, мустаҳкам бирлик, жасорат билан бирга мулоқот, халқ кўнглига малҳам керак. Матбуотда баъзан айтилган ёлғон, ярим ёлғон гаплар, ваъдалар поёнига етмаётгани, саволларга жавоб бераётганларнинг мустақил-маслиги халқнинг ихлосини қайтариб қўймаётими! Фарғона воқеаларига тааллуқли, халқ депутатлари билан учрашув олдиндан телевидениемизга йўллаган саволларимга бир оғиз ҳам жавоб олганимиз бунга мисол бўлади.

Журналда шундай долзарб мавзуларда давра суҳбатлари давом эттирилса. Орол денгизини ҳалокат ёқасига олиб бориб қўйган, халқни ювош, муте қилиб тарбиялаган, ўз она тилига белпанд, пахтадан ҳар йили давлат ҳазинасига қанча фойда келётганини айтиб юборса, оғзи куйишидан қўрқадиган раҳбар ва олимларимиз ҳам давра суҳбатида қатнашсалар.

Камоли эҳтиром билан  
Ҳабибулла ЮСУПОВ, Чортоқ шаҳри,  
Навоий номли колхоз аъзоси.

## ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Журналнинг июнь ойи сонидаги катта давра суҳбатини ўқидим, менга жуда маъқул бўлди, ҳаммаси — дилдаги гаплар. Мен оддий колхозчиман, далада ишлайман, шу сабабдан ёзувимда хато бўлса кечирасизлар. Бир тақлифим бор, суҳбатда раҳбар шахслар ҳақида айтилган, бироқ ўзлари қатнашмаган. Улар билан ҳам давра суҳбати ўтказилса, яхши бўларди. Утган суҳбат ҳақидаги таассуротларимни айтиб, вақтингизни олиб ўтирмайман. Узимни ўйлантираётган бир нарса ҳақида айтсам: эндиги ҳаётимизда Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Бобур каби шахслар, Файзулла Хўжаев, Усмон Юсуповдақа раҳбарлар, Беруний, Ибн Сино, ал-Бухорий сингари олимлар етишиб чиқармикин! Менимча, чиқади. Яна бир так-

лифим, халқ дилидаги турли муаммоларни ёритувчи давра суҳбатлари журналнинг ҳар бир сониде бериб борилса.

Нурмаҳамат ХОЛИҚОВ,  
Қува районидеги «Москва» колхозидан.

## ХАЛҚ НИДОСИГА ҚУЛОҚ СОЛАЙЛИК

Севимли журналимиз қайта қуришнинг оташин кураш-чисига айлангани биз, журналхонларни қувонтиряпти, албатта. Июнь ойи сониде берилган мақолалар бир мақсад сари узвий боғланганлик касб этади. Шахснинг бугунги қайта қуриш жараёнида жамиятда тутган ўрни ва вазифалари суҳбатда яхши ёритилган.

Михаил Сергеевич Горбачевнинг демократия ва ошкораликка кенг йўл очиб бергани шарофати билан ҳозирги шароитимизда у кишининг ШАХСИ ҳам беқиёс аҳамият касб этади. Лекин ҳамма дардларимизни бир кишига юклаш инсофдан эмас. Партия ва ҳукуматимиз, жумҳуриятимиз раҳбарлиги халқ нидосига қулоқ солиб, «лаббай!» деб жавоб беришсин. Халқ депутатларининг I съезиде кўрилган масалалар: пахта яккахокимлигини тугатиш, экология, аёлларимизнинг оғир меҳнат жабрини тортаётганлиги, қишлоқ хўжалигимизнинг аянчли аҳволи ва бошқаларнинг ҳал этилиши амри маҳол бўлиб турибди. Муҳаммад Алайҳис Саломдан саҳобаларидан бири жаннатга ким олдин тушади, деб сўраганда ул зоти вабаракот шундай айтибдилар: «Деҳқон олдин тушади, чунки у яратган неъматларни тановул этиб, ибодат қиламиз, меҳнат ва ижод билан машғул бўламиз». Бизда биринчи галда деҳқоннинг шароити яхшиланиши керак. Бериладиган ер ҳам, пахта-нинг оширилажак харид нархи ҳам деҳқоннинг академик ёки профессор каби яхши ҳаёт кечиршини таъминлаши зарур, чунки у ернинг, деҳқончиликнинг пири.

Шахснинг келажоғи — тилнинг келажоғи билан ҳам боғлиқ. Халқимизга тавсия этилган лойиҳанинг камчиликлари жуда сероб. Аввало, шунча кўп бандларнинг нима кераги бор! Ўзбек тилига давлат мақоми берилаётган экан, шунга тегишли ўринлар ажратилса бас. Кейин, барча конституцион давлатларда қандай иш юртилса, шундай қилинади; тилга давлат мақоми берилганда нима қонуний бўлса, шунга риоя қилиш зарур.

Умуман, шахснинг ҳар томондан: иқтисодий, маънавий, руҳий, ҳуқуқий жиҳатлардан камол топишга шароит яратилса, халқнинг қалбига қулоқ солинса, жумҳуриятимиз қисқа муддатда қайта қуриш меваларидан баҳраманд бўлади.

Дадаҳон АЛИХОНОВ,  
Неъмат РАҲМАТУЛЛАЕВ,  
Абдурахмон РАСУЛОВ,  
савдо ходимлари (Анджон).

РЕДАКЦИЯДАН: Сиз, азиз журналхонлар, ушбу давра суҳбати муносабати билан редакциямизга йўлланган юзга яқин дастлабки мактублардан айримларидаги фикр-мулоҳазалар билан танишдингиз, мактублар оқими ҳамон тўхтамаётир. Журналнинг ҳажм имкониятлари чеklangани учун бошқа диққатга сазовор фикр-мулоҳазаларни ёрита олмадик, бунинг учун узр. Бироқ шу мактублар мазмунидан ҳам суҳбат жуда кучли таассурот қолдирганини, хат эгаларининг суҳбатга сиртдан бўлса-да, қўшилганлари мисолида кўриш мумкин.

Айрим журналхонлар ана шундай давра суҳбатлари тўхтаб қолмайдими, деб сўрашган. Редакция янги, 1990 йилдан бошлаб, тарихимиз, миллий маданиятимиз, иқтисодий ҳаётимиз, ҳозирги куннинг бир қатор долзарб муаммоларига доир қизиқарли давра суҳбатларни ҳозирдан режалаштирмоқда. Сизнинг таклифингиз асосида ҳам давра суҳбатлари уюштиришни кўзда тутганмиз, фикр-мулоҳазаларингизни эса ҳозиргидек ёритиб борамиз. Келгуси йилги давра суҳбатларида Сизни фаол қатнашишга таклиф этамиз, бунинг учун ҳозирдаёқ обуна бўлишни ёддан чиқармасангиз бўлгани, чунки айрим журналхонлар редакция имкониятга эга бўлмаган нарсани — журналнинг фалон сонини жўнатсангиз, деб хат ёзишади. Хуллас, ҳали бу йил давом этадиган давра суҳбатларига ҳайрлашамиз.



# ТЎҶҚИЗ МУЧАЛ — ТАБАРРУКЛИК

«Яқинда журналда берилган япон мучали ҳақида ўқиб, кўп хурсанд бўлдим. Туркий халқларнинг мучалига ҳам қизиқаман. Шу тўғрида мақола эълон қилсангиз», деб Чиноз районидан Машҳура Мазбудова редакцияга мактуб йўллабдилар. Уйлаймизки, қуйидаги мақола ва шеър бошқа журналхонларимизнинг ҳам эътиборини ўзига жалб этади.

Инсон ақл-заковати туфайли бунёд бўлиб, унга барча даврларда хизмат қилиб келаётган ихтиролардан бири — мучал йил ҳисобидир. Шарқ халқлари мучал йил ҳисобига қадимдан амал қилиб келади. [Қаранг: «ФТ», 1984 йил, 12-сон. Хитой мучали; «ФТ», 1989 йил, 5-сон. Япон мучали.] Мучал йил ҳисобининг моҳияти, тарқалиши, қўлланиши, қайси ҳайвонларга кўпроқ сифинишига қараб, турли халқларда турли ҳайвонлар номи билан аталади. Йиллар учун номи олинган ҳайвонларга хос бўлган хусусиятларга кўра ҳар бир йилни бирор ҳикмат, хосият ёки хосиятсизлик билан боғлаш, мучалдан-мучалга ўттиш чегарасини, яъни ҳар бир мучал даври бошланишини хатарли ҳисоблаш каби ақидалар мавжуд.

Аждодлардан авлодларга умрбоқий мерос бўлиб қолган мучал йил ҳисоби усули ҳануз ўз аҳамиятини йўқотган эмас. У турмушда мудом қўллаб келинмоқда. Йил ҳисоблашнинг бу усули ҳақидаги маълумотларни, унинг ёддан кўтарилаётган айрим жиҳатларини вақти-вақти билан эсга солиб, хотирада тиклаб борилса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Шу боис, унинг кам ёритилган айрим томонларига оид баъзи фикр-мулоҳазаларни бу масала билан қизиқувчиларнинг диққатига ҳавола қилиш айни муддаодир.

Авалло, мучал ўзи нима, деган саволга биргаликда жавоб излаб кўрайлик. Мучал сўзи бир қатор туркий тилларнинг луғат бойлигида мавжуд бўлган кўп маъноли муча оти ва муча феъли билан ўзакдошдир. Масалан, қирғиз тилидаги мучу — туғилган йилига етмоқ [ўн учундў мучўду, андан кейин кучўду — ўн учиди йилига етди, ундан кейин куч олди] феълидан ҳосил бўлиб, қуйидаги уч маънода қўлланади: 1. Ҳар бир йили бир ҳайвон номи билан аталувчи ўн икки йиллик давр; 2. Ўн икки йиллик даврга кирувчи ҳар бир йилнинг номи; 3. Таваллуд санаси, туғилган йил. Бунда ёш йил тўлганда эмас (ҳозиргидаги каби), балки мучал даври муддатига етганда нишонланган. Одамлар ўзларининг, ота-оналарининг, бошқа оила аъзоларининг, шунингдек, машҳур кишиларнинг мучал йилларини эсда сақлашган. Мучал орқали ёш ва йил сурштирилган, бўлиб ўтган муҳим воқеа-ҳодисалар санаси аниқланган. Бу анъана туркий халқларда, айниқса кеска авлод вакиллари ўртасида ҳануз давом этиб келмоқда.

Мучал фақат йил ҳисобини билиш учунгина ўйлаб топилган эрмак бўлмагани, шубҳасиз. У табиат ҳодисаларини узлуксиз кузатиш натижасида, унинг қонуниятларини чуқур ўрганиш негизида қарор топган тафаккур маҳсулидир. Мучал йил ҳисоби даврнинг ўн, ўн беш ёки йигирма эмас, балки айнан ўн икки йил қилиб олинишининг ўзи ҳам бежиз эмас кўринади. Бунда магнит майдони таъсирида юз бериб, ўртача давомийлиги ўн бир йилга тенг бўлган қуёш активлиги даврида узлуксиз такрорланиб турадиган, бири-бирини тақазо қиладиган ҳодисаларга боғлиқ ўзгаришлар ҳисобга олинмаганмикан! Ҳар бир мучал даврининг боши хатарли ҳисобланиши, ҳар бир йилга нисбат берилган ҳикматлилиқ, хосиятлилиқ ёки беҳикматлик, беҳосиятлик каби белгилар қуёш системасидаги даврий ўзгаришлар жараёнида такрорланиб турадиган ҳодисаларни кузатиш натижасида юзага келган илмий хулоса эмасмикан! Кейинчалик, даврлар ўтиши билан илмийлиги аста-секин унутилиб, оддий ақидага айланиб қолган ҳақиқатмасми у! Мушоҳадага ундовчи бу фаразлар ҳали ўз ечимини кутаётми.

Мўътадил шароитда кун кечириб, қатағон хатти-ҳаракатлардан, мамну нарсалардан ўзни тийиб, парҳез қила билиш, узоқ умр кўришнинг эҳтиёт чора-тадбирларига оғишмай амал қилиш, ҳамиша сиҳат-саломатликнинг пайдан бўлиш ўн икки мучал даврига тенг ёш кечиришнинг асосий шартидир. «Комсомольская правда» газетасининг 1989 йил 4 февраль сонидида Озарбайжоннинг баланд тоғ районларидан бирида жойлашган Бобогил номидаги қишлоқда истиқомат қилувчи Шамса Ибодова исми кеска онахоннинг 137 ёшга тўлганлиги ҳақида хабар берилган эди. Унинг ўн бир мучални тугал яшаб, ўн иккинчи мучалининг тўртинчи йилини кечираётгани ўн икки мучал даврида яшаш мумкинлигини исботлайди.

Ҳар бир халқ мучалнинг жорий бўлишини ўз турмуши билан боғлаб талқин қилади. Ўн биринчи асрнинг етук аилломи Маҳмуд Кошғарий ўзининг машҳур «Девону луғотит турк» номи асарида мучал йилнинг туркий нақли ҳақидаги қуйидагича ривоятни келтиради: «Турк хоқонларидан бири бундан бир неча йиллар аввалги уруш тарихини ўрганмоқчи бўлибди, шунда у уруш бўлиб ўтган йилни аниқлашда янглишади. Бу масала юзасидан хоқон қавмлари билан кенгашиб, дейди: Биз бу тарихни аниқлашда қанчалик янглишган бўлсак, биздан кейин ҳам шундай янглишадилар. Шундай бўлгач, биз энди ўн икки ой ва осмондаги ўн икки буржга асосланиб, ўн икки йилга от қўйишимиз керак, токи биздан кейин йил ҳисоби шу йилларнинг айланишига қараб олинсин ва бу нарса абадий бир ёдгорлик бўлиб қолсин. Қавмлари айтганингиздек бўлсин, дейишибди.

Хоқон бир кунни овга чиқибди ва одамларига ваҳший ҳайвонларни Или дарёси томон қувишни буюрибди. Одамлар ов қилиб бориб, ҳайвонларни сув томон ҳайдашибди, шунда ўн икки ҳайвон сувдан ўтибди. Ўн икки йилни ана шу ўн икки ҳайвон номи билан аташибди. Энг олдин сичқон сувдан сузиб ўтибди. Шу сабабли дастлабки йил унинг номи билан сичқон йили деб аталибди. Ундан кейин сувдан кечиб ўтган ҳайвонлар номи билан кейинги йиллар аталибди: уд (сигир) йили, барс (йўлбарс) йили, тавишган (қуён) йили, нақ (тимсоҳ, балиқ) йили, йилан (илон) йили, юнд (от) йили, қўй йили, бизкин (маймун) йили, тақағу (товуқ) йили, ит йили, тўнгуз (тўнғиз) йили. Тўнғиз йилидан кейин ҳисоб яна сичқон йилидан бошланибди».

Агар милодий йил ўн икки йиллик мучал ҳисобига тақсимланса, 1980 йилга қадар мучал даври 165 марта такрорланганлиги, милодийнинг биринчи йили мучал ҳисобига товуқ йилига тўғри келиши маълум бўлади. Бунда мучалнинг биринчи йили — сичқон йили билан милодий биринчи йил орасида 9 йиллик фарқ борлиги ҳам аниқланади. Бу маълумотлар милодий йилни мучал йилига ўғириш ва одамнинг мучал йилини топишда керак бўлади.

Милодий йилдан мучал йилини чиқариш учун қуйидаги амалларни бажариш керак: туғилган йилга 9 сони [бу сон мучалнинг биринчи йили билан милодий биринчи йил орасидаги фарқ] қўшилиб, йиғинди 12 га бўлинади. Бўлув амалдан кейинги қолдиқ сон мучал ҳисобига ўн икки ҳайвон номидан тартиб бўйича қайси бирига тўғри келса, қидирилган мучал йили ўша бўлади. Масалан, 1987 йилда туғилганларнинг мучали қуйидагича топилди:  $1987 + 9 = 1996 : 12 = 166$ , қолдиқ — 4.

4 сони мучал ҳисобига тартиб бўйича қуён йилига тўғри келади. Демак, 1987 йилда туғилганларнинг мучали қуён бўлади [бу ҳисоб 22 мартдан сўнг туғилганлар учун, 22 мартга туғилганларнинг мучали эса йўлбарс бўлади].

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида мучал йилининг туркий нақли ҳақидаги юқоридида келтирилган ривоят ва милодий йил мучали ҳисобини топишга оид фикр-мулоҳазаларни бир неча йил муқаддам назмга туширган эдик, шунинг ҳам журналхонлар эътиборига ҳавола қилмоқчимиз.



Мучал ривояти ва милодий йил мучали ҳисобининг  
шеърий баёни

Даври мучал ўн икки йил,  
Ҳар йилга бир ном бор, бил.

Жорий бўлиш ҳангомаси,  
Бундай тарих-афсонаси:

Бир санани эслар они,  
Мушкул келиб турк хоқони.

Кенгаш солиб аҳбобига,  
Доно, ҳаким, арбобига

Деди: айлаб йилга ҳисоб,  
Авлод учун битинг китоб.

Токи биздан сўнг келгучи,  
Утмишни истаб билгучи,

Қийналмайин, беизтироб,  
Воқеотга толгай ҳисоб.

Айладилар кўп машварат,  
Бўлди манзур бу маслаҳат:

Овга чиқиб бир кун хоқон,  
Аёнлари ҳам ёнма-ён,

Овлоқни қамраб олдилар,  
Шовқин-суронлар солдилар.

Ҳайвон зоти кўрқиб бари,  
Тўп-тўп бўлиб моде, нари,

Қутулмоққа йўқ чоралар,  
Жон сақлабон бечоралар,

Келгач хатарга юзма-юз,  
Ун икки жонвор изма-из.

Дарё сувин ҳоли кўриб,  
Топди омон сувга кириб,

Ун иккиси сувдан ўтиб,  
Қирғоқ сари келди етиб.

Сичқон улар олд-ўнгида,  
Тўнғиз эди энг сўнгида.

Қолганлари ҳам дармиён,  
Чикди сузиб қирғоқ томон.

Чикмоқда тартиб қандайин,  
Бўлса баёни бундайин:

Сичқон, Сигир, Йўлбарс, Қуён  
Балиқ, Илон, От Қўй билан.

Маймун, Товук, Ит ҳам Тўнғиз,  
Едда тутиш албат жоиз.

Ун икки бу ҳайвон номи,  
Йилларга ном бўлди жами.

Бор бир хабар бундай деган,  
Саф бошида туя экан.

Кўз-кўз қилиб ўз ҳайбатин,  
Олган сафнинг олд навбатин.

Лек устига сичқон миниб,  
Олдин ўтган кўйи иниб.

Сичқон мучал йил бошидир,  
Тўнғиз унинг тугашидир.

Сичқондан ўн бир йил ўтар,  
Тўнғиз сари навбат етар

Ун икки йил ўтгач тугал,  
Такрорланур даври мучал.

Март йигирма икки куни,  
Сичқон йилин иллки куни.

Қим истаса топмоқ мучал,  
Тадбир будир айлашга ҳал:

Уз тўғилган йил-санасин,  
Тўққиз қўшиб жам айласин.

Ун иккига бўлсин уни,  
Олсин топиб қолдигини.

Қолдиқ неча бўлса ўшал,  
Ул кишига бўлгай мучал.

Қолдиқ сони бир бўлса гар,  
Мучал йили Сичқон бўлар.

Икки — Сигир, уч — Йўлбарс,  
Қуён келур тўрт сонга мос.

Бешдир Балиқ, олти — Илон,  
Огдир эса гар етти сон.

Саккиз билан Қўй тенг келар,  
Тўққиз сони Маймун бўлар.

Товук йили — ўн бўлса сон,  
Ун бир сони Ит бегумон.

Бўлмас эса қолдиқда сон,  
Тўнғиз йили бўлгай бу он.

Ҳар бир мучал ўн икки йил,  
биринчиси ўн уч, бил.

Ҳомилалик даври била,  
Ул олинур ўн уч қила.

Йигирма беш — икки мучал,  
Учи — ўттиз етти тугал.

Еш етса қирқ тўққизга гар,  
Тўрт мучалининг даври тугар.

Олтмиш бирга борганда ёш,  
Беш мучални ўтказар бош.

Етмиш уч ёш — олти мучал,  
Саксон беши — етти мучал.

Саккиз мучал чун тўлади,  
Тўксон етти ёш бўлади.

Юз тўққиз ёш гар тўлгуси,  
Тўққиз мучал бут бўлгуси.

Юз йигирма бир бўлса ёш,  
Нақ ўн мучал кўргай бу бош.

Ун бир мучал кам-кам бўлар,  
Юз ўттиз уч ёшда келар.

Ун иккиси ҳам бўлади,  
Аммо жуда кам бўлади.

Бир мучалдир нораства чоқ,  
Икки мучал — эр етишмоқ.

Уч мучалдир йигитвашлик,  
Мучал тўрти — ўрта ёшлик.

Беш мучалдир оқсоқоллик,  
Олти мучал — кекса-чоллик.

Етти мучал қариликдир,  
Куч-қувватдан нариликдир.

Саккиз мучал — қари-қартлик,  
Сериззату бохурматлик.

Тўққиз мучал — табарруклик,  
Ардоқлаб иззат қилгулик.

Қолган учи қандай бўлар,  
Умри узоқ ўзи билар.

## ЖОЙ НОМЛАРИ ЛУҒАТИ



Т. НАФАСОВ

ЎЗБЕКИСТОН  
ТОПОНИМЛАРИНИНГ  
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Бу оламда ўз номига эга бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ. Инсон ҳатто қадами етмаган, кўз билан кўрмаган жойларга ҳам ном қўйган. Улар ниҳоятда кўп ва хилма хил. Ер-сув, тоғ-қир, дала-дашт, шаҳару қишлоқ номлари — топонимларни ёзиб олиб тўплаш, уларнинг шаклланиш, ўзгарнишни кузатиш, тил хусусиятларини ёритиш ва ниҳоят жой номлари луғатларини яратиш олимларимиз зиммасига жуда катта илмий ва амалий вазифа юклайди. Бироқ, рўй-роҳат тан олиш керакки, ҳозиргача жумҳуриятимиздаги водий ва воҳаларда, музофот ва вилоятларда мавжуд бўлган жой номлари етарли даражада урганиб тадқиқ этилмаган, луғатлари тузилмаган. Тўғри, Ўзбекистон топонимикаси бўйича 12 та кандидатлик диссертацияси ҳимоя этилган, лекин бу соҳада бирорта фан доктори йўқ. Уша мутахассисларнинг барчаси ҳам жонбозлик кўрсатишмоқда деб бўлмайди. Шу боис Қарши педагогика институтининг катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди, доцент Тўра Нафасовнинг яқинда «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган «Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати» диққатга сазовордир.

Муаллиф Сурхондарё ва Қашқадарёнинг барча район, қишлоқларида юриб, бир

неча йиллар давомида 15 мингдан ортиқ жой номларини тўплаган ҳамда беш мингдан кўпроғини синчковлик билан танлаб таҳлил этган ва изоҳли луғатини тузган. Ўзбекистоннинг жанубий районларида топонимларнинг аксарияти биринчи марта фан оламига киритилганлиги жиҳатдан ниҳоятда қимматлидир.

Луғатда жой номлари оддий тарзда таърифланиб, изоҳланибгина қолмай, балки топоним бош сўзлар тарихий, географик, этнографик маълумотларни ўз ичига олган ҳолда, асос топонимнинг қайси тилга оидлиги аниқ кўрсатилади, уларнинг таркиби, ясалиши, маъноси ҳақида қисқача тушунча берилади. Муаллиф ушбу луғатда қадимги ва ҳозирги топонимларнинг қайси жойда, қайси манзилда эканлиги, умуман улар ҳақидаги барча зарур маълумотларни тўла келтиради.

Ушбу изоҳли луғат ўзбек номшунослик фанига, умуман туркий тиллар топонимиясига қўшилган йирик ҳисса бўлиб, у барча журналхонларимиз ҳам қизиқиб ўқийдиган китоб бўлиб қолса, ажаб эмас.

Аҳмад ИШАЕВ,  
ЎзССР ФА Тил ва адабиёт институтининг  
етақчи илмий ходими.

СЎЗ ТАГИДА  
СЎЗ БОР



# ҲАҚИҚАТАН, ЗАҲАРСИЗМИ

ҒУЗАНИ дефолиация қилиш ҳануз пахта ҳосиллини йиғиб-териб олишнинг энг муҳим шартларидан бири бўлиб қолмоқда. Афсуски, ҳозирги кунда пахта далаларида қўлланилаётган хилма-хил дефолиантлар у ёки бу даражада камчиликлардан холи эмас.

Янги хил дефолиантлар яратиш, уларнинг технологиясини ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва заҳарлилик даражасини тадқиқ этиш, шу препаратлар ичидан энг самарадор, кам заҳарли, мақсадга мувофиқларини сайлаб ишлаб чиқаришга тавсия этиш бўйича барча ишларни мувофиқлаштириш зарурати туғилди. Утган 1988 йилда шу мақсадда Тошкентда «Дефолиант» илмий техника маркази ташкил этилди. Марказ ишида мамлакатнинг 14 илмий муассасаси ва ташкилотлари қатнашмоқда. Кимёгар олимларнинг икки йўналиш бўйича иш олиб боришларига тўғри келади. Биринчиси — истиқболдаги йўналиш, янги хил замонавий препаратларни яратишдан иборат бўлса, иккинчиси — қатъий йўналиш, яъни жаҳон амалиётида мавжуд тажрибадан ўтган препаратларни ҳаётга тадбиқ этишдан иборатдир. Истиқболли йўналиш бўйича «Дефолиант» маркази доирасида бир қанча химия, биология, агротехника ва медицина муассасалари иштирокида олиб борилмоқда. Бироқ, маълум сабабларга кўра ушбу масаланинг ҳал этилиши учун кўп йиллар талаб этилади.

Қатъий йўналиш бўйича олиб борилаётган ишлар эса бирмунча тез фурсатда натижа беради. Чунки чет эл пахтачилигида кенг қўлланаётган дефолиантларни сотиб олиб ишлатиш, шунингдек мазкур дориларни маҳаллий sanoat корхоналарида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўп вақт талаб этмайди.

ДРОПП — ана шундай дорилардан биридир. Унинг асосини ташкил этувчи тидиазурон моддаси химиявий таркибига кўра гетероциклик ҳушбўй дурдалар туркумига оиддир. Бу бирикмани ГФР ва Ғарбий Берлинда жойлашган Шеринг акционерлик жамиятига қарашли лабораториялардан бирида 1976 йили Ф. Арндт ўз шоғирдлари билан ҳамкорликда кашф қилган. Фирма ўшанда бу препаратни ўсимликларни ўстирувчи модда сифатида тавсия этган эди. Бироқ, амалиётда у ғўза барглари тўқувчи модда сифатида қўллана бошлади.

70-йилларнинг охири ва 80-йилларнинг бошида дропп мамлакатимизда синаб кўрилди ва кўп ўтмай Давлат химия комиссияси томонидан далаларда ишлатиш учун рухсат берилди.

1987 йили Тошкентда Шеринг фирмасининг махсус анжумани бўлиб ўтди. Унда немис мутахассисларининг қилган марузаларида, шунингдек, фирманинг безакли рибосолларида дропп ижобий баҳоланиб, янги авлод дефолиант деб аталади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки дропп оз миқдорда ишлатилгани ҳолда [бутифосга исбатан 5—10 карра кам] ўсимликка «мулойим» таъсир этиб, барча турдаги ғўзаларга, жумладан ингичка толали навларга ҳам ишлатиш мумкин. Дропп заҳарлилик даражасига кўра ҳам ўз ўтмишдошларидан фарқланиб турадики, бу ҳол кенг миқёсда пахта билан банд бўлган районлар учун ниҳоятда аҳамият касб этади. Чунки дропп тупроқда маълум муддат ўтгач парчаланиб кетади. Демак, уни экологик жиҳатдан соф дефолиант деб аташ мумкин.



Дроппнинг ўзига хос нозик бир жиҳати шундаки, дефолиация даврида ҳаво ҳарорати юқори бўлиши керак. Чунки кечаси ҳаво ҳарорати 15 даражадан паст бўлса, дропп ҳеч қандай наф бермаслиги мумкин.

Умуман, дропп янги препарат бўлгани боис унинг биохимиявий ва физиологик таъсир этиш хусусиятларини тўла-тўқис тадқиқ этилган деб бўлмайди. 80-йилларда мамлакатимизда ва чет элларда чоп этилган баъзи илмий мақолаларда тидиазуроннинг юқори цитокининларга хос фаоллиги хусусида фикр юритилиб, у дроппнинг заҳарлилигидан дарак беради, қабилида гумон айтилганди. Лекин шу маҳалгача бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқловчи бирор дадил манба мавжуд эмас.

Дропп, аниқроғи унинг асосий таъсир этувчи моддаси — тидиазурон ғўза баргига кириб бориб, бамисоли табиий равишда ҳазон бўлиб бораётган япроқда кечувчи жараёнларни вужудга келтиради. Натижада, япроқлар ўзининг яшил рангини қисман йўқотади, уларнинг банди ва шонабарги қирмизи тусга киради, япроқ бандининг шохга туташ жойи чирийди. Дропп шу тарққа баргнинг тўкилиш жараёнини тезлаштириб юборади.

Дефолиация, ҳаво иссиқ келганда бир ҳафтадаёқ тугайди. Лекин ҳаво айниб турса, уч ҳафтага чўзилиб кетиши мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, япроқлар асосан яшилликча бўливеради. Бинобарин, очилган пахталар соф, оппоқ бўлиб тураверади [маълумки, баъзи дорилар сепилганда барглар қовжираб пахтани ифлослантириб юборади]. Дропп билан ишлов берилган майдонлардаги ғўзаларда янги барглари унинг чиқиш жараёни сустлашади. Демак, янги барглар унинг чиққунга қадар ҳосилни софликча териб олиш имкони ҳам бор.

Ҳўш, «мулойим» таъсир қилади, деганда нимани тушунилади! Бу — ғўза танасидаги модда алмашинуви ва физиологик жараёнлар кечишининг кескин ўзгаришига олиб келмайдиган деган гап. Шу боисдан кўсақларнинг етилиши, гарчи тезлашса-да, лекин бир маромда кечади. Дефолиант унинг ичидаги тола ва чигитларнинг табиий равишда етилишига салбий таъсир етказмайди.

Шеринг фирмаси маълумотларига кўра, дропп сепилган майдонлардаги очилган пахталар фақат машина терим учунгина эмас, балки қўл терими учун ҳам баб-баравар самарали бўлиб қолаверади. Чунки барглardan ҳоли бўлган ғўзалардаги пахтани териш осонлашади, терим муддати қисқаради.

Энди дроппнинг ўзини қўлга олиб кўрайлик-чи.



ТАБИАТ ЎЗОЗГА  
МУҚТОМ



Бу кўкимтир, ҳидсиз кукун бўлиб, тенг миқдордаги сувда эрийди. Одатдаги шаронгларда қоғоз қопда уч йилгача сақлаш мумкин. У сувда осон эрийди, эритмаси анча барқарор, ҳа деганда қуйқалашиб қолавермайди. Мазкур дефолиант фақатгина теккан жойидаги барглари тўқади, шу боис уни кўпроқ сувда эритиб, гўзанинг бор бўйича ҳўлланишига эришиш зарур. Ана шундагина гўзадаги япроқларнинг яхши тўкилиши таъминланади.

Шеринг фирмасининг маълумотларига кўра, дропп ҳозирги кунда ер юзидаги 30 пахтакор мамлакатда қўлланилмоқда. Булар орасида пахта терими буткул механизациялашган АҚШ ва Австралия ҳам, қўл теримига асосланган Миср, Покистон ва Бразилия ҳам бор. Айниқса АҚШ ва Австралияда дропп яхши ўрганилган, 5—10 йилдан буён муттасил ишлатиб келинмоқда.

Дроппнинг қанчалик самара бериши пахтакор мамлакатнинг иқлими, қолаверса мавсумдаги об-ҳавонинг қандай келиши билан, экиладиган навнинг ўзига хос хусусиятлари, ниҳоят жорий этилган агротехника билан боғлиқдир. Шундай экан, қуйидаги саволини тўғилиши табиийдир: хўш, биз дроппни қўллашга тайёрмизми!

Дропп мамлакатимизда биологик ва техник жиҳатдан жиддий синовдан ўтди ва ўз баҳосини олди. Бунинг учун Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон далалари танлаб олинди. «Союзхлопок» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, ЎзССР ФА Усимликлар экспериментал биологияси ҳамда Усимлик моддалари химияси институтлари олимларининг тажрибаларида дропп ҳар гектарига 0,2 дан 0,7 килограммгача қўлланилганда гўза япроқларининг мутлақо тўкилиб, очилган кўсақларининг сони деярли қирқ фоиз ортиши кузатилди. Албатта, турли хил нав гўзаларга дори турлича таъсир қилади. Айниқса ингичка толали пахталар дроппга анча таъсирчан. Зеро Туркменистонда ва республикамизнинг жанубий вилоятларида олиб борилган синовлар 5904—И, 9732—И ва Аш—25 каби ингичка толали навлар учун гектарига 0,15—0,3 килограмм препарат кифоя эканлигини кўрсатди.

Шеринг корчалонларининг мақтаганларича ҳам бор экан. Бу дори пахтанинг ҳосили мўл, чигити тўқ, толасининг сифатли бўлишига ҳеч бир ҳалал еткармас экан. Зеро Термиз—2 ва С—6037 ингичка толали навлар гектарига 0,25—0,50 кг дефолиант билан дориланганда япроқлар деярли юз фоиз тўкилди. Бу ҳам бўлса, Туркменистон ва республикамиз жанубий районларидаги иқлимнинг иссиқ келиши билан боғлиқдир.

Дропп ўрта толали навлар экилган далаларда ҳам синаб кўрилди. Бу тажриба ўтган йили Ўрта Чирчиқ районининг Киров номли ўқув совхози майдонида ўтказилди. Маълумки, 1988 йил сентябрь ойи иссиқ келди. Бу эса айни муддого эди. Қолаверса, экилган нав гўзалар мезёрда ўсиб ривожланган эди. Бу ерда синаб кўрилган 10 та дефолиантдан энг оз миқдорда сепилгани — дроппгина самарали натижа берди: гўза барглари яхши тўкилди. Ишлов берилган ҳафтанинг охирига бориб яшил ва бир оз сарғайган

япроқлар тўкила бошлади. Дори гўзага «мулоим» таъсир қилди. Чунки энди пайдо бўлган кўсақларнинг кўйиб ёхуд тўшиб кетиш ҳоллари кузатилмади.

Бу йил об-ҳаво шароити пахтачилик учун ниҳоятда ноқулай келди. Совуқ кунларнинг кечикиб кетиши, май ойидаги ёғинлар чигитнинг қайта-қайта экилишига, гўзаларнинг ўсишдан қолишига олиб келди. Мутахассисларнинг ҳисоблашларича, дефолиация қилиш мuddати кўпгина вилоятларда сентябрь ойининг охиригача сурилади. Бу мuddатда эса кунлар совиб, ҳароратнинг пасайиши боис дроппни қўллаб бўлмайди. Демак, фақат жанубий вилоятларда қўллаш мумкин, холос.

Қўлимиздаги бор маълумотларга асосланиб, шунини айтиш мумкинки, ҳаво салқинлаша борган пайтда дроппнинг самарадорлиги пасайишининг сабаби препаратнинг гўза баргларидаги тўқима ва ҳужайраларга сингмай қолишидир. Ана шу нуқсонни бартараф этиш учун эса, эритма тайёрланаётган пайтда заҳарсиз минерал мой қўшиш тавсия этилади. Бу тавсия Шеринг фирмасининг реклама китобчасида ҳам қайд этилган. Албатта, лабораторияларимизда бошқа хил қўшимчалар устида ҳам иш олиб борилмоқда.

ЎзССР ФА Усимлик моддалари химияси институти ва «Дефолиант» маркази тавсиясига кўра, ўтган йили бутилкаптаксини қўшимча сифатида синаб кўрилди. Бунда гектарига 0,3 килограмм дроппни 2—4 килограмм бутилкаптаксга қўшиб ишлатилди. Аралашма дроппнинг ўзига нисбатан бир мунча «қаттиқроқ» таъсир кўрсатди: олти кун деганда япроқлар ярим хазон бўлиб бандидан узилиб туша бошлади. Сентябрь ойининг охиригача бориб кун совиганда, балки худди ана шу аралашма асқотса ажаб эмас.

Дроппнинг атроф муҳитга таъсири хусусида шунини айтиш керакки, у асалари, балик ва қушлар учун мутлақо заҳарли таъсир этмайди. Тупроқда тез парчланади, тупроқда уч ойгача, ўсимлик танасида эса 6 кунга қадар сақланиб тургани текшириб кўрилган, шундан кейин у парчаланиб кетган.

У хорижий дори, устига-устак нархи қиммат. Демак, уни қўллаш ҳар қанча фойда келтирилган ҳолда, сотиб олиш учун анча-мунча валюта керак бўлади. Шу боис ҳозир дроппнинг айнан ўрнини боса оладиган препарат яратиш устида иш олиб борилмоқда. Мазкур препарат синаб ҳам кўрилди, натижа эса ёмон эмас.

Демак, хориждан катта пулга сотиб олиниши ёхуд ўз корхоналаримизда тайёрлашидан қатъи назар дропп, ҳар ҳолда ўз ўтмишдошларига нисбатан қатор афзалликлари билан ажралиб туради.

Тўлқин ТУРАХУЖАЕВ,  
Рэм КОБЛОВ,

биология фанлари номзодлари,  
(ЎзССР ФА Усимликлар экспериментал  
биологияси институти).

## ҚУРЪОН ҚАЧОН ЎЗБЕК ТИЛИДА ЧИҚАДИ

Шуни мамнуният билан маълум қиламизки, жамиятимизда рўй бераётган демократия, ошкораликнинг шарофати туфайли, 1350 йил муқаддам ёзилган ушбу фалсафий, ҳуқуқий билимлар мажмуасигина бўлиб қолмай, у ахлоқ-одоб, сахийлик, муруват, дўстлик, биродарлик, қисқаси Инсонни покликка даъват этувчи муқаддас асарни ўз она тилимизда ўқишга мушарраф бўламиз.

Қуръонни Ўзбекистон ССР ФА Шарқшунослик институти, Тошкент давлат университетининг олимлари ва Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг бир гуруҳ мутахассислари ўзбек тилига ағдарилмоқда.

Қуръон 1991 йили «Ўзбекистон» ва «Фан» нашриётларида чоп этилади.

Журналда эса 1990 йилда ҳам Қуръон ва Ҳадисдан парчалар бериб борилди.



# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ

## ИШСИЗЛАР



**ИШСИЗЛИК...** Биз узоқ йиллар бу муаммони кўр-кўрона инкор этиб келдик. Бу иборани тилга олишдан чўчиб, ҳатто уни «ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаслик» деб шаклан ўзгартириш билан, айни чоқда кўпинча айбни одамларнинг ўзларига ағдарардик. СССР Конституциясининг совет кишиларининг меҳнат қилиш ҳуқуқидек энг муҳим моддаларидан бири социализмда ишсизлик ҳодисаси бўлиши мумкин эмаслигини ўқидирарди. Лекин ҳаммаси қоғозда, шнорларда сип-силлик эди. Аслида 20—30-йилларда миллий-хўжалик масалаларини ҳал этишининг ленинча қоидаларининг қўпол бузилиши, мамлакатни бошқариш тарзи жумҳуриятларнинг бирон-бир мустақиллиги, ташаббускорлигига йўл қўймайдиган мутлақо расмийликка асосланган буйруқбозлик-зўравонликка айланиб кетиши, тенгҳуқуқчилик, мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши ҳақидаги шнорлар сафсатабозлик, қуруқ гап бўлиб қолган сўнгги ўн йилликлар мамлакатни жар ёқасига, инқирозга олиб келди. Бу ҳол иқтисодимиз аҳволида, турмушимиз даражасида, кишиларнинг иш билан таъминланишида ўта ноҳуш тарзда намоён бўлганлигига шохидимиз.

Албатта, ўтган йиллар мобайнида эришилган барча ижобий жиҳатларни назардан қочириш неқўрлик бўлур эди. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда ҳақиқатан улкан ўзгаришлар рўй берди. Лекин баҳсмиз мавзуси бу ҳақда эмас. Зеро қандай ютуққа эришган бўлсак, ҳаммаси ўзимизники, уни биров тортиб ололмайди. Муаммоларни эса, агар бундан ҳам кўнгилсиз оқибатларга дучор бўлмайлик десак, вақти ғаниматда ҳал этишимиз керак. Дарвоқе, бундай воқеалар кечинининг аччиқ сабоқларини ҳозирдаёқ кўриб, билиб турибмизки, шулардан энг сўнггиси — яқиндагина бўлиб ўтган Фарғона воқеаларидир.

Ўзбекистон иш жойига нисбатан ишлашни хоҳловчилар кўп бўлган жумҳурият ҳисобланади. Ваҳолонки, яқин-яқингача бу муаммо ниҳоятда жўн ва бир томонлама — «туғилишнинг жуда юқори даражада эканлиги» билан изоҳлаб келинган. Қаранг-а, вужудга келган бундай аҳвол учун яна жумҳуриятимизнинг ўзи айбдор.

Бинобарин, бу масалани оёғи осмондан қилиб кўрса-тишди. Гапнинг пўст калласини айтганда, жумҳуриятимиз иқтисодидида шундай қашшоқлик ҳолатининг рўй беришига бизда туғилишнинг кўплиги, яъни серфарзандлик эмас,

балки, аксинча, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг, турмуш даражасининг пастлиги сабабдир, айни вақтда худди шу омилнинг ўзи туғилиш даражасини белгилайди. Агар бу масалада ҳиссиётларга берилишни нари суриб қўйиб, гапнинг сирасини айтадиган бўлсак, шу нарса қадимдан маълумки, қайси бир мамлакатда ривожланиш даражаси юқори бўлса, у ерда туғилиш кам ва аксинча. Гарчи ҳар бир муайян жараёнга бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатса-да, бироқ умумий ғоя ўзгармай қолаверади.

Эндиликда шу нарса аёнки, Ўзбекистон бу ерда «туғилишнинг анъанавий юқори даражада» эканлиги сабабли эмас, балки аҳолини ўз вақтида ва мақсадга мувофиқ равишда иш билан таъминлаш борасида тегишли чора кўрилмаганлиги учун ортиқча иш кучили ўлкага айланиб қолди. Натижада умуман мамлакатда мантиқсиз ҳолат рўй берди — бир ерда миллиардлаб сўмлик иш жойлари бўшаб ётибди, бошқа ерларда эса одамлар ишлаб деса иш топа олмайди. Масалан, 1984 йили Украинада 300 мингга яқин бўш ишчи ўрни бор эди. Айни вақтда у ерда ҳар йили 18 миллиард сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондлари ишга туширилади ва тақрибан 5 миллиард сўмлик фонд фойдаланишдан чиқарилади. Бизда ҳам, айниқса саноат тармоқларида бўш иш жойлари мавжуд, буларда аввало малакали ходимлар етишмайди. Ушбу масаланинг бир «лекин»и бор: мазкур бўш иш жойлари бекор одамлар кўп жойда эмас, балки ишчи кучи кам ерлардадир. Афсуски, ҳозирги вақтда жумҳуриятимизда умуман бўш иш жойларига қараганда бўш ишчи кучи анчагина кўп.

Меҳнатга лаёқатли, ижтимоий ишлаб чиқаришда машғул бўлмаган аҳолининг мутлақ сони йил сайин ортапти. Эътибор берган бўлсангиз биз бу ўринда ҳам «ишсизлик» атамасини ишлатганимиз йўқ. Бунинг бониси мазкур атамани ишлатишдан чўчишда эмас, балки «ижтимоий ишлаб чиқаришда машғул бўлмаслик» ва «ишсизлик» тушунчалари айнан эмас. Айтайлик, киши корхона ёки колхозда ишламаса-да, лекин ўзининг шахсий хўжалигида меҳнат қилиб, муайян даромад олиши, жамиятга сезиларли фойда келтириши мумкин. Ахир кўпчилигимиз озиқ-овқат маҳсулотларининг талайгина қисмини колхоз бозорида шахсий маҳсулот соҳибидан ҳарид қилишимиз сир эмас-ку.

Бундан ташқари, ногиронлар, серфарзанд оналар, эмизикли аёллар бор. Шунингдек бекорчилар бор. Шубҳасиз, юқоридаги туркумлардан ҳар бирига алоҳида-алоҳида ёндошиш керакки, бунда уни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш имконияти ва мақсадга мувофиқлигини назарда тутиш зарур. Чунончи, 1970—1986 йиллар мобайнида республикадаги меҳнатга қобилиятли, лекин ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган кишилар икки ярим марта кўпайиб, барча меҳнат ресурсларининг 23,6 фонзини ташкил қилади. Бу Ўзбекистондаги катта ёшли одамларнинг ишга яроқлиларининг ҳар тўртинчиси ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзига жой топа олмайди, деган гап. Борди-ю шундан эмизикли ҳамда серфарзанд аёлларни чиқариб ташлаганимиз тақдирда ҳам, каттагина рақам қолади — 1987 йилги маълумотга кўра, бу кўрсаткич 700 минг кишини ташкил этади. Демак, қарийб бир миллион одам — ИШСИЗ.



Иш билан банд бўлмаган аҳолининг асосий қисми қишлоқ ерларидadır. Сўнги уч йил мобайнида меҳнат ресурслари ўсишининг асосий қисми уй ва шахсий ёрдамчи хўжалик ҳиссасига тўғри келди. Масалан, 1985—1986 йилларда меҳнат ресурслари 98,7 минг кишига ўсгани ҳолда, шахсий хўжаликда ўсиш 115,8 минг кишини ташкил этди. Яъни, сирасини айтганда, илгари ижтимоий ишлаб чиқаришда машғул бўлганларнинг уй хўжалигига томон огиши рўй берапти. Агар 1984 йили Ўзбекистоннинг қишлоқ районларида меҳнат ресурсларининг 72,7 фоизи ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган бўлса, 1986 йили бу кўрсаткич 61,5 фозга камайди. Ҳисобларга қараганда, жумҳуриятимизда 1970—1986 йилларда меҳнат ресурслари ўсишининг ҳар 1000 нафарига ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг 683 нафари, шу жумладан қишлоқда 564 нафари тўғри келган. Бунинг хавфли жиҳати шундаки, қишлоқ ёшлари шахсий томорқа хўжалигида қолиб кетаяпти. Иш қидириш ва топишнинг мушкуллиги туфайли, сўнги йилларда мактабни битириб, ҳеч қаерда шугулланмайдиганлар сони 2,7 ҳисса ортдики, шуларнинг 34 фоизи ёшлардир. Шу йил 15 июнида жумҳуриятимизнинг партия-хўжалик фаоллари анжуманида таъкидланганидек «ҳаётда ўз ўрнини топиш учун нақд имкониятларнинг йўқлиги ёшларнинг бир қисмида ўз аҳолидан норозилик туғдирмоқда, уларни ҳаяжонга солиб, ижобий ҳислатлари камлигини ўткир ҳис этишга олиб бормоқда».

Лекин бу ҳаммаси эмас. Колхоз ёки совхозда ишлаяпти, деб ҳисобланаётган одам ҳам ҳозирги шароитда ҳеч нимани англамайди. Гап шундаки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ишчи кучига бисёр. Қишлоқ хўжалигидан ишчи кучининг бўшаши эса ниҳоятда суст. Қишлоқ меҳнат ресурслари ҳайдаладиган ерга нисбатан уч карра кўп ўсяпти, натижада, киши бошига тўғри келадиған шудгор майдони камайяпти. У киши бошига умуман қишлоқ хўжалигида 2,3 гектардан, шу жумладан колхозларда 1,7 гектар, совхозларда 3,1 гектардан иборат. Жумҳуриятимизнинг ҳажмий ривожланиш имкониятлари ниҳоятда чекланган шароитда меҳнат ресурслари тез кўпаяётган эскидан сўғориб келинадиган қисмларида бу муаммо ғоят кескинлашган. Чунончи, Фарғона, Андижон, Самарқанд вилоятларида қишлоқда яшовчи ҳар бир меҳнатга яроқли кишига 1,3—1,6 гектар ҳайдаладиган ер тўғри келади, Сирдарё вилоятида эса бу кўрсаткич 3—4 гектарни ташкил этади.

Умуман олганда, барча қишлоқ жойларда ноқишлоқ хўжалик машғуллиги турлари ривожланмаган, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳасида эса 80 фоз меҳнат сарфиёти деҳқончиликка тўғри келади, шунинг учун одамлар кўпинча мавсумлараро даврда бекор бўлади. Жумҳуриятимиз хўжаликларида иш «ўлган» даврда камида 400 минг киши бўшайдик, уларни бирон ерга жойлашнинг имкони йўқ.

Жумҳуриятимизда бугунги кунда мавжуд бўлган саноат ва қурилиш соҳаларидаги банд аҳоли (халқ хўжалигида машғул бўлган аҳолининг 24 фоизи) билан қишлоқ хўжалигида ишловчи аҳоли (38 фоз) ўртасидаги нисбат мамлакатимизда умуман 50-йилларнинг охирларида вужудга келган эди. Бинобарин, халқ хўжалиги тарзи жиҳатидан Ўзбекистон мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан 20 йил



орқада. Агар умуман мамлакат бўйича саноатда қишлоқ хўжалигидагига қараганда уч ҳисса кўп меҳнат ресурслари машғул бўлса, жумҳуриятимизда, аксинча, қишлоқ хўжалигига жалб қилинганлар салмоғи саноатдагидан шунча марта юқоридир.

Қишлоқ аҳолисининг мутлақ кўпчилиги қишлоқ хўжалиги ишларида машғул. Қиёслаш учун шунга айтиш кифояки, АҚШда меҳнатга қобилиятли аҳолининг атиги 3 фозга яқинигина қишлоқ хўжалигида банд. Хуллас, АҚШ қишлоқ хўжалигида банд бўлган ҳар кишига бизнинг қарийб 13 кишимиз тўғри келади.

Жумҳуриятимиз саноатида барпо этилаётган ишчи ўринларининг умумий сонига шаҳарлар улушига — 95,9, қишлоққа — 4,1 фоз, қурилиш соҳасида эса шаҳарга — 91,9, қишлоққа — 8,1 фоз тўғри келади. Илгаригидек, қишлоқда асосан пахта тозалаш ва қишлоқ хўжалик ускуналарини созлаш корхоналари қуриляпти. Ажойиб хом ашё манбага эга бўлган енгил ва озик-овқат саноати тармоқлари етарлича ривожланган эмас.

Сўнги йилларда одамларнинг иш билан бандлигини ошириш борасида қилинаётган саъй ҳаракатлар ҳозирча денгиздан томчи холос. Яқка тартибдаги меҳнат фаолияти, кооперативлар, колхоз ҳамда совхозларнинг ёрдамчи хўжаликлари тез ва катта капитал маблағ сарфламай туриб одамларни иш билан банд этишга қаратилган бўлса-да, бироқ аҳолининг ишга бўлган эҳтиёжининг жуда бир кичик қисминигина қондира олади. Бундан ташқари, бундай усулни жадал, шовша-шошарлик билан амалиётга жорий этиш янги иш жойлари, меҳнат турлари барпо қилишга одамларни қизиқарли, фойдали ишга жалб этиш, уларнинг фаровонлигини ошириш, турмуш тарзини ўзгартириш воқитаси сифатида эмас, балки юқори ташкилотлар олдида ҳисоб бериш учун асқотадиган омил сифатида қаралишига олиб келади. Қишлоқ жойлардаги аҳолининг меҳнат ва турмуш шароитлари аслида ўзгармаяпти, ўзгарган тақдирда ҳам — қашшоқлик томонига ўзгараяпти.

Шу ўринда муҳтарам журналхонлар эътиборини қуйидаги ҳолатга жалб қилмоқчимиз. Қишлоқ аҳолисининг мутлақ кўпчилиги (қарийб 96 фоизи) Ўрта Осиёнинг тўб миллатлари вакиллари — ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, уйғурлардан таркиб топган. Шу боисдан йирик шаҳарлар билан қишлоқлар ўртасидаги мавжуд ва тобора чуқурлашиб бораётган турмуш шароитларидаги тафовут (кичик ва ўрта шаҳарлардаги турмуш шароитлари қишлоқдагидан жуда кам фарқ қилади) кўпинча кишилар онгида миллатлараро — европалик ва маҳаллий аҳолиларнинг қарама-қарши қўйилиши сифатида намоён бўлади. Бинобарин, жумҳуриятимизда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда, хусусан миллатлараро масаланинг кескинлашиши шароитида бу омил албатта ҳисобга олиниши керак, шу тарзда муаммо тугатилиши зарур.





Қайта қуришдан одамларнинг умиди катта. Унинг ғоялари кишиларнинг туйғу ҳамда орзу-умидларига ҳамоҳангдир. Бироқ тажрибадан маълумки, ғоя ва ташаббуслар нечоғли мароқли бўлмасин, ўз-ўзида амалга ошвермайди, бунинг учун нечоғлик пишиқ-пухта ҳужжатнинг ўзи кифоя қилмайди. Ўзбекистонда қайта қуриш жараёнлари ғоят мураккаб ва зиддиятли кечмоқда. Шубҳасиз, бу мустақил мавзу бўлса-да, биз сўз юритаётган масалага татбиқан оладиган бўлсак, фикрни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Маълумки, иш ҳажми камаймаган ҳолда ходимлар сонини анча камайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш билан бирга кечадиган ҳўжалик ҳисоби ва ижара муносабатларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши ниҳоятда улкан самара бериши мумкин. Шу босқдан муайян қарорлар қабул қилинди, уларни амалиётга жорий этиш кўлам ва муддатлари белгиланди.

Хўш, одамлар шундоғам иш топишлари маҳол, маҳаллий даражада етарли иш жойлари барпо этиш учун имконият деярли йўқ бўлган бир шароитда нима қилиш керак! Бунақа аҳволда одамларга қайта қуриш моҳиятини қандай изоҳлаш мумкин! Масалан, Андижон вилоятининг Марҳамат районидан 1988 йили меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги усулига, ҳўжалик ҳисобига ўтиш муносабати билан 310 киши бўшади, шулардан 61 киши ҳали ҳам ишга жойлашмаган. Районда бўш иш жойлари йўқ. Йигирув-тўқув фабрикасида — 76, электротехника заводида — 170 киши ишга жойлашиш учун навбат кўтиб турибди. Бу-ку навбатда турганлар, лекин навбатда турмаганлар қанча! Аҳвол ана шундай мушкул бўлиб турган бир вазиятда жумҳуриятдан ташқаридан ишчи кучи келтирилаётганини қандай баҳолаш мумкин!!

Таҳлил этилаётган муаммонинг яна бир жиҳати бор. Кўпичинча, қишлоқ аҳолиси sanoat корхоналарида ишлашни хоҳлашмайди, ишлаб олишмайди ҳам, деган гаплар қулоққа чалинади (Қаранг, яна одамларнинг ўзи айбдор). Ҳақиқатан, қишлоқ ёшлари sanoat соҳасида меҳнат қилишга, турар жойини ўзгартиришга, бошқа ерга бориб ишлашга мойил эмас, деб ҳисобланади. Ҳозирги вақтда қишлоқдан шаҳарга йилига ўртача 20—30 минг киши кўчиб келади. Тадиқотлар шунини кўрсатдики, қишлоқ ёшларининг 70—80 фоизи қишлоқ ҳўжалигида, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ишлашни маълум қўришди.

ЎзССР ФА Иқтисод институти олимлари ўтказган социологик тадиқотлардан маълум бўлишича, сўралганлардан ярмидан кўпроғининг шаҳарга кўчиб келишга тоқати йўқ. Бу гап барча ёшдагиларга деярли бирдек тааллуқли. Шунини диққатга сазоворки, сўралганларнинг 17 фоизи ҳатто шаҳарга кўчиб келган тақдирда ҳам қишлоқ ҳўжалик ишлари билан шўғулланишни хоҳлашади.

Келинг, бу масалани чуқурроқ таҳлил этайлик.

Аввало, жумҳуриятимиз sanoatida бугунги кунда ёшларга нима тавсия этилади! Уларнинг sanoat тармоқларига ўтиб ишлаш учун нақд имконият борми!

Ўзбекистонда, асосан бир қанча йирик шаҳарларда тўпланган оз сонли корхоналари ҳисобга олмаганда, ёшларни ўзига жалб этадиган, замонавий талабларга жавоб бера оладиган sanoat корхоналари йўқ.

Хуллас, умуман жумҳуриятимиз бўйича қишлоқ жойлари у ёқда турсин, ҳатто шаҳарларда ҳам ишчи касбларининг нуфузи юқори эмас. Бундан ташқари, юқорида таъкидланганидек, шаҳарларда sanoat ходимлари етишмайди, қишлоқда эса бўш ишчи кучи кўп. Шаҳарга кўчиб ўтиш эса беҳаловатлик, таркиб топган турмуш тарзини, ўрнашиб қолган турар жойини ўзгартиш каби кўпгина қийинчиликлар билан боғлиқ. Аксари ҳолларда эса қишлоқдан шаҳарга кўчиб ўтиш шу муаммо туфайли юзага келадиган масалаларни ҳал этиш ғоят мураккаблигидан ҳам мумкинмас. Мана, Тошкент шаҳрини олиб кўрайлик. Шаҳарнинг турар жой массивларини айланар экансиз, сизда у улкан ётоқхонага айланиб қолгандек таассурот қолдиради. Шаҳар ниҳоятда «семирди» — ўз қиёфасига эга бўлмаган, инкубатордан чиққандек бир хилдаги кварталлар, уйлар қалалиб кетганини кўрасиз. Бир неча ўн йилликлар мобайнида жумҳурият пойтахти муассаса ва корхоналарнинг

кўп қисмини ўзида тўплаганлигининг оқибатидир. Сирасини айтганда, бу ҳам заиф ривожланиш белгисидир — жумҳуриятимиз ҳисобига бир ёки бир неча шаҳар ривожланади-ю воқеаларнинг юқоридатгидек кечиши оқибатида муқаррар мушкул аҳволга тушиб қолади.

Ҳозир қишлоқ районларида кишиларнинг кўплаб қақирим йўл босиб шаҳарга ишга қатнаши ҳоллари кенг тарқалган. Лекин ишга жойлашишнинг бу усули ҳам чексиз эмас. Кўпгина шаҳар ва қишлоқларда ишга жойлашиш учун навбатда туришибди.

Жумҳуриятимизда ўзбек халқининг асрий анъаналарини, меҳнат кўникмаларини, ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаклларини, аҳоли турли қатламларининг, регионларнинг у ёки бу меҳнат турига бўлган эҳтиёжини ҳисобга оладиган даражада аҳоли иш билан банд этилмаган. Бир сўз билан айтганда, индустриалнинг мақсадга йўналтирилган программаси йўқлиги Ўзбекистон sanoat ривожланишининг уюшган ва яхлитлиги тарзининг бузилишига олиб келиши муқаррар. Тўб аҳоли индустриал машғуллигига доир ҳозирги муаммоларнинг илдизи шундадир.

Бир вақтлар жумҳуриятни илдам индустриаллашга интилиш, мамлакат ҳарбий ва иқтисодий аҳволининг танглиги, барча масалалар марказ томонидан қатъий белгилаб берилганлиги барпо этилаётган ва мавжуд корхоналарнинг ишчи-хизматчилари жумҳуриятимиздан ташқаридан шакллантирилишига олиб келди. Тўғри, революциядан кейинги дастлабки йиллар ва уруш даври учун бу усул тўғри бўлгандир балки, лекин кейинчалик мазкур сиёсат, аслида маҳаллий инженер-техник ходимлар ва ишчилар етиштиришдаги муваффақиятсизликларни ҳас-пўшлашга ҳизмат қилди. Акс ҳолда, ВКП(б) XII съездида қўйилган масала — Урта Осиёнинг тўб аҳолисини sanoat ишлаб чиқаришига, маҳаллий хотин-қизларни эса ижтимоий меҳнатга жалб этиш сўнги йиллардаги партия ва ҳукумат қарорларида такрор қўйилмаган бўлур эди.

Ҳа, барчани гулғулага солаётган муаммонинг айрим жиҳатлари шулардан иборат. Хўш, энди бундан бўён нима қилиш керак! Истиқбол қалай!

Бугунги кундаги энг муҳим масала жумҳурият ижтимоий-иқтисодий ривожланиши масалаларининг қўйилиши ва ҳал этилишига юзаки ёндошишга барҳам беришдан иборат. Бу ҳол ўлка ривожланишининг зиддиятсизлигига ишонтиришда, қабул қилинаётган қарорларнинг чала-яримлигида, кескин муаммоларни ҳал этишни чўзиб юборишда намоён бўлди. Аммо халқнинг сабр-тоқати ва ишонувчанлигини ҳадеб суистеъмол қилавермаслик лозим. Юқорида тилга олинган партия-ҳўжалик фаоллари анжуманида таъкидланганидек «биз иқтисодда, молиявий аҳволини соғломлаштиришда, биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган ижтимоий масалаларни амалга оширишда турғунлик даври кўринишларини бартараф этиш учун ажратилган вақт муддатини умуман сарфлаб бўлди».

Ўзбекистон ССРнинг суверен ҳуқуқларини амалга ошириш асосида жумҳуриятнинг ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш борасида ишлаб чиқарилаётган йўналиш ана шундай муҳим восита ҳисобланади. Фақат шу йўлгина жумҳуриятга, унинг ҳар бир фуқаросига ўз ерининггина чинакам эгаси бўлишига, унинг ташвиш-у қувончларига шерик бўлиш, ватан тақдири учун чинакам жавобгарликни идрок этиш имконини беради. Фақат шу йўлгина мустақил тафаккурни, муҳими мустақил ҳаракатларни шакллантириш учун асос яратиб бера олади. Кези келганда шунини айтиш керакки, жумҳуриятлар ҳуқуқларини кенгайтириш Иттифоқнинг парчаланишига олиб келади деб хавфсираётганлар қаттиқ янглишишади. Аксинча, жумҳуриятларнинг закий имкониятлари ривожланиши учун кенг йўл очиб бериш, ижодий имкониятларини, ўз муаммоларини ҳал этиш қобилиятларини намоён қилишига СССР деб аталувчи умумий хонадонимизнинг боқийлиги ва гуллаб-яшнашининг гаровидир.

Нодир САФАЕВ, иқтисод фанлари номзоди, ЎзССР ФА Иқтисод институтининг катта илмий ходими.  
Тожиғул МУСАЕВА, иқтисод фанлари номзоди, шу институтининг бўлим мудири.



# ДАРЛАР ОША



УЛКАМИЗ тоғларида табиатнинг мўъжизакор ҳосилалари натижасида юзага келган ажойиб даралар учраб туради. Баъзи бир даралар шунчалик ҳушманзараки, киши қараб-қараб тўймайди. Бошқа бир даралар эса тоғ қишлоқларини бирлаштирувчи йўл бўлиб қолган холос. Даралар, тепалик ва тоғларнинг кенг ёхуд баландлигидан қатъи назар, қоқ ўртасидан кесиб ўтади. Одатда, даралар ичидаги дарё тепалик ёхуд тоғни осонгина айланиб оқиб ўтади. Лекин тоғни қоқ белидан кесиб, иккига ажратиб қўйган дарёлар ҳам кўп. Дараларнинг пайдо бўлиши ҳақида бир афсона оғиздан-оғизга кўчиб юради. «Эмишки, Ҳазрати Али пайгамбар ўзининг қиличи билан бир зарб уриб, тоғни икки бўлакка ажратиб юборипти». Бир ҳолда пайгамбарнинг йўлини Ялмоғизнинг дуоси билан тоғ тўсиб қўйган бўлса, иккинчисида Ҳазрати Али душманлардан қутулиш учун ўзига йўл очиб олган. Булар афсона холос. Чунки даралар ер юзининг жуда кўп жойларида учрайди.

Дараларни юзага келтирадиган ягона куч — бу сувнинг ўзи оқадиган ерни узлуксиз ювиш ҳисобига емириши ва ювилган жинсларни бошқа ерга олиб кетиши ҳодисасидир. Сув бўлмаган жойларда, бошқа кучлар тўфайли даралар пайдо бўлмайди. Лекин даранинг ҳосил бўлиш йўли турличадир.

Самарқанддан Жиззах шаҳрига ўтганда тоғлар орасида жойлашган, Темурланг дарвозаси деб аталадиган машҳур дарани кўпчилики яхши билади. Утмиш геологик даврларда унинг ўрнида Моргузар ва Нурота тоғларини бирлаштирувчи кичик тизма тоғ бўлган. Кичик тизма тоғ тепасидан икки ёнбағир бўйлаб жилғалар тушиб, улар йиғилиб кичик дарёга айланган.

Темурланг дарвозасида тоғнинг икки ёнбағридаги дарёлар чуқурлашиб ва узунлашиб бориши жараёнида бири-бирига яқинлашиб келган ва қаердадир тоғлик ўзра тўқнашган. Сувайирғич жойининг икки дарё ҳисобига емирилиши, унинг пасайиб боришини тезлаштирган. Сувнинг емириш иши [эрозия] натижасида тоғларни туташтириб турадиган кичик тизма тоғ йўқола борган, унинг ўрни очилиб ёнбағирларида тик ва тор дара пайдо бўлган. Жиззах ерлари пастроқда жойлашгани тўфайли у тарафга оқувчи дарё Самарқанд томон оқадиган ва Зарафшон дарёсига қуйиладиган дарёни ҳам тортиб олиб, янада кенг, сероб дарёга айланган. Зарафшон ирмоғининг ўзани эса қуриб қолган. Кейинчалик маҳаллий аҳоли дарадан йўл сифатида фойдаланган, қуриб қолган ирмоқ ўрнида канал қазилган ва Туятортар каналини бунёд этишган.

Чекиниш эрозияси (дарёнинг узайиши) ҳисобига эндигина юзага келаётган дараларни тоғларда кўплаб учратиш мумкин. Зарафшон тизмасидаги Қизил Тўриқ қишлоғи яқинидаги Шохоксой, Бойсунтоғнинг Шўроб қишлоғи яқинидаги Гўрдара ва бошқалар мисол бўлиши мумкин.

Дарёнинг чекинишидан ҳосил бўлган дараларнинг ёнбағирлари тик бўлишига қарамай, уларнинг сатҳи анча кенг, тош ва темир йўллар ўтказилган Темурланг дарвозаси шундан далолат беради.

Орасидан йўл ўтган даралар Туркмандара, Дарбанд ва ҳоказо, тарихда ўз изини қолдирган, чунки улар ташқи савдо-сотиқ ишларидан бож олиш, жанглар вақтида душман ҳужумини қайтаришда асқотган.

Тоғларда учрайдиган, хусусан ҳашаматли, жуда тор, ёнбағирлари жуда тик, ичкариши салқин ва анча совуқ, шовқин билан оқиб, харсанг тошларни силжитиб турадиган ер ости сувларига эга бўлган даралар келиб чиқиши жиҳатидан аввалгиларидан фарқланади. Қашқадарёнинг юқори қисмида, Шўрчи яқинидаги Холханжар, Оқтоғдаги Жизмон ва Олмасувон қишлоғи яқинидаги даралар шулар жумласидандир. Дараларда оқадиган дарёлар ўзлари кесиб қўйган тоғларга нисбатан қарирақ, яъни дарё оқиб турган ерда янги тектоник тебранма ҳаракатлар натижасида кўтарилиш рўй бера бошлаган. Лекин кўтарилиш тезлиги дарёнинг емириш имкониятига тенг ёки кучсизроқ бўлган. Айтайлик, кўтарилиш йилига бир сантиметрни ташкил қилгану, дарё ўз тубида шу бир сантиметрни ювиб улгурган. Оқибати маълум. Атроф кўтарилиш бораётган бир пайтда, дарёнинг туби ўз ўрнида қолаверган. Жумладан, тўртламчи даврда Урта Осиё тоғларидаги кўтарилиш 1—1,5 минг метрга етган жойлар учраб туради. Агар шу жойларда кўтарилишдан аввал дарёлар оқиб турган бўлса, ҳозирги вақтда бу манзилларда кўплаб тор ва тик дараларнинг учраши табиийдир. Кўҳитанг ёнбағирларидаги Отқамар, Чанжир, Илондара, Қирққиз ва бошқа кўплаб даралар шулар жумласидандир.

Ҳа, табиат биздан ҳимматини аямаган. Лекин минг афсуски, шундай ҳушманзара, тарихий ҳодиса ва воқеалар билан боғлиқ гўшалар муҳофазага муҳтож. Уша Темурланг дарвозаси атрофидаги қояларда минглаб номлар, исмлар ёзиб чизиб ташланган, дам олган кишиларнинг излари, қоғоз парчалари, шиша синиқлари, консерва банкалари, гулхан куллари манзарани бузади. Бу маданиятсизлик ва нодонликка барҳам бериш вақти келмадимикан! Ахир ўз ўлкамизнинг жонсиз табиатини ўзимиз ҳимоя қилмасак, бу ишни ким ҳам қилади! Табиат чиройи абадий ва уни авлодларимизга боқира ҳолатда етказиш бизнинг муқаддас вазифамиз эмасми, ахир!

Охири йилларда гидроиншоот қурувчилари, спортчи-сайёҳлар, ўлкашуносларнинг дараларга бўлган диққати ортиб бормоқда ва экспедициялар ташкил қилишмоқда. Натижада, даралар ҳақидаги билимимиз ошиб бормоқда. Бу эса ўлкамизда география фанининг ривожланишида қўйилган яна бир қадамдир.

Маъди АБДУЖАББОРОВ,  
СамДУ доценти, география  
фанлари номзоди.



# МУҲАММАД ТОБУТИ, ҚОРАТОШ МУАЛЛАҚМИ?

- Муҳаммад пайғамбарнинг сўнгги кунлари.
- Муҳаммад тобути.
- «Ҳажар ул-асвад» ҳақида сўз.

... 632 йил. Муҳаммад Алайҳис Салом умматлари учун таҳликали кезлар тобора яқинлашарди. Мажусийликка барҳам берилган бўлса-да, Арабистон ярим оролининг ҳар ер-ҳар ерида ўзини Оллоҳнинг Ердаги элчиси — пайғамбар деб эълон қилувчи одамлар кўпаяверди.

Жанубда сохта пайғамбарлардан ал-Асвад ҳокимиятни эгаллади, шарқда Мусайлим ўз Қуръонини яратди, Ямандан шимолда Сажаҳ авом орасига гулгула солди, Марказий Арабистондаги қабилаларни эса сохта пайғамбар Тулайка қўзғалишга ундади. Устига-устак кўчманчилар закот тўлашдан бош тортдилар.

Бу ғалвалар Муҳаммад пайғамбарнинг саломатлигини путурдан кетказди. Мачитга, ҳатто катта ҳовлидаги бир уйдан нариги томондаги иккинчи уйга юриб бориш ҳам қийинлик қила бошлади. Майнунна исмли хотинининг уйда касали оғирлашиб, ҳушидан кетди, бир вақт ўзига келганида ўрнидан туришга ҳам ҳоли келмади. У Ойша исмли хотинининг уйига олиб бориб қўйишларини сўрайди. Мачитда эса унинг ўрнига Умар имомлик қилмоқчи бўлади, лекин диндорлар уни қабул қилмайди. Шундан кейин Муҳаммад Алайҳис Салом имомликни халифа Абу Бакрга топширади.

Муҳаммад пайғамбарнинг олдига Ойшадан бошқа ҳеч юмни қўйишмайди. Абу Бакр, Умар, Али каби халифалар бир дақиқагагина кириб, ундан хабар олиб чиқиб кетишарди. Улар ўз аъёнлари билан тез-тез вазиятни муҳокама қилишар, Муҳаммаднинг вориси ким бўлишини билиш улар учун ҳаво билан сувдек зарур эди.

Хўш, Муҳаммад пайғамбар ўздан кейин мусулмонларга ким раҳнамолик қилишини истайди! Ҳеч ким юрак ютиб унга бу саволни беролмаган. Унинг ўзи эса бу ҳақда умуман оғиз очмаган. Зеро Муҳаммад, гарчи

лом-мим демаса ҳам, ундан ҳамма чўчирди.

Пайғамбарнинг аҳволи ниҳояда оғир эканлиги ҳақидаги хабар авом ўртасида катта шов-шувга сабаб бўлди. Баъзилар Муҳаммад ўлганлигини қатъиян таъкидлашса, бошқалар пайғамбар ўлиши мумкин эмас, у боқийдир дейишарди.

Халифа Абу Бакр ва Умар аҳли мусулмонларни: «Пайғамбарнинг касали, иншооллоҳ, хавфли эмас, саломатлиги яхшиланяпти, яқинда бутунлай дарддан фориг бўлса ажаб эмас», деб тинчлантиришга ўринишарди. 632 йил 8 июнь тонгида жамоа мачитга йиғилганида Ойша уйининг мачитга қараган эшиклари кенг очилиб парда сурилгач, останада Муҳаммад пайғамбарнинг нуруний қаёфаси кўринди. Гарчи уни икки томондан суяб туришган эса-да, у соппа-соғдек эди. Эшик остонасидан мачитгача 40 метрлар чамаси бўлса-да, жамоа уни аниқ-тиниқ кўрган, ҳатто пайғамбар мийиғида кулиб қўйганлигини ҳам кўплар пайқашган. Шу алфозда бир дақиқа тургач, жамоани қўтлагандек қўлларини силкиган. Шундан кейин эшик тавақалари ёпилди. Мачитда йиғилган жамоа кўнгли тўқ бўлиб, ўй-ўйларига тарқаб кетди.

Лекин бир неча соатдан кейин Муҳаммад Алайҳис Салом хотини Ойша қўлида жон беради. Ойшанинг дод солиб йиғлаганини эшитиб Муҳаммаднинг бошқа хотинлари ҳам ҳовлининг турли томонларидан югуриб келишди. Улар ҳам ҳўнг-ҳўнг йиғлашиб, устларидagi кийимларини йиртишар, яноқларини тимдалаб ўкиришарди. Бу аёлларнинг ноани фарёди бутун Мадинага тарқалди. Каттаю кичик мачит томон ошиқди.

«Муҳаммад Алайҳис Салом асло ўлган эмас, у бир оз фурсатга Оллоҳнинг ҳузурига йўл олди, холос, тезда қайтади!» — деб қичқирарди халифа Умар. — Кимда-ким пайғамбарни ўлди деса, уни қилч кутади. — дея дағдаға қилди.

Халифа Абу Бакр Ойшанинг уйига нигоҳ

ташлаб, Муҳаммаднинг ўлганлигига ишонч ҳосил қилгач, Умарни тийиб қўйишга шошилди.

— Одамлар! — дея мурожаат қилди у баланд овозда, — агар кимда-ким Муҳаммадга сажда қилар экан, билиб қўйсиню, Муҳаммад ўлган. Бироқ биз сажда қиладиган Оллоҳи карим боқийдир! Одамлар! Оллоҳнинг каломини ёдга олинг: «Муҳаммад фақат ноиб холос. Энди ундан олдин ўтгандек номбар йўқ».

Йиғилганларнинг биронтаси бундай ошқора гапни кутмаганди. Лекин галаён аста сўна борди. Муҳаммаднинг арш-аълога кўтарилганлиги ва тезда тирлиши ҳақидаги моҳовот гап шу билан барҳам топди.


Хўш, Муҳаммад бандаликни бажо келтирган экан, энди уни қандай дафи этиш керак! Бу ҳақда Қуръонда бирон нима дейилмаган. Мурдага пайғамбарнинг хотинларини яқинлаштиришмади, жасадни Муҳаммаднинг яқин қариндошлари Аббос, Али ва бошқалар ювишди. Шундай қилиб покланган жасадни уч қават мато билан кафанлаб, жон берган ўрнига ётқизишди.

Сешанба кўни тушдан кейин Муҳаммад Алайҳис Салом билан аввал эркаклар, кейин аёллар, болалар ва қўллар видолашишди. Улар Ойшанинг остонасидан олдинма-кейин ичкари кириб қуръон ўқишар ва дарҳол қайтиб чиқишарди, ахир жойини тез бўшатиш, одамлар узоқ кутиб қолмаслиги керак-да. Шу алфозда кечгача бир неча минг киши пайғамбар билан видолашишди.

Биринчи халифа Абу Бакр ўз фикрини айтгунига қадар, Муҳаммад пайғамбарни қаерга дафи этиш хусусида роса тортишув бўлди.

Оллоҳнинг ноиб айтган гаплар. — деди Абу Бакр, — айнан ёдимда: «Бирон пайғамбар йўқми, у жони узилган ерда дафи этилмаган бўлсин».

Ҳа, муҳокамага йиғилганлар Абу Бакр сўзларини тасдиқлашдан ҳам, рад этишдан ҳам ожиз эдилар. Ҳар ҳолда, Муҳаммад





Алайҳис Саломнинг бундай фикр билдирган бўлиши эҳтимол, у мажусийликнинг ҳар қандай кўринишларини қораларди. Шундай қилиб, пайғамбарнинг сўзларига асосан, уни жонин узилган ерининг ўзига дафн этишга қарор қилинди. Мухаммад пайғамбар қазо қилган ўриндиқ нарироққа суриб қўйилиб, ўриндан гўр қазилди. Чоршанба тунида пайғамбарнинг жасади лаҳатга қўйилди.

Кўп ўтмай, узунқулоқ гаплар тарқалди: Мухаммад Алайҳис Саломнинг жасади солинган темир тобут ҳавода муаллақ турармиш, чунки пайғамбардек энг табарруқ зотни ер ўз бағрида сақлашга қодир эмас эмиш. Айтишларича, темир тобутнинг ерга түшиб кетмаслиги учун қабрининг шипига улкан оҳанрабо ўрилатилган эмиш. Бундай миш-миш дунёнинг турли томонларига тарқалди. Унга ҳаммадан кўпроқ европалликлар қизиқишди.

Маълумки, Мухаммад пайғамбар дафн этилган Мадина шаҳрига турли мамлакатлардан кўплаб одамлар ҳаж қилгани келиб туришарди. Лекин ҳажга келганлар ҳам тобутни тузуқроқ кўролмасди. Бу ерга бирон бир «ғайри дин» келгудек бўлса борми, боши танасидан жудо қилинарди. Ҳажга борганларга катта пул эвазигагина олис бир тешикдан қабрга қарашга руҳсат бериларди. Қаловини топиб Мадинадан эсон-омон қайтган немис сайёҳи Брукгарднинг айтишича: «Бу тешикдан гир айлантриб ўралган дәрпардадан бошқа ҳеч нима кўринмайдди».

Бундан 146 йил муқаддам Лондон География жамияти Ричард Бертон деган лейтенанти Саудия Арабистонига жўнатди. Унинг асосий вазифаси «муаллақ» тобут ҳақидаги узунқулоқ гапларнинг тўғри-но-тўғрилигини текшириб кўришдан иборат эди. У «ҳаж қилиш» учун Эрон ориали дарвеш кийимида жонини ҳовучлаб Мадина сари йўл олди. «Ҳаж сафари» тугагач, Бертон эсон-омон Лондонга қайтиб келиб дарвеш кийимини ўз мундирига алмаштирдиди, кўрган-кечирганларини қорозга тушира бошлади. Зеро у «ғайри динлар» учун дарвозаси тақатақ бери бўлган Мадинадек шаҳардан соғ-саломат қайтиб келган европалик сайёҳларнинг тўртинчиси, шу тўртта киши ичда эса «азиз қадамжонга — Ҳарамга кира олган ва Мухаммад қабрининг тузилишини батафсил баён этиши мумкин бўлган биринчи сайёҳ эди-да».

«Макка ва Мадинага савҳат тавофи» деб номланган китоб тез вақт ичда бир қанча мамлакатларда, жумладан Россияда ҳам чоп қилинди. Россияда бундан 100 йиллар олдин чиқиб турган «Библиотека для чтения» журналі Мухаммад тобути ҳақидаги узун қулоқ миш-мишларга яқин ясаб шундай ёзган эди:

«Хуллас, Мухаммад қабри оддий бир даҳмадан бошқа нарса эмас. Ҳарам шипига ўрилатилган каттақон магнит тўфайли ҳавода муаллақ турадиган темир тобут тўғрисида бундан буён гап бўлишига ўрин қолмади. «Минг бир неча» ҳикояларига ўхшаш афсоналар, агар уларни яқиндан кузатиб текшириб кўриш имконияти тўғрисида, шу зайлда пуч бўлиб қолади».

... Мусулмон аҳлининг яна бир муқаддас максади Макка шаҳридаги Каъба ибодатхонасидир. 10×12×15 метр ҳажмада кулранг тошдан қурилган бу Байтуллоҳин араблар, шаклига қараб Каъба, яъни куб деб аташган. Ибодатхонанинг атрофи ҳашаматли девор билан ўралганлигидан унинг кенг ҳовлиси ҳам Каъба деб аталади. У ислом дини пайдо бўлишидан бир неча аср илгари Замзам буюғи ёнида вужудга келган. Каъба ва Маккани юнон географи Птолемей 2-асрда Макораба, яъни

ибодатхона номи билан тилга олган. Каъба исломдан олдин ҳам араб қабилаларининг муқаддас ибодатхонаси ҳисобланган, унда қабила худоларининг 360 санамни сақланган. Каъбанин аниқ ёшини белгилаш мушкул. Зеро Маккада илмий тадқиқотлар олиб бориш ман этилган. Мусулмонлар қибласи бўлиши Каъба ислом тарихида ҳар хил мазҳаблар ва ҳукмдорлар ўртасидаги тўқнашувлар вақтида бир неча бор хароб қилинган, ёндирилган. Унинг қайта тиклангани 359 йил бўлди.

Шимоли-шарқий томонидаги тоқча Каъбанин энг азиз қисми ҳисобланади. Чунки бу ерда Қоратош — Ҳажар ул-асвад ҳамда Қуръоннинг қадимий қўлёзмаси сақланади.

Нақл қилишларича, Ҳажар ул-асвадни Ерга Оллоҳ осмондан юборган эмиш. Унинг осмондан тушганлигига асосланиб, мутахассислар бу тош метеорит бўлиши керак, деб ҳисоблашган. Дарвоқе, Қоратош — мажусийлик даврининг меросларидан. Ислам дини вужудга келишининг илк даврларига оид нақлларга кўра бу тошни Оллоҳнинг ўзи Одам Атога тўхфа этганда тош оппоқ — оқ зумрад бўлган, одамларнинг гуноҳи кўпайиб кетганлигидан кейин қорайиб кетган эмиш.

Қоратошнинг табиати ҳам узил-кесил аниқланган эмас. Мутахассислар турли даврларда лава парчаси ёки базальт ва ҳатто агат минерали бўлса керак деб тахмин қилишган.

Шуни айтиш кераки, Каъба ва ундаги Қоратош ҳаётида муҳҳиш дамлар ҳам бўлган. Чунки, 683 йили мачитда рўй берган ёнғин вақтида Қоратош турли катталиқдаги саккиз бўлакка ажралиб кетган. Ҳозир у бир-биринга цементланиб, кумуш нигинхонага солинган. Одамлар кўрсин учун 20×15 сантиметр ўлчамли юзаси оқич қолдирилган. Неча-неча асрлар давомида дунёнинг турли томонидан ҳажга келган миллионлаб кишилар Қоратошнинг силаб, кўзларига суртаверганларидан унинг сирти жуда силликланиб кетган. Мутахассисларнинг фикрича, чамаси дастлаб бу тош яхлит, катталлиги 25×20×20 сантиметр бўлган. Унинг жигарраи-қорамтри юзасида оқ ва сариқ доғлар кўзга ташланади. Тошнинг ички қисми кулранг ёки оқич.

Бундан 1059 йил муқаддам бидъатчи қарамақлар Маккани забт этишган. Улар Каъба тоқчасидан Қоратошни ўғирлаб, ўз мамлакатларининг пойтахти Хуфуфин мусулмон оламнинг марказига айлантриши ниятида олиб кетишарди. Шундай қилиб, Каъба нақ йигирма бир йил Қоратошдан маҳрум бўлди. Ниҳоят, 950 йили Қоратош «Кофирлар»дан катта пул эвазига қайтариб олинди. Лекин бу Қоратош айнан ўшанинги ўзимиздан, қалбаки эмасикан деган гумон ҳам бор эди. Шу бонсдан текшириб кўрилди. Қоратош сувга туширилган эди, чўкмади. Бундан чиқди ўша Қоратошнинг ўзгирмаси экан.

Ҳажга борган ҳар киши Қоратошни кўзига суртгани орзу қилади, бинобарин Оллоҳдан муруват кутади. Унга оний қўл теккизишнинг ўзи ҳам ҳажга келганлар учун катта бахт саналади. Одам ниҳоятда кўплигидан ҳатто Қоратош томон қўл чўзишининг ўзиёқ кифоя қилади, деб ҳисоблашди эндиликда. Ахир, ўзингиз бир ўйлаб кўринг, халифа Умар даврида {634 — 644 йиллар} Каъба атрофидаги ҳажга келувчилар йиғиладиган майдон 30 минг квадрат метрдан иборат бўлса, ҳозирда унинг майдони деярли олти ҳисса кенгайган. Бинобарин, бу ерда бир йўла 300000 дан зиёд киши намоз ўқиши мумкин.

## Эшитишимизга қараганда, Мухаммад пайғамбар тобути ва Каъбадаги Қоратош муаллақ турармиш. Шу ростми?

(Журналхонлар билан учрашувда тушган савол)

Хўш, Қоратошнинг таркиби ўрганилганми, бу ҳақда олимлар қандай фикрда? Умуман олганда, Арабистон ярим оролида вулқон отқиндилари бўлиши лава ёки базальт таркибли тошлар сероб. Лекин бундай оддий тошларнинг бунчалик муқаддаслаштирилиши эса эҳтимолдан узоқ. Энди мазкур тошнинг агат деб аталуви минерал ёки метеорит эканлиги ҳақидаги тахминни бўлса, Қоратошнинг, юқориде айтганимиздек, сувда чўкмаслик хусусияти рад этади. Қолаверса, дастлаб яхлит бўлган темир метеорит бўлак-бўлак бўлиб кетиши мумкин эмас, тош метеорит эса шунча асрлар мобайнида унга ҳадеб тегилаверганидан емирилиши табиий эди.

Даниядаги Копенгаген университетининг олими Э. Томсен Қоратошнинг «таржimaiи ҳоли»ни янгича шарҳляпти. Бу шарҳ ҳозиргача мавжуд барча тахминларга муайян даражада мувофиқ келади. Унинг фикрича, Қоратош «самовий» вужудга келганлигининг ҳақиқатга энг яқин манба Вабар деган ердаги диаметри 100 ва 50 метрлик иккита метеорит кратеридир. Улар Рубул-Холий чўлининг ўртасида 21° 30' шимолий кенглик, 50° 29' шарқий узоклиқда, Маккадан 1100 километр шарқда жойлашган. Бу кратерлар буткул кварц минералидан таркиб топган. Улар яқинида бир неча темир метеоритлари ҳам борлиги аниқланди. Кратерларнинг ички ён бағирларида метеорит урилиши таъсирида кварцнинг эришидан ҳосил бўлган шиша бўлаклари учрайди. Ана шу шиша бўлақларига кўплаб майда темир-никель парчалари кириб қолгани, бу ҳол одатда, метеорит жисмлари учун хосдир. Кўпинча шиша бўлақларида тоғ жинслари ва минералларнинг кичик-кичик парчалари қўшилиб қолганлиги кўзга ташланади. Шшанинги айрим парчалари вулқон қолдиқлари кўринишдадир, яъни у серговак, сирти қорамтри қобиқ билан қопланган, ичи оппоқ.

Даниялик олим Э. Томсеннинг фикрича, Каъбадаги Қоратош метеоритнинг кварцли қумтошга урилиши натижасида ҳосил бўлган ўзига хос шишадан иборат. Серговаклик тўфайли бундай шиша сувда чўкмайди, ишқаланмиш таъсирга ҳам чидамли. Вабар кратеридаги шишанинги ёши, чамаси, 6400-2500 йил, бинобарин, Вабар кратерини ҳосил қилган бу тошнинг осмондан ҳудо томонидан юборилганлиги ҳақидаги нақлга асос бўлган метеоритларнинг тушишини ўша замонларда одамлар кўрган бўлишлари керак. Хўш, бу тош Маккага 1100 километр олисдан қандай келиб қолган! Маълумки, Уммонни Макка билан богловчи қарвон йўли 1830 йилган қадар шу Вабар кратерлари яқинидан ўтган. Э. Томсеннинг фикрича, Қоратош мазкур қарвон йўли ориали Маккага олиб келтирилган бўлиши керак.

Хуллас, Мухаммад пайғамбар тобути ҳамда Қоратошнинг муаллақ туриши ҳақидаги гаплар асосси. Бизнингча, буларнинг ҳар иккиси мусулмон аҳли томонидан ниҳоятда азиз ҳисобланганидан, Ерга туриши ноўрин, муаллақ туриши керак, деган фикрдан келиб чиққан бўлиши эҳтимол.

Хусниддин НУРМУҲАМЕДОВ,  
тарих фанлари номзоди.



# ЖУНА БИЛАН УЧРАШУВ

ЕКИ ЖУНА ДАВИТАШВИЛИНИ СЎРАГАН БАРЧА МУШТАРИЙЛАРГА ЖАВОБ

Бултур «Трезвость и культура» журналининг бир қатор сонларида Жуна Давиташвилининг «Қўлларимни тинглайман» номли автобиографик қиссасидан парчалар эълон қилинди. Табиийки, ҳар қандай илмий журналист фаннинг эришаётган ютуқларини тарғиб этиши баробарида у инкор этаётган нарсаларга ҳам қизиқади, зотан, улардан айримлари бир кунмас-бир кунни тан олинишига илм-фан тарихининг ўзи шоҳид. Масалан, дунёда энг илғор деб ҳисобланувчи совет илм-фани генетика билан кибернетикани узоқ йиллар мобайнида тан олмай келган ҳеч ким учун сир эмас-ку ахир!

Яқин ўтмиш — турғунлик даврида экстрасенслар ана шундай қувғинга учрашди. Олимлар текшириб кўриб ҳеч қандай ғайриоддий қобилиятга эга эмас, деб ҳукм чиқаришларига қарамай, Нинель Кулагина, Жуна Давиташвили ва уларга ўхшаш бошқа одамларнинг номи марказий матбуотда қайта-қайта кўринаверди. Оддий мантиққа кўра, шунинг ўзиёқ уларда чиндан ҳам нимадир борлигини кўрсатарди — бундай одамларнинг боринг ана, бештаси, ўнтаси алдамчидир, лекин ҳаммаси ҳам фирибгар бўлиши мумкин эмас-ку ахир!

Шундай истеъдодли экстрасенслар машаққатли кураш олиб бораётган ўша оғир йилларда Ўзбекистонда халқ табиблари, фолбинлар, қўл тегизмай даволовчи одамлар тўғрисида ҳатто оғиз очиб ҳам бўлмасди. Шу боис ҳам марказда жон олиб жон бераётганларга ғойибона омад тилаб юрдим, зеро, уларнинг ғолиб чиқиши бу масалаларни бизда ҳам кўтариш учун йўл очиб бериши шубҳасиз эди-да! Шу боис ҳам улар ниҳоят ғолиб чиқишиганида — илм-фан Жуна Давиташвили, Нинель Кулагиналарнинг ноёб қобилиятини пировардида тан олганида бошим осмонга етди.

«Қўлларимни тинглайман» қиссасидан айрим парчаларни ўзгача бир меҳр билан таржима қилдим. Лекин «Фан ва турмуш»нинг 3—4-сонлари тарқалиши биланоқ беморлар редакцияга оқиб кела бошлади, ёмғирдай ёғилиб кетган хатлару телеграммаларга жавоб беришга улгуролмай қолдик. Кунига Ўзбекистоннинг ҳатто чекка областларидан ўнлаб одам келади, юзлаб хат оламиз. Ҳамманинг дарди ҳар хил, илтимоси битта — «Жунанинг адресини берсангиз!» Лекин шунча одамни сарсон қилиб, олис жойга жўнатиш ўзини оқлармикан?

Тўғри, дастлабки кунлардаёқ мен Москвага, «Трезвость и культура» журнали идорасига телефон қилиб, маслаҳат сўрадим.

Москвалик ҳамкасблар йўл-йўриқ кўрсата бошлашди. Лекин мен учун шу тобда беморлар масаласи муҳимроқ эди. Жунанинг кооперативи очилишини кутиб, медицинадан ёрдам ололмаган кишиларни Урганчга — Муяссар Шарипованинг кооперативига ва Навоийга — Мирзакарим Норбеков ишлаётган пулли шифохонага юбориб турдик.

Бу орада матбуотда Жуна ҳақида бир-бирдан муҳим янгиликлар эълон қилинди. Бутуниттифоқ давлат патент экспертизаси илмий тадқиқот институти СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг хулосасини ҳисобга олган ҳолда Жунанинг муолажа усулини ихтиро деб тан олди ва унга муаллифлик гувоҳномаси берди. Альтернатив медицина бўйича ўтган халқаро конгрессда эса ноанъанавий медицина соҳасидаги таниқли совет мутахассиси Жуна Давиташвили «Инсонпарварлиги учун» олтин медали ва фахрий дип-

лом билан тақдирланди. Шунингдек, унга «Альтернатив медицина» халқаро ташкилоти томонидан медицина доктори даражаси ҳам берилди. Италиянинг Милан шаҳридаги Медицина тадқиқотлари институтининг директори Арнальдо Дзанатта ТАСС муҳбири билан суҳбатда Жуна Давиташвили ҳеч бир шубҳасиз буюк амалиётчи, у медицинада янги, ўзига хос йўлдан борапти, унинг ютуқлари ҳаммани ҳайратда қолдирапти, деб таъкидлади.

Турган гапки, бу хабарлар редакцияга Жунани сўраб келувчилар оқимини янада кўпайтирди. Москвадан эса ҳануз хабар йўқ эди. Бу орада «Медицина» нашриёти «Қўлларимни тинглайман» қиссасини тўлиқ ўзбекчага ағдариб беришни каминага таклиф қилди, таржима бўйича ҳам саволлар чиқди. Устига-устак, полтергейст ҳодисаси, суггестология, экстрасенслар масалаларини кўтариб чиқаётган марказий журналлар билан бевосита мулоқотга ҳам эҳтиёж туғилган эди.

Хуллас, майнинг охирларида Москвага отландим. Арбат кўчаси яқинидаги мўъжазгина ҳовли, тўрт томонида бир неча қаватли эски уйлар. Жунанинг уйи ҳам, рассомлик устахонаси ҳам шу ерда эди. Устахона олди тирбанд одам — курсларга қабул кетаяпти.

Қабулга ёзилаётган одамлар билан гаплашдим, Жунанинг ўзини учратолмаган бўлсам ҳам, ёрдамчиларидан бири — акаси Владимир Ювашевич билан танишиб, учрашув вақтини келишиб олдик. Лекин барибир учрашув вақти бир неча марта ўзгарди. Жунанинг олдига кира олиш ҳақиқатан қийин экан.

Ниҳоят, у мени устахонасида вьетнамликлар делегацияси билан бирга қабул қилди. Хона катта бўлса-да, одам кўплигидан тик турганлар ҳам талайгина эди, кириб-чиқиб турганларнинг эса ҳисоби йўқ. Жунани ҳали у одам чалғитади, ҳали буниси, биров билан хотиржам гаплаша оладиган ҳолатда эмас. Қарасам, вьетнамликлар билан суҳбатга мени ҳам жалб этапти, делегация қаторида тезроқ қутулмоқчига ўхшайди.

— Йўқ, Евгения Ювашевна, — дедим қатъийлик билан. — Меҳмонларни кузатганингиздан кейин алоҳида суҳбатлашмасак бўлмайди, саволларим кўп.

Делегация кетганидан кейин дарҳол Жунанинг ёнидаги ўриндиқни эгалладим.

— Тошкентдан неча бор телефон қилмай, сизни топиш қийин бўлди, аранг топганимда ҳам гаплашишга вақтингиз бўлмади, — дедим ниҳоят гап бошлаб.

— Кўриб турибсиз-ку ахир, — дея жавоб қилди Жуна атрофда навбат кутиб турганларга ишора қилиб. — Бир дақиқа ҳам вақтим йўқ. Устига-устак, манави даста-даста хатларни айтмайсизми, буларни қачон ўқиб чиқаман-у қачон жавоб ёзаман!!

У шундай деб бир даста хатни кўтарганиди, орасидан сирғалиб тушган битта конверт диққатини тортди.

— Ие, Голландиядан-ку! Чет эл паспорти бўлиши керак ҳойнаҳой, қачондан буюн кутаётувдим-а ўзиниям! — Жуна шоша-пиша конвертни очиб, ичидан чет эл паспортини олди, кўзлари ёниб қараб чиққач, уни баланд кўтарди: — Мени табрикланг, дўстларим! Энди ҳеч қандай рухсатномасиз истаган мамлакатга бораверишим мумкин! Фурсатни бой бермадим, албатта.

— Сизни биринчи бўлиб «Фан ва турмуш» журналхонлари номидан табриклашга рухсат этинг! — дедим қўлини маҳкам қисиб. Ҳамма табриклаб, паспорт қўлдан-қўлга ўтиб келганидан кейин, ҳаяжони босилгач, Жуна менга юзланди:

— Хўш, журналхонларингизнинг қандай саволлари бор менга!



СИРИИ ҲОДИСАЛАР  
СОЛНОМАСИ



— Евгения Ювашевна... — дея гап бошлагандим, у кулиб тўхтатди:

— Доктор Жуна! Мальта ордени рицари!

— Мальта орденига император Павел I дан кейин Жуна сазовор бўлганини ёзишни ҳам унутманг! — дея қўшимча қилди унинг меҳмонларидан бири.

— Дарвоқе, узр, — дедим шу заҳотиёқ, — мен ҳам гапни шундан бошламоқчи эдим. «Фан ва турмуш»чилар Сизни докторлик даражаси ва Мальта ордени билан табриклаб, ушбу совғани бериб юборишди.

Журналнинг 3—4-сонларидаги ўз асаридан берилган парчаларни суратлари билан очиб қўлига тутқаздим. Қизиқ ҳол рўй берди шунда. Бутун дунёга машҳурлигидан, қолаверса, учрашиш амримаҳоллигидан уни анча такаббур бўлса керак деб ўйлагандим. Йўқ, Жуна худди асаридagi каби очиқкўнгил, дилкаш экан. Журнални кўриб ёш боладек қувониб, ҳаммага кўз-кўз қилди.

— Китобингиз ҳам тўлиқ таржимада нашр этилади, — дедим.

Ана шунча гаплардан кейингина Жунанинг диққатини торта олдим. Энди у атрофига ўнчалик чалғимади диққат билан суҳбатлаша бошлади.

— Қандай журнал бу — «Фан... ва... тур...муш»? — деб сўради у ҳижоалаб ўқиркан.

— Урта Осиёда энг кўп нусхада чоп этиладиган илмий-оммабоп журнал, — дея изох бердим. — 400 минг нафарга яқин муштарийларимиз бор. Мен ана шунча одам номидан келдим десам ҳам бўлади.

— Хўш, журналхонларингизни нималар қизиқтиради! — Аввало муолажа усулингиз қандайлиги. Қолаверса, сизнинг қўлингизда даволаниш имконияти.

— Муолажа усулим ҳақида китобимда батафсил ёзилган. Газета-журналларда ҳам ёритиб бориляпти. Сирасини айтганда, аввало, халқ таботатида азал-азалдан маълум бу усул, мен унга ўзимча баъзи нарсаларни қўшдим, холос. Моҳияти шуки, қўл тегизмай «уқаланганда» бемор баданининг хаста ерида қон юриши равошлашади, натижада тананинг ички, яширин имкониятлари ўйғониб, дард шунинг эвазига шифо топади.

— Сизнинг қўлингизда даволаниш масаласи-чи!

— Журналхонларни ранжитгим келмаса-да, афсуски, мажбурман шунга, — деди Жуна бош чайқаб. — Кўриб турибсиз ўзингиз: мен биттаман, бу ерга эса бутун дунёдан келишяпти одамлар.

— Кооператив-чи! Беморлар унга келишлари мумкин-ку ахир! Айтмоқчи, қачон, қаерда очилади кооперативингиз!

— Кооперативми! — Жуна яна бош чайқади. — Тўғри шунақа гап бўлганди, лекин кейин ўйлаб кўрсак, у дардмандларга ҳечам наф бермас экан. Бир ўзим тиним билмай ишлаганим тақдирда ҳам қанча одамни даволай олардим ахир! Айниқса беморларнинг сон-саногини бўлмаса! Шу ёғини ўйлаб курс ташкил қила қолдик.

— Бизни асосан кооператив қизиқтираётган эди, афсус. Модомки унинг ўрнига курс ташкил этилган экан, унинг афзаллиги нимада!

— Курсда мен беморларни даволамайман, балки уларни даволайдиган одамларга ўз усулимни ўргатаман. Фараз қилайлик, бир ойда маълум миқдордаги беморларни даволадим, бундан уларнинг ўзигина шифо топишини айтганда, бошқаларга фойда йўқ. Ваҳоланки, бир ойда ўшанча миқдордаги «даволовчиларга муолажа усулини ўргатсам, натижада уларнинг ҳар бири ўз жойига қайтгач ўнлаб, юзлаб беморларни даволай бошлайди. Кооперативга нисбатан курснинг афзаллиги шунда.

— Курсингиз очилгандан буён Ўзбекистондан бирон киши келиб ўқишга улгурдимми! Яъни, сизнинг муолажа усулингиз бўйича даволашга киришдимми!

— Бўлмасам-чи! — деди Жуна кулиб. — Тошкентдан Саша Черних келиб ўқиди, хотини билан. Ҳозир кооператив очиб, беморларни менинг усулим бўйича даволашяпти. (Тошкентга қайганимда эр-хотин Чернихларнинг кооперативини суриштириб топдим. Улар дам олишга кетишяётган экан, сентябрдан қабул қилишади.)

— Бўлмаса, курс ҳақида батафсилроқ гапириб берса-



*Эмтатова.ер журналга  
"Фан ва турмуш"  
темаю зуррове, ставибе.  
и долговитие  
верите-себе!  
от Джуньы 1-06-89.*

нигиз. Унга кимлар қабул қилинади! Умуман, сизнинг муолажа усулингизни ҳар қандай одам ўргана олиши мумкинми!

— Мумкин. Лекин, ҳар қалай, шифокорларнинг ўрганиши осонроқ. Менга, яхшиси, ўн нафаргина дўхтирни юборинглар, усулимни мукамал ўрганиб олишгач, Ўзбекистонга қайтиб беморларни бемалол даволай олишади.

Ҳар ойнинг 27-куни кечки соат 7 да шу ерда курсга қабул қилиш бошланади. Уқиш муддати кейинги ойнинг 1-кунидан бошлаб уч ҳафта, ҳақи киши бошига 350 сўмдан. Битирганларга шаҳодатнома берилади.

Ҳозиргача мингга яқин шогирд тайёрладим. Лекин курс бўйича бор-йўғи энди иккинчи қабул бошланди.

— Яна бир савол. Тошкентлик шогирдингиз Чернихлар икки кишилашиб ишлашганда ҳам беморларнинг ҳаммасига улгуриши қийин. Журналхонларимизга қўшимча равишда тағин қандай маслаҳат бера оласиз.

— Муолажа усулимни марказий телевидениенинг «Спорт ҳамма учун» кўрсатуви орқали ҳам ўргатиб бораёман. Марҳамат, журналхонларингиз телевидениега хат ёзиб, чиқишларимни кўпайтиришни сўрашсин, мен ҳамisha тайёрман.



# ХАТНА ХУРОФОТМИ?

Қадим аждодларимиз жуда кўп урф-одат, маросим, удумларга амал қилишган. Улардан баъзилари неча юз йиллар ўтиб ҳам халқ орасида сақланиб келмоқда. Биз тош отмаган бирорта расм-русм қолмаган бўлса керак. Хатна ва унга боғлиқ маросимлар ҳақида ҳам турли баҳс, мунозаралар ҳануз давом этмоқда. Балки биз эндиликда нигоҳимизни ушбу урф-одатларнинг туб илдизига, асосига қаратганимиз маъқулдир. Зеро, дунёнинг беш қитъасида яшовчи турли дин ва мазҳабдаги юз миллионлаб кишилар мана шу маросимни давом эттириб келаяпти.

Мисрда хатна қилдириш жуда қадим замонларда пайдо бўлган. Неча минг йиллик мўмиёланган жасад шундан далолат беради. Кўҳна бир ибодатхона деворидаги расмдан эса мазкур маросимнинг қай тарзда амалга оширилганини билиб олиш мумкин: хатна қилинаётган киши тик турибди, орқасида эса бир аёл унинг билакларидан ушлаб олган. Уста ўтирган кўйи ўғил бола олатининг чекка кертмагини кесмоқда. Ён томонда навбатда турган бола чизилган. У даврда фақат қоҳин, уруғ-қабилла бошлиқларигина хатна қилдириш ҳуқуқига эга бўлган. Бу оддий халқдан ажралиб туриш белгиси эди.

Миллоддан аввалги XVII асрга келиб хатна диний тус ола бошлаган. Бу тўғрида «Инжил»да шундай дейилади: «Оламнинг пайдо бўлиш даврида Иброҳим пайғамбарга худодан ваҳий келган. Унга маънавий покланиш рамзи сифатида хатна қилдириш буюрилган экан. 100 ёшли Иброҳим ўзини, ўн уч ёшли ўғли Исмоилни, шунингдек қул ва хизматкорларини хатна қилдирган».

Шу тариқа Иброҳим бутун бир халқнинг отаси бўлиб қолди. Бу худо билан аҳд аломати саналди. Хатнани давом эттирган авлод бу иттифоққа кўшила борди. Олат кертмаги учи ўша пайтда тошпичоқ билан қирқилган. Библияда ёзилшича, чақалоқ 8 кунлик бўлганда хатна қилиш керак. Бу одат тўғрисида қадим тарихчилардан Геродот, Фловий, Страбон, Филонлар ҳам ўз асарларида ёзиб қолдиришган.

Юнонлар, кейинроқ римликлар тақиқлашига қарамай хатна қилиш Урта ва Яқин Шарқ мамлакатларига кенг ёйилди. Нақл қилишларига кўра, бу одат араб мамлакатларида бошқача йўсинда пайдо бўлган. Арабистон ярим оролида испом ҳукмронлиги учун бўлган жанглардан бирида лашкарлар 40 кун қуршовда қолиб кетади. Жазирима иссиқ, чанг, сув танқислиги олат кертмагининг торайишига ва яллиғланишига олиб келади. Ана шунда лашкарбоши фармонига биноан бутун лашкар хатна қилинади. Озодлик бахш этган бу ҳаракат мусулмончиликда маросим тусини олди. Шу тариқа хатна яна бир йирик дунёвий диннинг ажралмас белгисига айланди.

Хатна қилиш одати Австралия, Океания, Индонезия, Африкадаги баъзи мамлакатларда, шунингдек индеецларда ҳам бор. Улар буни қадимий ривоятларга бориб тақашади.

Африкадаги баъзи қабилаларда хатна қилдириш мардлик ва жасурлик намунаси ҳисобланади. Маросим тўй арафасида келин ва бутун жамоа иштирокида ўтади. Агар кўёв қийинчиликларга бардош бера олса, келин, «фақат шу йигитгина қаллиғим бўлишини истайман», деб юборади.

Мишна деб аталувчи яхудий оғза-

ки қонунлари мажмуасида жумладан шундай дейилади: «Ҳамма иш шанба кунини бўлиб ўтади. Олатнинг чекка кертмаги кесилиб, у жойга зира ёки шароб ҳамда зайтун мойидан тайёрланган малҳам босилади ва боғлаб қўйилади». Агар иш чала бажарилса, қайта такрорланади. XII аср файласуфи, Қоҳира султонининг табиби Маймонид эса шундай маслаҳат беради: «Олат кертмагининг қолган қисми тирноқ ёрдамида қирқилади». Ҳа, қадимий гигиена шундай бўлган. Бир неча асрдан сўнг эса, Парижда бу нозик ишни бажариш учун махсус асбоб яратилди.

Тарихчи ва файласуф олим Филон Александрскийнинг (миллоддан аввалги I аср) фикрича, хатна олат учи яллиғланишининг олдини олади ҳамда урология касалликларини даволаш осон кечади. Қолаверса, хатна қилинганлардан кўпроқ насл қолади, майл узоқ йиллар яхши сақланиб қолади.

Уша даврларда фақат соғлом болаларгина хатна қилинган. Нимжон ёки озгина бўлса-да, касаллик аломати сезилса, хатна тўхтатилган. Хатнани ўз даврида Англияда, ҳатто Россияда ҳам маъқуллашган. И. Коннинг «Бола ва жамият» китобида қизиқ бир далил келтирилади. Маълум бўлишича, АҚШ туғуруқхоналарида кўпчилик чақалоқлар хатна қилинаркан, бунинг динга ёки диний маросимга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Мамлакатимизда эса бу одат, асосан, диний мазмун касб этган. Афсуски, хатна ҳар доим ҳам аъло даражада бажарилавермайди. САМАРҚАНД МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ БОЛАЛАР ХИРУРГИЯСИ КАФЕДРАСИ МУДИРИ, ПРОФЕССОР М. АҲМЕДОВ, ФАН НОМЗОДЛАРИ А. РА-

— «Фан ва турмуш» ўқувчиларига тилакларингизни ёзиб берсангиз.

Жуна тилакларини ёзиб берди, суратидан совға қилиб, китобига дастхат ҳам битди.

— Энди қутулгандирман!

— Яна биттагина иш қолди, — дедим, — Ҳузурингизга кириш қийинлигини ҳамма билади. Сиз билан учрашганимга, саволлари Жунага етиб келганига журналхонлар яққол ишонч ҳосил қилишлари учун биргалашиб суратга тушсак. Токи бу сурат журнал орқали етиб бориб, ҳар бир ўқувчимизга сиздан эсдалик бўлсин.

— Журналистлардан қутулиш қийин бўлади-да, — деди Жуна кулиб атрофдагиларга.

У чалғиб турганидан фойдаланиб сураткаш Сергей Бермёнёвга сурат жонлироқ чиқсин, журнал учун, деб тайинладим.

Хуллас, журнал муқовасида кўриб турганингиз суратда Жуна сиз, муҳтарам, журналхонларнинг саволларингизга жавоб бераётгани акс этган.

Бизда, Ўзбекистонда эса экстрасенсларга умуман эътибор йўқ. Лекин оддийгина бош оғриги учун ҳам врачга югураверамиз, дори устига дори ичаверамиз. Бизни шунчаки қўл ҳаракатлари билан бир-икки дақиқада бу дарддан халос қила оладиган одам ёнимизда турганини билмаймиз. У одамнинг ўзи эса индаёлмайди, чунки да-

волаш ҳуқуқини берадиган бир парча қоғози йўқ қўлида.

Кўзимиз оғриси кўз дўхтирига, қулоғимиз оғриси қулоқ дўхтирига югурамиз, биттаси кўзимизни, иккинчиси қулоғимизни маҳкам ушлаб олиб даволайверади. Бошқаси билан иши йўқ, чунки медицина одамни алоҳида қисмларга ажратиб ўрганади ва шундай даволайди-да.

Ҳар қандай экстрасенс эса инсон танасини бир бутун яхлитликда ҳис этади. Бир неча ой муқаддам Ўзбекистон телевидениесиде бир экстрасенс ҳақида мўъжазгина кўрсатув берилди. Суратга олиш пайтида қатнашганим сабабли ҳам қандай касали борлигини аниқлаш учун йўлақда навбат кутиб ўтирганлар орасидан экстрасенсга мутлақо нота-ниш бир аёл қақирилганига гувоҳман.

— Бу опамизнинг оёқлари оғрийди, — деди экстрасенс қўллари орқали сигнал «ўқиб» касалликларни аниқлар экан, — врачга борсалар албатта оёқни даволашга киришади. Лекин касаллик белда экан, оёққа ўша оғриқ бераяпти, бел даволанса оёқ оғриғи ўз-ўзидан қолади.

Мана энди муддаога келдик, муҳтарам муштарийлар. Модомики, Жуна даволамас экан, уни шунча мақташининг нима кераги бор, деб боядан бери ғашингиз келаётганди-да, тўғримами? Редакцияга мурожаат қилганлар орасида ҳам хоразмлик бир аёл «Даволамайдиган одамни журналга ёзиб, бизни нега умидвор қиласизлар?» деб ранжиганди.



## ҲИМОВ, В. ЧЕКМАРЕВЛАР ҚУЙИДА- ГИЧА ҲИКОЯ ҚИЛИШАДИ:

Касалхонага олат кертмаги касалланганлиги туфайли келтирилган 412 боланинг 112 таси нотўғри хатна қилиш оқибатида жабрланган. Беморлар орасида олат учи нотўғри қирқилгани оқибатида сийдик йўли қисилиб қолган ва ҳатто олат томири кесилиб кетганлар ҳам бор эди. Маълумки, хатна кўпинча уста — сартарошлар томонидан бажарилади. Бунда олат кертмак чеккаси ёғоч қисқичда қисилиб, бир оз тортилади ва ўткир устарада кесиб ташланади. Кесилган жойга пахта куйдириб босилади, бошқа дори-дармон қўлланади.

## ЙЎҚ... АММО...

Самарқанд касалхоналаридан бирига хатнадан сўнг қон оқиши тўхтамаётган болани келтиришди. Маълум бўлишича, етмиш яшар уста олат томирини қирқиб қўйибди. Тезда болага қон қуйилиб, кесилган жой тикилди. Аммо уни оғир операция ва узоқ вақт даволаниш кутмоқда... Бундай масалаларни ҳал этишда Тожикистонда хайрли тадбир амалга оширилди. Диндорлар илтимосига кўра, Тожикистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги жумҳуриятдаги барча касалхоналарнинг жарроҳлик бўлимларида хатна қилишга рухсат этди. Бир кунлик даволаниш 10 сўм, икки кунга 17 сўм.

Медицина ходимлари ҳозир хатнанинг зарурлиги тўғрисида фикр билдиришмоқда. Баъзилар эса буни ғайритабиий дейишмоқда. Бундай қарама-қарши фикрлар бўлишига қарамай, улар бир нарсада яқдилдирлар.

Дарвоқе, мамлакатимизда, дунё миқёсида бу масалалар қандай ўрганилаётгани ҳақида қанча ёзсак оз. Ушандагина ўзимиздаги мутасадди ташкилотларни уйғота оламиз. Ушандагина бу масалаларни жумҳуриятимизда ҳам кўтаришга имкон яратилади. Биз Ўзбекистонда ҳам Экстрасенслар институти очилишини талаб қилаётганимиз йўқ ҳозирча, бунга вақт эртадир балки. Лекин жуда бўлмаганда бизда биттагина Халқ таъбири маркази очилишини сўрашимиз мумкин-ку ахир! Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан Фанлар академияси бош қўшиб, шундай марказни ташкил қилишлари қийинми шунчалик!

Муҳтарам муштарийлар! Беҳуда овора бўлиб Москвага бориб юрмаңлар. Жунанинг олдига неча кун қатнаган бўлмай, ҳовли тўла дардмандларни кўрдим, бу бечоралар субҳидамдан хуфтонгача унга илҳақ бўлиб ўтиришади. Бироқ у қабул қилолмайди. Жуналар, Игнатенколар узоқда, улар бизга ёрдам қилишолмайди. Узимизга фақат ўзимиз ёрдам беришимиз мумкин холос. Шарқ таъбири ниҳоятда бой, унда ҳикмат кўп. Медицина бизни даволаётганига 70 йил, боринг ана юз йил бўлди. Лекин унганча, минглаб йиллар мобайнида халқимизни таъбир даволаб келган-ку ахир. Нега энди буни унутишимиз керак?

Бир илмий журналист сифатида сизларни шу кори хайрга бош қўшишга даъват этаман. Мутасадди ташкилотларга

Яъни, хатнани фақат мутхассис врачлар шифохона шаронтида ва оғриқ қолдирувчи дори-дармонлар қўллаб бажариши зарур.

### МУТАХАССИСЛАР ФИКРИ

Бутуниттифоқ сексопатология марказининг катта илмий ходими, медицина фанлари номзоди Ю. РЕШЕТНЯК:

— Хатна қилишда инсон ёшини ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Агар у сексуал (жинсий алоқа) тажрибага эга даврда (20—25 ёш) амалга оширилса, одамга ҳам жинсий, ҳам руҳий шикаст етиши мумкин. Шунинг учун хатна ўз вақтида боланинг ёшлигида ўтказилгани маъқул. Чекка кертмаги

кесилган олатда дастлаб сезувчанлик кучли бўлиб, кейинчалик тезда сустлашади, деган фикр бор. Мен бунга мутлақо қўшилмайман. Ишончли далиллар асосида шунга айтишим мумкинки, олат шаҳватланиши илгаригидек сақланган кекса кишилар ҳаётда кўп учрайди.

Айтгандай, олат кертмаги чеккасини кесмай ҳам хатна қилиш мумкин. Бунда олат чеккаси қоп оғзини очган каби йиғилиб, тикиб қўйилади. Хатнанинг гигиена билан алоқасига келсак, шак-шубҳасиз, иссиқ ўлкаларда, шунингдек сув танқис шароитда олат яллиғланиши ва турли юқумли касалликларнинг олдини олади.

Врач-сексолог, медицина фанлари номзоди З. АНИСИМОВА:

Авваламбор шунга эслатиб ўтмоқчиманки, олат кертмаги «қоп»часида йиғилиб қоладиган турли ёғлар жуда

хат ёзиб Халқ таъбири маркази очилишини талаб қилинг. Кўпдан кўён қочиб қутулмас деганлар-ку ахир!

Шу масала юзасидан фикр олиш учун баъзи мутасадди ўртоқлар билан суҳбатлашдим. Республика пулли-консультация поликлиникасининг бош врачлари Римма Петрова ҳам, ЎзССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хўжалик ҳисобидаги муассасалар бошқармасининг бошлиғи Абдулла Шоносиров ҳам Халқ таъбири маркази ташкил қилиш фикрини қўллаб-қувватлашди. Мен бу фикр янги эмаслигини, масалан, мануал терапия бўйича мутхассис врач Мадийр Солаев экстрасенслар учун шундай марказ тузишга кўпдан бери уринаётганини айтдим. Абдулла Насриддинович масалани бир йўла кенгроқ қамраб олиш учун Халқ таъбири маркази ташкил этилишини мақсадга мувофиқ деб топди. Унинг фикрича, марказнинг бир бўлимида олимлар комиссияси текширувидан ўтган экстрасенслар ишласа, яна бир бўлимда беморлар шифобахш гиёҳлар билан, бошқа бўлимларда халқ таъбирларининг бошқа усуллари ёрдамида даволанишлари мумкин ва ҳоказо. Халқ таъбири марказини Республика пулли-консультация поликлиникасининг шохобчаси сифатида ташкил этиш ҳам мумкин.

Рустам ОБИДОВ,  
журналист,  
Москва — Тошкент.



ДАВРЛАР,  
ОДАМЛАР

хавфли. У ҳатто рақ келтириб чиқариши мумкин. Кўп сонли совет ва чет эл мутхассислари буни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан исботлаб беришди. Бу масала ҳатто Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти конгрессида кўриб чиқилди.

Бир қатор олимлар фимоз (олат кертмаги чеккасининг торайиши) касаллигини кўпинча олатда учровчи рақ билан адаштиришади. Хатна қилинмаган эркек шахвати аёл бачадони қинда рақ келтириб чиқаришга сабаб бўлиши мумкин. Шуларни назарда тутиб бир қатор олимлар барча эркекларга хатна қилдиришни маслаҳат беришмоқда. Бизнингча, бу ўта қаттиқ талаб. Инсон ўзини доимо покиза тутиб юра олса бас, деб ўйлаймиз. Ҳар кунин (айниқса жинсий алоқадан олдин ва кейин) ювиниш зарур. Катталар ўзлари риоя этибгина қолмай, болалар, ўсмирларга одат этишни ўргатишлари зарур.

«Медицинская газета»дан олинди.

**РЕДАКЦИЯДАН:** Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига биноан ўтган йилдан бошлаб область ва район шифохоналарининг мавжуд жарроҳлик ва урология бўлимларида хатна қилиш учун рухсат берилди. Мана, хатна ва унга боғлиқ маросим тарихига бир назар ташладик. Ҳозирда халқимиз ўртасидаги маънавий кўриниши, яъни суннат тўғрисида журналистнинг келгуси сонларидан бирида батафсил фикр юритамиз.



# Курьонни карши

## НИСО СУРАСИ

### МЕҲРИБОН ВА РАҲМДИЛ ТАНГРИ НОМИ БИЛАН

26. Тангри сизларга (йўл-йўриқларини) баён қилишни ва сизларни сиздан аввал ўтганлар йўлига солишни ва тавбангизни қабул қилишни хоҳлайди. Тангри билувчи, ҳикматли зотдир. 27. Тангри сизларга меҳрибонлик қилишни хоҳлайди, шахват орқасидан юрувчилар эса сизларни тўғри йўлдан узоқ тойдириб юборишни хоҳлайдилар. 28. Тангри сизларга юкин энгил қилишни хоҳлайди, чунки инсон кучсиз қилиб яратилган. 29. Эй имон келтирганлар, агар ўз орангизда рози бўлиб қилинган олди-сотди бўлмаса, бир-бирларингизнинг молларингизни ноҳақ еманг ва ўзингизни ўзингиз ўлдирманг. Албатта Тангри сизларга меҳрибондир. 30. Кимда-ким (бировга) душманлик ва зулм қилса, уни биз ўтга солурмиз ва бу Тангри учун осондур. 31. Агар сизларга ман қилинган катта гуноҳлардан сақлансангиз, биз сизнинг кичик гуноҳларингизни маҳв қиламиз ва сизларни қарами бир мақомга дохил қиламиз. 32. Тангри баъзингизни бошқанидан у туйфайли ортиқ қилган нарсани ҳавас қилманг. Эракларга қилган касб-корларидан ҳисса, хотинларга ҳам қилган касб-корларидан ҳисса бор. Тангридан унинг қарамини талаб қилинг, албатта, Тангри ҳар нарсани билгувчидир. 33. Ота-она ва қариндошлари қолдирган мол учун ҳар бир одамга биз ворислар тайин қилганмиз. Узингиз аҳду паймон қилганингиз одамлар ҳиссасини ҳам уларга беринг. Албатта, Тангри ҳар бир нарсага шохидир. 34. Эрлар хотинлар устидан ҳукмрондирлар, чунки Тангри уларнинг бирини бошқасига нисбатан ортиқ қилган ва шунинг учун эрлар ўз молларидан харажат қиладилар. Солих, ифзатли хотинлар эрлари йўқ вақтда Тангри муҳофазати ила улар ҳаққини сақлайдилар. Итоатсизлигидан қўрққанингиз хотинларга насиҳат қилинг, ётиш жойларини алоҳида қилиб қўйинг ва уринлар. Ва агар улар сизга итоат этсалар, уларга қарши баҳона ахтарманлар. Албатта, Тангри олий ва буюқдир. 35. Агар эр-хотин орасининг бузилиб кетишидан қўрқсангиз, эр хонадонидан битта ҳакам ва хотин хонадонидан битта ҳанамини тайин қилинг; агар улар яраштиришни хоҳласалар, Тангри улар ўртасини муваффақиятли қилур. Албатта, Тангри билимдон ва бабардордир. 36. Ва Тангрига ибодат қилинг ва унга ҳеч нарсани шерик қилманлар ва ота-онангизга ва қариндошларингизга ва етимларга ва муҳтожларга, яқин қўшига ва бегона қўшига ва мусофирга ва тасарруфингизда бўлган ғуломларга яхшилик қилинг. Албатта, Тангри дўст тутмайди мутакаббир, мақтанчоқларни. 37. Бахиллар ва одамларни бахилликка ундовчиларини ва Тангри ўз қарами

Давоми. Боши 8-сонда.

билан берган молни яширувчиларни ҳам (ва биз кофирлар учун хор қилувчи азобни тайёрлаб қўйганмиз) 38. Ва дўст тутмайди, молларини халққа кўрсатиш учунгина сарф қилувчиларни<sup>1</sup>, на Тангрига ва на қиёмат кунига ишонмайдиганларни ва шайтонга дўст бўлганларни ва у қандай ёмон дўстдир! 39. Ва агар улар Тангрига ва қиёмат кунига имон келтирганларида ва Тангри уларга берган молни сарф қилганларида, уларга нима бўларди? Ва Тангри уларни яхши билади. 40. Бешак, Тангри бир зарра мисқолича ҳам зулм қилмайди ва бирор яхшилик бўлса, уни икки баробар қилиб қайтаради, яна ўз томонидан катта ажр (муқофот — Ред.) ҳам беради! 41. Вақтики биз ҳар бир умматдан гувоҳ чакирсак ва сени<sup>1</sup> уларга гувоҳ қилиб келтирсак, қандай ҳолат бўларкин?<sup>2</sup> 42. Уша кунни кофирлар ва пайғамбарга итоат этмаганлар: «Кошкийди ер билан баробар бўлиб кетсак эди», деб пушаймон қиладилар. Улар Тангридан ҳеч бир сўзини яширолмайдилар. 43. Эй имон келтирганлар! Маст бўлганингиз ҳолда, то нима деяётганингизни англаб олганингизча ва ҳаром бўлсангиз<sup>3</sup>, то ювинганингизча — бундан сафардагилар мустасно — намозга яқинлашманг. Ва агар касал бўлсангиз ёки сафарда бўлсангиз ё сизлардан бирингиз хало жойдан келса ё хотинларга яқинлик қилган бўлсангиз ва сув тополмасангиз, у ҳолда пок тупроқ билан таяммум қилиб<sup>4</sup>, уни юзларингиз ва қўлларингизга суртинг. Албатта, Тангри авф этувчи, маъфиратликдир. 44. Китобдан уларга ҳисса берилган, лекин гуноҳликни сотиб олаётган ва сизларнинг ҳам йўлдан озишингизга хоҳишманд бўлганларни сен кўрмадингми? 45. Тангри эса сизнинг душманларингизни яхши билади; Тангри ҳимоя қилиш учун кифоя қилади ва Тангри ёрдам беришга ҳам кифоядир. 46. Яҳудийлардан баъзилари калималарни ўз уридан бузиб талқин қиладилар ва тилларини буриб, динга зарба берган ҳолда: «Биз эшитдик ва итоат қилмадик, сен ҳам эшиттирилмаган нарсани эшит ва бизни риоя қил» — дейдилар. Агар улар: «Биз эшитдик ва итоат қилдик, сен ҳам эшит ва бизга назар сол», деганларида эди, бу улар учун яхши ва дуруст бўларди. Лекин Тангри кофирликларни сабабли уларни лаънат қилди ва энди уларнинг фақат озгинасигина имон келтиради. 47. Эй китоб берилганлар<sup>5</sup>: Сизлардаги нарсани<sup>6</sup> тасдиқлаш учун, биз юзларни ўгириб, орқа томонига қайтарганимизга қадар ёки уларни шанба кунидегиларни<sup>10</sup> лаънат қилганимиздек лаънатлагунимизга қадар, биз туширган нарсага (Курьонга — Ред.) имон келтиринлар. Тангрининг амри албатта бўлади. 48. Албатта, Тангри унга бошқанинг шерик қилинишини кечирмайди ва у бундан бошқа гуноҳни хоҳлаган кишига кечиради. Кимда-ким

Тангрига шерик топса, у жуда катта гуноҳ қилган бўлади. 49. Сен ўзларини пок қилиб кўрсатган одамларни<sup>11</sup> кўрмадингми? Балки Тангри ўзи хоҳлаган кишини пок қилур ва уларга бир ипча ҳам зулм қилмас. 50. Улар Тангрига қандай ёлғон қилганларига бир назар ташла! Ва бу равшан гуноҳкорлик учун кифоядир. 51. Китобдан бир қисм берилган у зотларни<sup>12</sup> кўрмадингми, — улар бут ва шайтонга имон келтирурлар ва кофирларни: «Мана булар имон келтирганлардан тўғрироқ йўлдалар», дейдилар<sup>13</sup>. 52. Тангри лаънатлаганлар ана шулардир. Ва кимни Тангри лаънатлаган бўлса, сен унга мадақдор тополмайсан. 53. Еки уларнинг салтанатда ҳисса-қисм бордир? Агар шундоғ бўлганда, улар одамларга кунжучалик бир нарса ҳам бермаган бўлардилар. 54. Еки Тангри ўз қарами билан одамларга берган нарса учун уларга ҳасад қиладиларми? Биз ҳақиқатан Иброҳим авлодига китоб ва ҳикматни бердик, уларга буюк подшоҳликни ҳам бердик. 55. Улардан баъзилари унга имон келтирдилар ва баъзилари ундан юз ўгирдилар. (Уларга) дўзахнинг алангали ўти кифоядир. 56. Бизнинг оятларимизни инкор қилганларни албатта биз ўтга ташлаймиз! Ҳар сафар уларнинг терилари ёниб тамом бўлганда, улар ҳамиша азоб чекиб турсинлар деб, унинг ўрнига бошқа тери алмаштирамиз. Ҳақиқатан Тангри забардаст, ҳикматлидир. 57. Имон келтирган ва яхши ишларни қилганларни тагидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга дохил қилурмиз, улар у ерда абадий қолурлар. Улар учун у ерда — покиза хотинлар (берурмиз) ва уларни қалин сояга дохил қилурмиз. 58. Тангри сизларга омонатларни ўз эгаларига топширишни буюрди ва қачон одамлар ўртасида ҳукм чиқарсангиз, адолат билан ҳукм қилинг. Албатта, Тангрининг сизларга қилган насиҳати қандай яхши! — бешак, Тангри эшитгувчи, кўриб турувчидир! 59. Эй имон келтирганлар, Тангрига итоат этинг ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган ҳукмдорга итоат этинг<sup>14</sup>. Башарти ўларо бирор нарса хусусида тортишиб қолсангиз, агар Тангри ва қиёмат кунига ишонган бўлсангиз, уни Тангри ва пайғамбарга ҳавола қилинг<sup>15</sup>. Бу яхши ва оқибати хайрли нарсадир. 60. Сенга туширилган нарсага<sup>16</sup> ва сендан аввалгиларга туширилган нарсаларга<sup>17</sup> имон келтирдик деб даъво қилаётган зотларни сен кўрмадингми? Улар тоғу<sup>18</sup> ҳузурда ҳукм чиқаришга уринадилар, ваҳоланки, уларга унга ишонмаслик ҳақда амр қилинган эди, шайтон эса уларни йўлдан оздириб, узоққа ташлашни хоҳлайди. 61. Ва қачон уларга: «Тангри туширган нарса томонга ва пайғамбар томонга келинлар», дейилса, мунофиқларнинг сендан қандай юз ўгирганларини кўрасан. 62. Қачон уларнинг қўллари аввал тайёрлаб қўйган нарса учун



уларга бир мусибат етганда, кейин сенинг ҳузурингга келиб: «Биз фақат яхшилик ва таъфиқни хоҳиш қилган эдик», десалар, нечук бўлар эди? 63. Тангри уларнинг қалбларида нима борлигини биладиган зотлар ана шулардир. Сен улардан юз ўғир ва уларга насиҳат қил ва уларга ўзлари ҳақида ишончли сўзларни айт. 64. Биз ҳар бир пайғамбарни фақат Тангри изни билан унга итоат этсинлар, деб ўбордик. Ва агар улар, ишонмаганлар ўзларига ўзлари зулм қилганларида, сенинг ҳузурингга келиб, Тангридан маърифат талаб қилганларида ва пайғамбар ҳам улар учун маърифат талаб қилса эди, улар Тангрини кечиргучи ва раҳмли (одамлар) сифатида маълум бўлардилар. 65. Ва йўқ — сенинг Парвардигоринг номига қасам бўлинсинки! — улар то ўз ўрталарида юз берган жанжалларда сени ҳукм чиқарувчи қилмагунларича ҳеч имон келтирмайдилар. Кейин сенинг чиқарган ҳукмингга улар ўз дилларида қийинчилик толмайдилар ва унга тўла таслим бўладилар. 66. Агар биз уларга: «Бир-бирингизни ўлдиринг ёки ўз уйларингиздан чиқиб кетинг», деб ҳукм қилсак, буни улардан фақат озгинаси бажарган бўларди. Агар улар ўзларига қилинган насиҳатни бажарсалар, бу улар учунгина яхши бўлган бўларди ва исбот учун мустаҳкам иш бўларди. 67. Ва биз уларга ўз томонимиздан буюк бир мукофот берган бўлардик, 68. ва уларни тўғри йўлга солган бўлардик. 69. Тангрига ва пайғамбарга итоат этган зотлар эса Тангри инъомига сазовор бўлган пайғамбарлар ва содиқлар ва шохидлар ва художўйлар билан бирга бўлурлар. Ва улар қандай яхши дўстлар-а! 70. Мана бу Тангрининг фазл-карамидир. Тангрининг билми етарлидир! 71. Эй имон келтирганлар! Узингизга эҳтиёт бўлинг ва тўп-тўп бўлиб ёки ҳаммангиз жам бўлиб жангга чикинг. 72. Сизлардан айримлар албатта орқага қайтади ва агар сизга бирор мусибат етса, у: «Тангри менга қарам қилдик, улар билан бирга бўлмадим», дейди. 73. Ва агар сизга Тангри томонидан фазлу қарам бўлса, у гўё сиз билан унинг орасида ҳеч бир алоқа бўлмагандай: «Кожийди мен ҳам улар билан бирга бўлсам-у буюк мукофотга эришсам эрди» дейди. 74. Охирагача учун бу дунё ҳаётини сотиб юборувчилар Тангри йўлида жиҳод қилсинлар! Ва кимки Тангри йўлида жиҳод қилиб ўлдирилса ёки ғалаба қозонса, унга Биз буюк ажр берурмиз. 75. Ва сизларга нима бўлдики, Тангри йўлида: «Эй Парвардигоримиз! Бизни аҳолиси золимлар бўлган бу шаҳардан олиб чиқ ва биз учун ўз томонингдан бир ҳимоячи бер ва биз учун ўз томонингдан бир мададкор ҳозир қил», деб хитоб қилаётган ночор эрлар ва хотинлар ва болалар учун жанг қилмайсизлар? 76. Имон келтирганлар Тангри йўлида уруш қиладилар, кофир бўлганлар эса тоғут йўлида урушадилар, сизлар шайтоннинг дўстлари билан жанг қилинганлар; албатта шайтон тadbирни кучсиздир. 77. Сен у зотларни кўрмадингмики, уларга: «Қўлингизни урушдан тортинг ва намозга туринг ва закотларингизни беринглар», дейилган эди. Қачонки уларга жиҳод ҳукм қилинди, улардан бир гуруҳи одамлардан Тангридан кўрққанданам ортиқроқ кўрқа бошладилар ва: «Эй парвадигоримиз! Нимага бизга жиҳодни фарз қилдинг? Бизга уни сал кейинроққа сурганинга эди?» дедилар. Сен уларга айт: «Бу дунё фойдаси оз ва охирагача Тангридан кўрққанлар учун яхшироқдир ва сизларга бир ипчалик зулм қилинмайди». 78. Қаерда бўлманлар, ҳатто мустаҳкам қалъалар ичида бўлсангиз ҳам, сизларни ўлим топиб олади.

Агар уларга бир яхшилик етса: «Бу Тангри томонидандир!» дейдилар ва қачон уларга бирор ёмонлик етса: «Бу сен — Мухаммад томонидандир», дейдилар. Сен: «Ҳамма нарса Тангри томонидан бўлади», деб айт. У қавмларга нима бўлдики, ҳеч нарса ни тушунмайдилар? 79. Эй инсон, сенга нима яхшилик етса, Тангри томонидандир ва сенга нима ёмонлик етса, ўзингандир. Ва биз сени (Мухаммадга айтиляпти — Ред.) инсонларга пайғамбар қилиб юбордик. Ва гувоҳликда Тангри кифоядир. 80. Кимки пайғамбарга итоат етса, у албатта Тангрига итоат этган бўлади ва кимки юз ўғирса, биз сени ундайларга сақловчи қилиб юбормадик<sup>19</sup>. 81. Улар: «Итоат эдик» дейдилар. Сенинг ҳузурингдан ташқарига чиққач, улардан бир тоифаси кечаси жам бўлиб, сенинг зиддингга маслаҳат қиладилар ва Тангри уларнинг кечасидаги маслаҳатларини ёзиб туради. Сен улардан юз ўғир ва Тангрига таваккал қил. Ва Тангрининг ваколати етарлидир. 82. Улар Куръон ҳақида ўйламайдиларми? Агар бу (китоб) Тангридан бошқа томондан бўлганда эди, улар унда жуда кўп ихтилофлар топган бўлардилар. 83. Қачон уларга омонлик ёки хавф ҳақида бир хабар келса, (ўшандагина) улар уни тарқатадилар. Ва агар улар уни пайғамбарга ва ўз жамоаларидан бўлмиш улуғларига ҳавола қилсалар эди, уларнинг таҳқиқ этишга уриновчилари уни албатта тушунган бўлардилар<sup>20</sup>. Ва агар Тангрининг фазли ва раҳмати бўлмаса эди, бир оз кишидан бошқангиз албатта шайтонга эргашиб кетган бўларди. 84. Сен энди Тангри йўлида жанг қил. Сенга ўзингдан бошқанинг жавобгарлиги йўқдир, мўминларни ҳам қизиқтир. Шояд Тангри кофирларнинг ғазабини банд қилса: Тангри ғазабда кучлироқ ва азоб беришда қаттиқроқдир. 85. Кимки яхши шифоат билан шафилик қилса, унга Унинг томонидан насиба берилур ва кимки ёмон шафоат билан шафилик қилса, унга ҳам Унинг томонидан насиба берилур. Ва Тангри ҳар бир нарсага қодирдир! 86. Ва агар сизга биров салом ила салом берса, сиз ундан яхшироқ салом беринг ёки ўшанинг ўзини қайтаринг. Албатта Тангри ҳар бир нарса ни ҳисоб қилувчидир. 87. Тангри (ягонадир) — Ундан бошқа маъбуд йўқдир. Шубҳасиз, у қиёмат кунини сизларни жамлайди! Тангридан кўра ростроқ сўзловчи ким? 88. Нима учун сизлар — мунофиқлар икки фирқага бўлиниб турибсиз? Тангри уларни қилмишлари туфайли эски ҳолларига қайтарган. Сизлар Тангри йўлдан оздирган кишиларни тўғри йўлга солмоқчимисизлар? Ва кимники Тангри йўлдан оздирган бўлса, унинг учун сен йўл топиб беролмайсан! 89. Улар ўзлари кофир бўлганлари каби сизларнинг ҳам кофир бўлишингизни хоҳлайдилар ва шундай қилиб ҳаммаларингиз бир хил бўлиб қоласизлар. То улар Тангри йўлида муҳожир бўлмагунларича, улардан ҳеч кимни дўст тутманг; агар бундан бош тортсалар, қаерда топсангиз, уларни тутинг ва ўлдириг. Ва улардан ҳеч кимни дўст ҳам тутманг, мададкор ҳам қилманг.

## ИЗОҲЛАР

1. Куръон ҳукмида ҳар бир эркак ёки хотин ўз қилган касби, амалига қараб ўз насибаси, ҳиссасини олади. Баъзилар қилган касб-корлари ортиқроқ бўлгани учун ортиқроқ ҳисса оладилар. Бу оятда биров

ўз амали, меҳнати туфайли ортиқроқ ҳисса олиб яхши яшаса, унга ҳасад қилманг, деб таъкидланяпти.

2. Аҳду паймон қилганлар ўзлари қариндош-уруғ бўлмай, ўзаро биродар тутингандир. Исломининг аввалида бир неча кишилар якка-якка муслмон бўлиб, қариндошлари исломни қабул қилмаган. Пайғамбар икки-икки нафарни бир-бирларига биродар қилиб қўйган эди, ана шулар бир-бирларидан мерос олишган.

3. Куръон ҳукмида Тангри йўлида (фи сабилллоҳ) эҳсон қилмаслик қанчалик ёмон бўлса, халқ кўрсин деб, ном чиқариш учун қилинган эҳсон ҳам шунчалик ёмондир.

4. Куръоннинг ҳамма жойида иккинчи шахсга қилинган мурожаатда Мухаммад пайғамбар кўзда тутилади.

5. Яъни, қиёмат кунини ҳар бир уммат ва қавмдан уларнинг аҳволларини баён қилиш учун гувоҳлар чақирилади. Гувоҳлар ҳар қавмининг пайғамбари ва солиҳ кишиларидан бўлади. Уларнинг гувоҳликларини мустаҳкамлаш учун Мухаммад пайғамбар ҳам чақирилади.

6. Яъни, эр-хотин яқинлик қилиб ювинмаган бўлсангиз, дейилмоқчи.

7. Таяммум қилиш (тупроқ ва қум билан таҳорат қилиш, пок бўлиш) — сув ишла-тишдан ожиз, яъни ўрнидан туролмайдиган касал ва сув тополмаган, топса ҳам уни ишлатса ташналик хавфи туғилмаган мусофир, йўловчилар учунгина жоиздир.

8. Яъни, аҳли китоб бўлмиш Довуд қавмлари, яҳудий ва насоралар (христианлар).

9. Иброҳим пайғамбар динини.

10. «Шанба кунини бузганлар» ҳақида бақара сураси 61-оятини ва ушбу суранинг 153-оятини ҳам ривоят қилинган.

11. Яҳудийлар кўзда тутиляпти.

12. Бу ерда қурайшийларни Мухаммадга қарши кўзгаган яҳудийлар кўзда тутиляпти.

13. Яҳудийлар пайғамбарга қарши Макка мушрикларини билан иттифоқ тузиб, улар қондасига риюа қилиб бутларга таъзим қиладилар ва уларнинг динини исломдан яхшироқ дейдилар.

14. Юқоридаги оятда худо ҳукмдорларга адолат билан ҳукм чиқаришни буюрди. Агар ҳукмдорлар адолатли ва Тангрига итоаткор бўлсалар, бошқалар ҳам уларга итоат этсинлар деб буюраяпти.

15. Бу ерда агар ҳукмдорлар билан тобе халқ ўртасида бирор ихтилоф пайдо бўлса, уни Куръон ва пайғамбар суннатлари асосида ҳал этилсин. Агар ҳукмдор чиқарган ҳукм Куръон ва суннатга мувофиқ бўлса, унга итоат қилинсин дейилляпти.

16. Яъни, Куръонга.

17. Забур, Таврот ва Инжилга.

18. Тоғут — Куръонда кишиларни йўлдан оздирувчи иблис, шайтон сўзлари синоним маъносига учрайди.

19. Яъни, биз сенга улар учун ҳеч қандай жавобгарлик юкламадик.

20. Муслмонларга бирор зарар етса, пайғамбар душманлари бундай хабарларни аввал аниқлаб, ҳақиқат қилмай туриб халққа тарқатиб юборганлар, содда муслмонлар бунга ишонган ва бундан кўпчилик муслмонларга зарар етган.

Таржимон Исмаилов АБДУЛЛАЕВ, УзССР ФА Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими.

(Давами келгуси сонда.)



# ИБН БАТТУТА

## «САЁХАТЛАР»

«Мерос ва меросхўрлар» деб номланган давра суҳбати журналимизнинг шу йилги май ойида эълон қилинган, журналхонлардан олаётган мактубларда маданий меросимиз, кечмиш тарихимизга оид асарлардан намуналар ёритиш сўралган. Ҳозир шу истакларни бажо келтирамиз.

Бундан олти ярим аср илгариги Самарқанд, Бухоро ва Урганч манзаралари, одамлари билан учрашувни истайсизми? Унда машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута қаламига мансуб «Саёҳатлар» асарининг ўлкамизга оид қисмлари билан танишиб чиқишингиз лозим. Заковатли ўзбек шарқшунос олими Неъматилла Иброҳимов асарнинг шу бўлагини таржима этиб, Ибн Баттута ҳаёти ва саёҳатлари, асарнинг ўрганилиши ва таржима қилиниши тарихига йирик тадқиқот иши бағишлаб, ҳар иккисини «Ибн Баттута ва унинг Урта Осиё бўйлаб саёҳатлари» номли китобида эълон қилди. Қуйида асарнинг арабчадан русчага қилинган таржимасидан айрим парчаларни ўзбекчаштириб, диққатингизга ҳавола этаётимиз. Ундан олдин, сайёҳ ва унинг асари ҳақида икки оғиз сўз.

Ибн Баттутанинги ўз саёҳати мобайнида 75 минг миль йўл юргани ҳисоб-китоблардан аниқланган. У йигирма саккиз йил давом этган саёҳати пайтида Шимолий ва Ғарбий Африка, Арабистон ярим ороли, Ҳиндистон ва Испания, Туркия ва Эрон, Урта Осиё ва Шарқий Европа, Хитойнинг юзлаб шаҳар ва қишлоқларида бўлди. Сайёҳ ўз асарида Урта Осиёнинг XIV аср биринчи ярмидаги маданий,

сиёсий ва социал ҳаётини бўй-бежамай, холисанилло кўрсатишга ҳаракат қилади.

«Саёҳатлар» — ўз даврининг тарихий-маданий ёдгорлигидир. Биз айқиқса Самарқанд, Бухоро, Урганч каби қадимий шаҳарларимизнинг ўша даврдаги қиёфаси, кишиларимизнинг турмуш тарзи, дунёқароши, ахлоқ-одоби, ҳукмдорларидан тортиб оддий фуқаросига қадар қандай фазилатларга эга бўлганликлари ҳақидаги лавҳаларни ўқиганимизда улар кўз ўнгимизда яққол гавдаланади.

Шунингдек, асарда ўтмишимизни ўқиб, бугунимиз учун сабоқ оладиган, ибратомуз воқеалар бор. Масалан, Мовароуннаҳр султони, мўғул Тармашириннинг араб сайёҳи, мусулмон олими Ибн Баттутани қаршилов чоғида унга туркий тилда мурожаат этгани, сайёҳимизнинг кўҳна Бухорода «туркий ва форс тилларида ажойиб қўшиқлар» (аввал туркий деб айтаётганига эътибор беринг!) тинглагани боболаримизнинг тили ўша пайтда давлат эътиборида, ҳимоясида бўлганидан дарак беради. Бу каби фикрга озик, тасаввурга эрк берадиган воқеа-ҳодисалар сероб. Келинг, яхшиси асардан келтирилган қуйидаги парчаларни ўқиб, ўтмишимизга меросхўр нигоҳи билан қарайлик.

### ХОРАЗМ ШАҲРИ

...Бу, туркларнинг энг катта, муҳим, гўзал ва улуғвор шаҳаридир, у ажойиб бозорлар, кенг кўчалар, кўп сонли бинолар ва таасиротга бой кўрinishга эга. Шаҳарда ҳаёт қайнайди, аҳолисининг кўпчилигидан гувиллаётган денгизга ўхшайди. Бир сафар, шаҳар бўйлаб ўтиб борарканман, бозорга кирдим, унинг ўртасига етганда ўзимни энг сершовқин жойда кўрдим... Шу қадар тикчилик эдики, на олдинга, на орқага юролмайд қолдим, узоқ урнинилардан кейингина базўр қутулиб чиқдим. Кимдир менга айтдики, жума намози кунлари тикчилик камроқ бўлади, чунки шу кунни Қайсарийна ва бошқа бозорлар ёпилади.

Жума кунни отимга миниб, мачит ва мадрасага бордим. Бу шаҳар Султон Узбек ҳукмронлиги остида бўлиб, унда улуғ амир Қутлуг Темур яшайди. Бу амир мадраса ва унга қўшилиб кетган биноларини бунёд эттирган. Мачитни эса унинг олижаноб рафиқаси Тўрабек хотун қурдирган. Хоразмда беморхона (мористон) бор, унда ўзига Сахйуни нисба берган суриялик табиб ишлайди. Бутун жаҳонда ҳали менга хоразмликлар каби ажнабийларга нисбатан хушхўл, олижаноб, меҳмондўст кишиларни учратиш насиб этмаганди...

Хоразмдан ташқарида жаннатдан бошланадиган тўрт дарадан бири — Жайхун оқиб ўтади. Бу дара Итил [Волга] каби қишда музлайди, шунда одамлар ундан ўта олишади. Уни беш ой мобайнида муз қоплаб туради. Кимки энди муз қоплаётганда юрса, ҳалок бўлади. Ез кунлари кемаларда Термизга боришади ва у ердан бугдой, жавдар келтиришади. Бу, оқим бўйлаб ўн кунлик йўл.

Хоразмга кираверишда улуғ шайх Нажмиддин ал-Кубро қабрида зовия барпо этилган. У ерда шаҳарга келиб-кетаётганлар учун таомлар тайёрланади...

Бу шаҳарга келган кунларим жума номозини қозни Абу Хафсом Умар билан ўқидим, номоздан сўнг унинг шу атрофда жойлашган хонадонига бордим. Мен у билан бу кишининг мажлисхонасига

кирдим. Бу, ажойиб бир хона бўлиб, гўзал гиламлар тўшалган, деворлари мовут билан қопланган, кўплаб тоқчаларига олтин суви югуртирилган қумуш идишлар ва ироқи кўзалар териб қўйилган. Одатда, бу мамлакат аҳли ўз уйларини шундай безатиб қўйишади. Кейин турфа хил таомлар келтира бошлашади...

### ХОРАЗМ АМИРИ

У — улуғ Қутлуг Темурдир... Бу амир — улуғ султон Муҳаммад Узбекнинг холаваччаси бўлиб, унинг амирлари орасида энг эътиборлиларидандир. Амир унинг Хуросондаги ноибидир...

Қози ҳар кун амир қабулхонасига келиб, ўзига ажратилган жойга ўтириши, у билан бирга фақиҳ ва котиблар келиши одат сифатида қабул қилинган экан. Амир рўпарасида бош амирларидан бири ва йорғужидеб номланувчи саккиз нафар катта турк амирлари ва шайхлари ўтиришади. Одамлар улар қошига ўз арзлари билан келади. Агар иш шариятта оид бўлса, қози қарор қабул қилади, бошқа ишларни амирлар ҳал этади. Бу кишиларнинг ҳукми аниқ, адолатли, чунки уларнинг холислигига шубҳа йўқ ва улар пора олишмайди.

Амир қабулида бўлганимиздан кейин мадрасага қайтдик ва у бизга гуруч, ун, қўй, мой, турли зирворлар ва боғламли ўтин юборди. Бутун мамлакатда худди Ҳиндистон, Хуросон ва Эрондаги каби кўмир нималигини билишмайди. Бироқ Хитойда ёқилги учун тошдан [яъни тошкўмирдан] фойдаланилади, у худди писта кўмир сингари ёнади, кўлга айланабошлаганда эса уни сув билан аралаштириб, офтобда қуритишади ва кейин, у бутунлай ёниб битгунча, таом тайёрлаш мумкин.

### ХОРАЗМ ҚОВУНИ

Мусулмон оламининг мағрибу машриқида, бухоро ва исфахон қовунини истисно этганда, хоразм қовунига тенг келадигани йўқ. Унинг пўсти яшил, гўшти қизғиш, бағоят ширин ва айни пайтда қат-



тик. Қизғи шундаки, уни бўлақларга бўлиб, офтобда қуритишади ва саватларга солишади, бизда қуритилган анжир [шариха] ва малага анжирни<sup>6</sup> ни нима қилишса, қовуңқоқларини ҳам узоқ Ҳиндистон ва Хитой шаҳарларига олиб боришади. Барча қуритилган мевалар ичидан ундан яхшимс йўқ. Ҳинд шаҳри Дехлига борганимда, сайёҳлар келганини эшитсам, қовуңқоқи сотиб олиш учун бирор кишини жўнатардим. Ҳинд шоҳи ўзига озгина келтирилса ҳам, уни менга юборар, қовуңқоқини яхши кўришимни биларди.

## ОЛИЖАНОБ САВДОГАР

[Ибн Баттута Хоразмга келгунича моддий жиҳатдан ёрдам бериб турган Али ибн Мансур исмли савдогар ҳақидаги хотираларини ҳикоя қилади.]

Хоразмдан жўнаб кетиш арафасида туялар ёлладим ва маҳара [тахтиравон] сотиб олдим. Афиғидин ат-Тузарий билан унда ҳамроҳ бўлиб кетдик. Отларнинг бир қисмида хизматкорлар боришарди. Биз Хоразм билан Бухоро ўртасидаги саҳро кўйнига кирдик. Ун саккиз кунлик йўлда тўхтаб ўтадиган биргина манзил бор эди. Мен жўнаш олдидан амир Қутлуғ Темур билан хайрлашдим. У менга чопон совға қилди, қози эса бошқача чопон кийдирди ва фақиҳлари билан кузатиб кўйди.

Биз тўрт кун йўл юриб, Кат шаҳрига етдик. Бу йўлда ундан бошқа манзил йўқ. Кат — унча катта бўлмаган ва гўзал шаҳар. Биз шаҳарга етмай, совуқдан музлаб қолган ҳовуз олдидан тўхтадик. Болалар унда сирпанчик учиб ўйнашарди...

Ва биз яна йўлга тушиб, саҳрода олти кун сувсиз юрдик. Сўнг Вобканат [Вобкент] шаҳрига етдик. У Бухородан бир кун йўл юрилгандаги манзилда жойлашган. Бу, ариқлари ва боғ-роғлари бўлган гўзал шаҳар экан. Шаҳар аҳолиси узум ҳосилини йил бўйи сақлай олади. Уларда ал-олу [олхўри] деган мева бор бўлиб, уни қуритиб, Ҳиндистон ва Хитойга жўнатишар экан. Бу меванинг ўстига сув қўйиб ичишади. Янги узилган пайтида — ширин, қуритилганда нордонроқ бўлади, мевасида гўшти кўп, уни на Андалусия, на Сурияда кўрганман.



Кейин бир кун юриб бир-бирига улашиб кетган боғу роғлар, энлол сувли ариқлар, экинзор далаалар оша Бухорога, муҳаддислар имоми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий<sup>7</sup> шаҳрига етиб келдим. Бу шаҳар Жайхун ортидаги шаҳарлар пойтахти бўлган, бироқ маңфур Тенгиз [Чингизхон], Ироқда ҳукмронлик қилаётган шоҳлар аждоди уни вайрон этади, ҳозир шаҳардаги маңит, мадраса ва бозорларнинг аксарияти бузилиб ётибди. Аҳолиси эса таҳқирланган... Ҳозирги пайтда кишилар орасида илмда етакчи бўладигани йўқ, унга эътибор берадиганининг ўзи йўқ...

Биз Бухоро яқинидаги Фатҳобод деган жойда тўхтадик. Бу ерда уламо шайхлардан, олижаноб зоҳид, улуғ авлиёлардан бири Сайфиддин ал-Бахарзийнинг мақбараси бор. Мана шу шайхнинг номи билан аталувчи зовия жуда улкан вақф ерларига эга бўлиб, ундан олиннадиган даромад зиёратчиларга сарфланади. Бу зовиянинг шайхи — Сайфиддиннинг авлодларидан бири, ҳажга бориб келган Яхё ал-Бахарзийдир. Биз унинг уйида шаҳарнинг мўътабар кишилари билан биргаликда ажойиб овозли қорилар ижросидаги Қуръон сураларини тингладик. Туркий ва форс тилларида ажойиб кўшиқлар айтилди. Жуда бир мўъжизакор кеча бўлди.

Бу ерда Ҳиротдан келган қонушунос олим, муҳтарам Садр аш-Шариани учратдим. Мен Бухорода «Ҳақиқий ҳадислар тўплами» [«ал-Жами ас-сахих»] тузувчиси, мусулмонлар шайхи имом Абу Абдуллоҳ ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилдим. Оллоҳ унинг жойини жаннатда қилсин!

Кейин биз Бухородан чиқиб, улуғ султон Алойиддин Тармаширин қароргоҳига йўл олдик...

## МОВАРОУННАҲР СУЛТОНИ

Бу — улуғ султон Алойиддин Тармашириндир<sup>10</sup>. У қудратли, кўп кўшинга эга; улкан подшоҳлиқни бошқаради, кучли ва адолатли. Унинг мамлакати дунёнинг тўрт улуғ шоҳи: Хитой шоҳи, Ҳиндистон шоҳи, Ироқ шоҳи ва шоҳ Ўзбек мулклари ўртасида жойлашган. Ҳаммалари ундан чўчийди, унга иззат-икром кўрсатишади...

Урда деб аталувчи қароргоҳда бир неча кун қолдим. Бир кунни маскидда саҳар намозини тугатганимда, кимдир султон шу ердалигини айтди. Мен сўрашиш учун унга пешвоз чиқдим. Шайх Ҳасан ва фақиҳ Хусомиддин ал-Еғийга султонга мен ҳақимда ва бир неча кундан буён шу ердалигим тўғрисида айтди. Султон менга туркийчада мурожаат қилди: «Хушмисан, яхшимисан, қутлу айусан [келибсан]!»... [Ибн Баттута бу сўзларнинг ўз тилида, арабчада қандай маъно касб этиши ҳақида тўхталади.]

...Чодирга [султон қабулхонаси] кираверишда ноиб, хожиб ва соҳиб ал-алома [муҳрдор] турарди. Кираётганимда тўртловон [султон бошчилигида] мени кутиб олишга пешвоз чиқишди ва бирга чодир ичига кирдик. Султон билан сўрашганимдан сўнг, у менга саволлар бера бошлади, соҳиб ал-алома эса таржима қилиб турди...

Шу пайт муаззин пешин намозига чорлаб азон айтди ва биз ташқарига чиқдик. Бу кунлар жуда қаттиқ совуқ бўлаётган эди. Бироқ султон на эрталабки, на кечки намозни қазо қилар, ҳар дом жамоат билан бирга ўқирди. Султон эрталабки намоздан сўнг то шом намозигача туркий тилда зикр<sup>11</sup> этишга ўтирарди. Маңитдаги ҳар бир киши унинг олдига келиб, қўл бериб сўрашарди. Пешин намозидан кейин ҳам шундай бўлди. Агар султонга майиз ёки хурмо келтиришса — хурмони улар жуда яхши кўришади, — у бу ноёб мевани маңитдаги ҳар бир кишига ўз қўли билан тарқатиб чиқарди.

## СУЛТОН ТАРМАШИРИН ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯТ

Шоҳнинг фазилатларига яна бир мисол. Бир кунни мен пешин намозига келдим, султон ҳали йўқ эди. Унинг хизматкорларидан бири жойнамозни у одатда намоз ўқийдиган меҳроб олдига ёзди ва имом Хусомиддин ал-Еғийга шундай деди: «Ҳукмдоримиз таҳорат олиб бўлгунча, сендан бир оз кутиб туринингни сўраяпти». Имом ўридан туриб, унга жавоб берди: «Намоз баройи худо ё баройи Тармаширин!», яъни «Намоз олло учунми ёки Тармаширин учунми!» Ва муаззинга намозни бошлашни буюрди. Султон келганда, ники ракат ўқиб бўлинганди; шунда у қолган ники ракатни тўхтаган жойида — кишилар оёқ кийимини ечиб қўйган пойгакда ўқиди. Аввалги ракатларини ҳам ўқиб, имомини олдига келди ва кулиб, қўл бериб сўрашди. Мен имомнинг ёнида эдим. Кейин султон менга шундай деди: «Ўз юртингга боргач, форсларнинг камбағалларидан ҳам камбағали турклар султони билан қандай муомалада бўлганини ҳикоя қилиб бер».

Бу шайх ҳар жума намозхонларга ваъз айтар, султонни яхшилик қилишга ундар ва унинг кўнглида гуноҳкорона, бешафқат ҳаракатлардан жирканш ҳисси уйғотар, султон унинг сўзларини



## АНЪАНАЛАРНИ КИМ АСРАБ ҚОЛАДИ!

Бугунги Қорақалпоғистон нафақат ҳалокатга юз тутиб турган Орол, нафақат мамлакат миқёсида гўдакларидан энг кўп айрилаётган ўлка, шунингдек кун сайин, соат сайин маданий меросини, хусусан халқ амалий санъати, ҳунармандчилик анъаналарини йўқотиб бораётган юртдир.

Эътироз билдириш мумкин: И. В. Савицкий номли Қорақалпоғистон АССР санъат музейи, тарихий-ўлкашунослик музейи бор, улардаги халқ амалий санъати намуналаридан иборат бой коллекция халқ мулки-ку, деб. Бу — тўғри. Бироқ, музейлар ва олимларнинг тадқиқотлари қорақалпоқ халқи миллий маданиятининг ўзига хосликлари ҳақида тасаввур ҳосил қилишнинг ягона манбаи бўлиб қолгани ҳам ҳақиқат.

Қорақалпоқ амалий санъатининг муҳим таркибий қисмларидан бири — ўтовларни жиҳозлаш ва миллий кийим-



# ҚОРАҚАЛПОҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ

лардир. Нукус шаҳрида миллий кийимлар тикиладиган ателье бор. Шунингдек, кигиз ўтовлар тайёрланадиган комбинат мавжуд, унга ҳозиргача сақланиб қолган ҳунармандчилик билан шугулланувчи усталар ўтов асосини тайёрлаб беришаётир. Лекин бу билан биз халқ усталарининг асрдан-асрга ўтиб келган, кўз қорачигидек авайлаб сақланган тажрибаларидан кенг фойдаланиш учун кўнгилдагидек шарт-шароитлар яратилган дея олмаймиз, аксинча, халқ анъаналарини санаёт асосида ишлаб чиқаришдек бир хил андозага солиб қўйилган.

Қорақалпоқ каштадўзлик санъати билан шугулланувчиларни бармоқ билан санаш мумкин. Нукусдаги юқорида тилга олинган комбинатнинг гилам цехидаги маҳсулотлар

халқ анъаналари руҳида тайёрланмаётир, уларда халқона гўзал тасаввур, ўзига хосликни кўрмайсиз, ижодий ёндошиш мутлақо сезилмайди. Утов безаги учун зарур баъзи буюмлар ишлаб чиқарилмаётир. Ахир, қорақалпоқ ўтови ўзининг ички безалиши жиҳатидан Урта Осиё миқёсида ўзига хослиги билан ажралиб турар эди-ку!!

Заргарликдек нафис ва серзаҳмат касб эгалари, уларнинг ҳунари ҳақида бу юртда катта ёшдаги кишилардангина эшитасиз. Журналхонлар эътиборини муқовадаги заргарлик буюмларига қаратмоқчиман. Мана шундай гўзал тақинчоқларни ясайдиган кишилар бугун йўқ. Энди сиз билан биз уларни музей залларида, рангли китоблардагина кўраймиз.

Заргарлик буюмларини тайёрлашда асосан кумуш ишлатилган, озроқ олтиндан эса нақш учун фойдаланилган. Бу заргарлик буюмлари безакдорлиги билан кўзларни қувнатади. Кумуш буюмлар айниқса феруза, маржон билан уйғунлашади. Ҳозир ҳам катта ёшдаги аёллар она ва

(Боши 25-бетда)

тинглаб, йиғлар эди. Шайх султондан ҳеч қандай совға олмас, унинг овқатидан емас, берган кийимларини киймасди; у Оллоҳнинг эътиқодли қули эди. Эгнидаги кийимлари ҳам йиртилиб, тўзиб кетганди. Бир куни мен унга: «Эй менинг эгам, қандай кийим кийиб юрибсан, ахир у яхши эмас-ку!» — дедим. Шайх жавоб берди: «Уғлим, бу менинг кийимим эмас, қизимники». Менинг кийимларимдан олинг, деб айтдим унга. Шунда у айтди: «Мен бундан эллик йил аввал бирор кишидан совға олмайман, деб Оллоҳга қасам ичганман, агар бирор кишидан совға олганимда эди, сендан ҳам олган бўлур эдим...»

## АВВАЛГИ ҲИКОЯМИЗГА ҚАЙТАМИЗ

Мен султон Тармаширин билан хайрлашиб, Самарқандга отландим. Бу энг йирик ва гўзал шаҳарлардандир... Шаҳар аҳолиси шом намозидан сўнг дарё бўйида сайр этади. Бу ерда ўтириш учун тахтасупалар бор, дўконларда ҳўл мева ва турли емишлар сотилади. Дарё бўйида улкан сарой ва бинолар бўлганки, улар самарқандликларнинг моҳир уста эканлигидан далолат беради. Бироқ бу бинолар, шаҳарнинг асосий қисми каби, вайроналарга айланган. Шу боис на девор, на дарвозалар қолган. Шаҳар ичида богроғлар бор. Самарқанд аҳли ажнабийларга нисбатан олижаноб ва дўстона муносабатда бўлишади... Самарқанддан ташқарида Қусом ибн Абд ал-Муталлиб<sup>12</sup> мақбараси жойлашган бўлиб, у шаҳарни фатҳ этишда ҳалок бўлган... Татарлар (мўғуллар) ўша даврда, ҳали мажусийлик пайтларида бу муқаддас даҳманинг бирор жойини ўзгартришмаган эди, кейин унинг мўъжизаларидан хабар топиб, эҳтиром билан қарай бошлашди.

Самарқандда шу шаҳарнинг қозиси, уларда Садр ал-Жаҳон деб номланувчи кишини кўрдим, у шаҳарнинг мўътабар ва олижаноб одамларидандир. Ҳиндистонга мендан кейин жўнаб кетган экан. Эшитдимки, Синд пойтахти Мўлтоида вафот этибди.

## ИЗОҲЛАР

1. Хоразм давлатининг пойтахти — Урганч шаҳри ўша даврда Хоразм дейилган.
2. Шу куни дўконларнинг бир қисми ёки ҳатто бутун бозор ёпилган.
3. Султон Узбек — Олтин Ўрданинг тўққизинчи хони (1312-1340 йиллар).
4. Қутлуг Темур — Хоразм ноиб, Ўзбекхоннинг яқин қариндоси.
5. Муслмон ривоятига кўра, Нил, Жайхун, Тигр ва Евфрат — дунёнинг тўрт дарёси жаннатдан бошланар экан.
6. У кубравия диний оқимиغا асос солган, хоразмлик атоқли шайх ва шоир; 1221 йили Хоразмни босиб олишда мўғуллар томонидан ўлдирилган.
7. Афтидан «ёзгучи» кўзда тутилаётган бўлса керак.
8. Андалусиянинг қуруқ мевани четга сотиш билан доврўф таратган Малага шаҳри номидан олинган.
9. Исмоил Бухорий (810-870 йиллар) — ислом оламининг мўътабар кишиларидан, 600 минг ҳадис асосида тўплам тузган.
10. Султон Тармаширин Чигатой авлодидан ўн тўққизинчи ҳукмдор (1326-1334 йиллар) бўлиб, исломни қабул қилган; кўчманчилик анъаналаридан кескин юз ўгириши хонлиқнинг исломга душман бўлган шарқий қисми кўчманчи мўғуллари норозилигига сабаб бўлади ва қўзғолон кўтарилиб, у ўлдирилади.
11. Зикр — хотирламоқ, эсламоқ, ёд этмоқ маъносида бўлиши керак.
12. Араб ҳарбий саркардаси, XIII асрда Самарқандни фатҳ этган. Унинг даҳмаси ҳозирда ҳам Шаҳи Зинда шаҳристонидан сақланган.

С. ХУЖАЕВ таржимаси.





момолардан мерос қолган узук, кўзли узук, билагузук, сиргаларни тақиб юришганини кўриш мумкин. Бироқ ёш аёллар ва қизлар миллий тақинчоқлар ўрнига замонавий заргарлик буюмларини маъқул кўришади. Қорақалпоқ аёлларининг кўксини безаб келган, «хайкал», «ўнгирмунчоқ» деб номланган тақинчоқларнинг ўзига хос гўзаллиги, кўзни оладиган ранг-баранг қимматбаҳо тошлар билан безатилгани, майин муסיқий оҳанг таратувчи қўнғироқчалари нақадар ажойиб!

Қадимги маданиятимиз, кўҳна санъатимиз билан халқимиз ўртасидаги ворисийлик алоқалари узилиб қолганини оддий бир мисолда — боболар зукколиги, ақл-заковати, маҳоратини ёшлар худди Американи кашф қилгандек қайта инкишоф этаётганларида кўриш мумкин.

Шуни ҳам айтиш зарурки, ёш авлодни маънавий ва моддий маданиятга, маданий меросга ошно этишда оиланинг роли катта. Бироқ, дала этнографик материалларини йиғиш пайтида шундай хулосага келдикки, қорақалпоқ оиласи қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам ўзига хос халқ бадий ижодиётини ўзлаштирмаётир, унга эътиборсиз.

Бу масалада автоном республикадаги ижтимоий тарбия системаси қандай роль ўйнайди! Болалар боғчасида халқ амалий санъати намуналари билан таништириш, ўрта мактабда эса ўлкашунослик бўйича материаллар, халқ анъаналарини ўргатиш кўзда тутилган. Бироқ, бу, минг афсуски, амалда йўқ. Масалан, педагог олимпиа Н. Барибинанинг сўзича, болалар боғчалари ва мактабларнинг тайёрлов гуруҳларида болаларга таълим беришда хохлома ва городецк деворий ёзувларининг тайёр намуналаридан фойдаланиб, қорақалпоқ миллий нақшларига эътибор берилмай, ҳурматсизлик кўрсатилмоқда. Шу муносабат билан СССР Халқ таълими давлат комитетининг раиси Г. Ягодиннинг сўзларини эслаш жонз: «...Таълим ва тарбияни миллий маданиятдан ажралган ҳолда қуриш, ўқувчиларни ажодсиз кишилар деб ҳисоблаш демакдир. Айнан миллий ўз-ўзини англашнинг шаклланмагани, миллий-маданий масалаларда тайёргарликнинг йўқлиги ҳаммадан кўра кўпроқ миллатлараро муносабатларнинг бузилишига, миллий худбинлик кўринишларига замин тайёрлайди».

Энди, ҳали яшаб келаётган халқ анъаналари ҳақида фикр билдирсак. Қорақалпоғистонда ўтовнинг ёғоч қисм-

ларини тайёрлаш техникаси авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Жумладан, Чимбойда ўтов усталари овули (уйши овул) бор, бу ҳунар отадан ўғилга, ўғилдан кейинги авлодларга мерос бўлиб қолган. Хўш, бу ҳунарнинг келажаги қандай! Бу саволга жавоб бериш учун, аввало ўтмишга мурожаат этайлик.

Маълумки, қорақалпоқлар қадимий туркий халқлардан бири; ўтмишда ярим кўчманчи ҳаёт кечирган. Бунга сабаб Амударёнинг Оролга қўшиладиган мансаблари ўз йўналишини тез-тез ўзгартириб турган, оқибатда экин майдонларини сув босган ёки қурғоқчилик рўй берган. Қорақалпоқлар бундай турмуш шароити, хўжалик юритиш ва обҳавони ҳисобга олиб ўзлари учун қулай турар-жой — ўтовни яратган.

Қорақалпоқ ўтови ўз тузилишига кўра қозоқ, туркман ва ўзбек ўтовларига яқин туради. Ички безалиши эса ўзига хос миллий белгилари билан фарқланади. Унинг ички безалишида — гилам, безакли мато ва бошқаларга қараб туриб, қорақалпоқ халқининг тарихи, табиати манзаралари, хўжалик ҳаёти, турмуши, диний қарашларини ўқиш мумкин.

Афсуски, халқ амалий санъатини тиклаш бўйича тажриба устахонаси ташкил қилиш ҳақида чиқарилган 1978 йилги қарор қоғозда қолиб кетди. Уни амалга ошириш учун зарур маблағ ва ғамхўрлик бўлмади. Бу ишга киришиш иштиёқида юрган музей ходимлари, рассомлар, ҳайкалтарошлар ва бошқа касбдаги кишиларга эса жиддий ёрдам зарур.

Мариника БОБОНАЗАРОВА,  
ҚҚАССР Давлат санъат музейи директори,  
Ирина НУРМУҲАМЕДОВА,  
ЎзССР ФА Тарих институтининг этнография ва  
этно-социал муаммолар бўлими илмий ходими.

## ГУВОҲЛАР: «БИЗ ЎЗИМИЗ КЎРДИК»

### ТОШКЕНТ ОСМОНИДА УЧАР ЛИКОПЧАЛАР

10 июль куни эрталаб редакцияда телефон жиринглади.

— Алло, бу «Фан ва турмуш» журналими?— Трубкадан ҳаяжонли овоз эшитилди:— Биз бир воқеа ҳақида хабар бермоқчи эдик. Тунги осмонда ғалати жисм учиб юрганини кўрдик. Бу ҳодисани бир неча киши кузатди...

Мен қизиқарли воқеа гувоҳларини бафуржа суҳбатлашиш учун редакцияга таклиф этдим.

— Ориф Ортиқов,— деб таништирди ўзини меҳмонларимиздан бири.— Қишлоқ хўжалик институтининг 3-курсида ўқийман.

Унинг ҳамроҳи Оржоникидзе районидаги 25-мактабнинг 10-синф ўқувчиси, сирли ҳодисанинг асосий гувоҳи Анвар Жўраев экан.

— Биз Яланғоч мавзеида, Тошкентнинг шундоқ чегарасида — ҳалқа йўл ёқасида яшаймиз,— дея ҳикоясини бошлади Анвар.— Салор посёлкасининг Космонавтлар кўчасидаги 4-уйда тураман.

9 июль кечқурун телевизор кўриб ўтиргандик. Бир маҳал худди бўрининг увиллашига ўхшаш товуш билан ҳовлимиз устидан алланима учиб ўтаётганини эшитиб қолдик. Бу товуш шу қадар кучли эдики, ҳамма ёқ зириллаб кетди. Мен ҳовлига югуриб чиқиб, товуш келаётган томонга қараганимда осмонда ғалати бир нарса шиддат билан учиб кетаётганини кўрдим. Қанча баландликда учаётганини билолмаганим учун ҳам унинг асли катталигини айтолмайман. Фақат шуни айтишим мумкинки, кўринишдан бу жисм бир-бирининг устига ёпилган баҳайбат лycopчалардек ясси бўлиб, қирраси яққол кўриниб турарди.

Шиддат билан учиб бораётган номаълум объект тўсатдан таққа тўхтади ва бир неча лаҳзадан кейин қийшайиб, катта айлана ҳосил қилиб чарх ура бошлади. Қийшайиб учаётганида у шарсимон шаклга кирди, лекин мен бунинг сабабини тушундим — оддий лycopча ҳам ён томонидан айлана бўлиб кўринадик-ку.

Бу орада Аброр акам, Наргиза опам ва оймилар ҳам ҳовлига чиқиб, осмондаги ғаройиб ҳодисани менинг ёнимда туриб томоша қила бошлашганди. Сирли жисм лycopча шаклида эканида ўрта қисмида тик тушган иккита оқ чизиқми ёки нурланаётган йўлларми кўринар, ортидан эса худди реактив самолётларнинг изи сингари оқиш «дум» қолдириб учарди.

— Мана бунга ўхшаш эмасми?— деб Анварга бир сурат кўрсатдим. 1967 йил 23 июль куни Тошкентнинг Юнусобод мавзеи тепасида соат 21.30 дан то 22.00 гача ғалати бир воқеа кузатилган. Фотограф Александр Губенко олишга улгуриб қолган ва журналнинг 1979 йил 1-сонига босилган бу суратда қоронғи осмондаги улкан бир ёруғ нарса акс этган. У атрофига ўткир нурлар таратиб, пастдаги кўп қаватли уйлари чароғон қилиб ёритиб турибди, орқасида гўё оқиш из ҳам бордек.

— Биз кузатган жисмнинг изи ҳам худди шунақа — деди Анвар суратни кўрган заҳотиёқ.— Фақат, унинг шакли, увиллаган товуш чиқариб тез учиши аниқ-тиниқ сезилиб турди.

— Кейин-чи, у ёғига нима бўлди?

— Кейин учар лycopча шиддат билан чарх уришдан тўхтаб, учга бўлинди.

— Қанақасига? Бўйигами, энигами?— Шундай деб Анварга

Давоми 32-бетда



# СИРЛИ ЁНГИН

Тургун ФАЙЗИЕВ,  
тарих фанлари номзоди.

Журналимизнинг шу йилги 1—2-сонларида берилган «Табиатнинг янги жумбоғи» мақоласи муштарийларимиз орасида полтергейст ҳодисасига нисбатан жуда катта қизиқиш уйғотди. Эслатиб ўтамиз: «полтергейст» атамаси немисчадан таржима қилинганда «руҳлар ўйини» деган маънони англатади. Уйда кўринмас шарпалар пайдо бўлиши, тиқиллаган, дуқиллаган овозлар эшитилиши, ҳовлига тош ёғилиши, ўз-ўзидан ёнғин чиқиб кетавериши, буюмлар ўз-ўзидан ағдарилиб кетиши, учиб юриши полтергейст ҳодисасига яққол мисолдир.

Чет элларда бу сирли ҳодиса қизиқиб ўрганилаётир. Мамлакатимизда полтергейст ҳодисаси кўплаб рўй бераёпти, олимлар унинг сирини очиб беришга бош қотиришаёпти. «Известия» газетасининг шу йилги 12 февраль сониде СССР Илмий ва инженерлик жамаиятлари уюшмаси ҳузуринда табиатдаги энергия-ахборот алмашинуви масалаларини ўрганиш бўйича комитет тузилгани хабар қилинди. Бу комитетда экстрасенсорика, масофадан таъсир ўтказиш, фикр таъсирида буюмларни силжитиш каби ҳодисалар қаторида полтергейст ҳодисаси ҳам тадқиқ этилади.

«Ўзбекистонда ҳам шундай воқеалар бўлганми?» деб сўрашмоқда кўплаб журналхонлар. Ҳа, бўлган, ҳозирда ҳам бўлаяпти. Фақат халқимиз бу ҳодисани немисларга

ўхшаб «руҳлар ўйини» демаган, балки «инс-жинслар ўйини» деб атаган. Ҳозир Ўзбекистонда полтергейст ҳодисасини бир гуруҳ ташаббускорларгина қизиқиб ўрганаёпти, ҳолос, бу ишга олимларни жалб қилиб бўлмаяпти. Кузатишларга қараганда, Урта Осиёда полтергейстнинг икки тури — ўз-ўзидан ёнғин чиқиши ва ҳовлига ўз-ўзидан тош отилиши кенг тарқалган экан. Куйидаги мақолада бир олим ўз бошидан кечирган воқеани ҳикоя қилади. Тўғри, бу ҳодиса аввалроқ рўй берган, бироқ полтергейст ҳодисасининг эски-янғиси бўлмайди, ҳар бири диққат билан ўрганилиши керак. Бу ўринда ҳикоя қилинадиган сирли ёнғин хусусида эса физик, химик, психолог, файласуф ва бошқа соҳа олимлари ўз фикрларини билдирадилар деган умиддамиз.

Фурсатдан фойдаланиб яна шуни айтмоқчимизки, «Фан ва турмуш» журнали ҳузуринда тузилган, физик, файласуф, шарқшунос, журналист ва бошқа соҳа вакиллари билан иборат ташаббускорлар уюшмаси Тошкентдаги бир неча хонадонда рўй бераётган полтергейст ҳодисасини ўрганаёпти, улар ҳақида поёнига етгандан кейингина ҳикоя қилишни лозим кўрдик. Лекин олимлардан кимки қизиқса, бу уюшмага ёрдам беришини, муҳтарам муштарийлардан эса шу кунларда содир бўлаётган полтергейст ҳодисалари ҳақида хабар беришларини сўраймиз.

Ақл бовар қилмайдиган бу ҳодиса 1953 йилнинг 20 ноябрида, жума кuni бошланган эди... Мен Тошкент шаҳар собиқ Сталин районидеги «Учқун» номи 95-ўрта қизлар мактабига тарих фанидан ўқитувчи бўлиб 29 октябрь кuni тайинланган бўлсам-да, шаҳар маориф бўлимидан буйруқ қозғон ханузгача кўлимга тегмаган эди. 19 ноябрь кечқурун, дарсдан сўнг, мактаб директори Мухаррам опа Гафурова мени қақириб:

— Эртага соат 14<sup>00</sup> да шаҳар маориф бўлимига бориб, ўртоқ Рихсиевдан буйруқ қозғонин олиб келар экансиз, — дедилар. Мен эртасига, 20 ноябрь кuni шаҳар маориф бўлимидан буйруқ қозғонин олиб, кўчага чиқдим. Негадир тезроқ уйга етиб боришга ошиқардим. Тасодиф юз бериб, кўпдан бери кўришмаган бир дўстимга дуч келиб қолдим. 10—15 минут сўхбатлашдик. Сўхбатлашмаяпмиз-у, аммо вужудимни аллақандай ваҳима чулғаб олаётгандек эди. Шунинг ҳам айтишим керакки, бирор ойдан буён кўнглимда, гўё уйга ўт тушаётгандай бир ваҳима уйғонган эди. Ана шу ваҳима шу бугун ниҳоятда кучайди-ю дўстим билан наридан-бери хайрлашиб, трамвайда уй томон жўнадим.

Мен тушган 12-трамвайнинг охириг бекати Хадра майдони эди. Хадрадан тез-тез юриб Чорсуга бордим. Шу пайт Самарқанд дарвоза кўчасидан чиқиб келаётган иккита ўт ўчириш машинасига кўзим тушди. Этим увишиб кетди. Чунки бизнинг ҳовли ҳам Самарқанд дарвоза кўчасида, Тельман номидаги (эски номи Бадирбой) маҳалланинг Ал-амон номи боши берк кўчасида бўлиб, «Учқун» мактабига яқин эди. Шунингдек, шаҳар 4-милиция бўлими идораси ҳам шу маҳаллада эди. Назаримда, ўт ўчирувчи машиналар айнан бизнинг ҳовлидан чиқиб келаётгандек туюлаверди. Энди тез юришим ярим югуришга айланган эди. Сарчопон маҳалласига етганимда қаршимдан 11 ёшли укам йнғиланганча чопиб келаётганини кўрдим. Менга кўзи тушди-ю укам:

— Уйга ўт кетди, юринг тезроқ! — деганча орқасига қараб югуриб кетди. Мен ҳам югурганча ҳовлига етиб бордим. Кў-

чада ўт ўчириш машинаси турар, ҳамма ёнғинни ўчириш билан овора эди. Ҳовлига маҳалламиз ақли, қўшни мактабнинг ўқувчи ва ўқитувчилари ҳамда кўчадан ўтаётган йўловчилар гуруҳи турнақатор кириб-чиқиб турарди.

...Шу ўринда, келгуси воқеаларни яққолроқ тасаввур эта олишингиз учун ҳовлимиз ҳақида гапириб ўтсам. У 1914 йилда қурилган бир хил андазадаги иморатлардан иборат бўлиб, каттагина эди. Кейинчалик ҳовли ўртасидан пардевор олинди, иккига бўлинган. Бир бўлагиде амакимиз Мулла Одил Файзимухамедов, иккинчи бўлагиде эса у кишининг укалари Абдуқодир Файзиев бошлиқ бизнинг оила истиқомат қилар эди. Бизнинг ҳовлимизда икки уй, бир айвон бўлиб, уйнинг таги ертўла, усти эса беда ва пичан ғарамлаш учун мўлжаллаб қурилган болохондан иборат эди. Бундан ташқари, ҳовлида ошхона, кўмирхона ва бадраф (ҳожатхона) учун қурилган иморатлар ҳам бор эди. Кўча эшикдан ҳовлига кириладиган, узунлиги 16 метрли усти ёпиқ йўлак — бостирма бўлиб, унинг охирида ҳовли саҳнига ўтиладиган иккинчи эшик бор эди. Мазкур эшикдан кирилгач, яна 3 метрли усти ёпиқ йўлакча — гуломгардишдан ўтиб, сўнгра ҳовлига кириларди. Айвоннинг оқори бурчагида икки табақали чиройли эшик бўлиб, ичкари кирилса, бўйи 5 метрли деразасиз хона бор эди. Уни шамоллатиб туриш мақсадида, тўрдаги деворга одам бўйи етмайдиган баландликда, яъни шифтнинг остига 40×30 см ўлчамда очилиб-ёпиладиган дарча қўйилган эди. Бунга сабаб хонанинг орқаси қўшинининг ҳовлиси эди. Бу уйча аслида иморатнинг кўст (қийшиқ) жойига қурилган бўлиб, илгари боғдан келадиган узум сақланувчи омборхона ва-зифасини ўтарди. Кейинчалик амакимиз уни таъмирлаб, ўзлари учун уй қилиб олган эдилар.

Хуллас, ҳовлимиздан чиққан ва бизни узоқ вақт қийнаган сирли ёнғин худди мана шу уйдан бошланган. Қизиғи шуки, чамамда 15—16 кунлардан бери бу уй қулфлоглиқ турарди. Чунки, амакимиз

бирор ой Тошкентда турсалар, 1—1 ярим ой Чирчиқ шаҳрида яшовчи ўғиллари Абдувоҳид Қодировникида (у Чирчиқ электр-рохимкомбинатининг бош инженери бўлиб ишларди) туриб келар эдилар. Бинобарин, ўт кетган кuni амаким Чирчиқда эдилар, уйнинг калити ҳам ёнлариде эди. Мен ҳовлига кирганимда уй ичидаги ёнган эски гиламча, сандал устига ёпилган кўрпа, кўрпачалар ва ёстиқлар, шунингдек, жавон устига тахланган урта кўрпа ҳамда кўрпа устига ёпилган рўйжо (каштали чойшаб)лар ҳовли саҳнида ётарди. Мен келганимдан сўнг ярим соатча ўтгач, ўт ўчирувчилар ҳамма жойини синчиклаб қараб чиқишди, кейин акт ёзиб, жўнаб кетишди.

Уша кuni эрталаб мен маориф бўлимига отланганимда, отамиз ҳам намозни жумъага бориш тараддудида эдилар. Мендан кейин масжидга кетганлар. Онамиз эса 3—4 кун аввал Кўқондаги қариндошлариникига кетган эдилар. Ҳовлида 7 ва 17 ёшли иккита синглим ҳамда 5 ва 11 ёшли иккита укам қолишган эди. Улар пешинда айвондаги сандалда ўтириб овқатланишаётган экан. Тўсатдан айвон бурчагини қулфлоглиқ уй эшигининг тирқишларидан тутун чиқа бошлабди. Катта синглим югуриб бориб эшикни итариб кўрган, эшик икки табақали бўлгани сабабли оралиқ бир оз қияланиб, тутун қуюқлаша бошлаган. Унгача катта укам деворга нарвон қўйиб, қариндошларини қақирган. Қисқаси, шум хабар лаҳзада ҳамма ёққа тарқалган. Одамлар йнғилиб, қулфни бузиб ичкарига киришгандан сўнг, сандал устидаги кўрпанинг у ер-бу ерида аланга ҳосил бўлган. Кўрпани ўраб ҳовлига олиб чиқиб ташлаш билан баробар, уй ичидаги бошқа нарсаларга ҳам ўт кета бошлаган. Кимдир ўт ўчириш командасига хабар қилган бўлса керак, улар етиб келиб биринчи навбатда симёғочдан электр симини узтишган экан. Чунки электр сўчтичиги ҳам шу уйда эди. Уйнинг ичидаги барча нарсалар ҳовлига чиқариб қўйилган. Жавон эса айвондаги тахмонининг ёнига қўйилди. Уйда фақат сандал курсисигина қолган эди.



Кечга яқин узоқ-яқиндаги қариндошлар ҳам кела бошлашди. Сарчопон маҳалласида масжид (кейинчалик болалар боғчаси бўлган) бор эди. Аср намозидан сўнг имом бошлиқ 7—8 қария бизга ҳамдардлик билдириш мақсадида ҳовлига кириб келишди. Улар ҳам қулф турган уйдан ўт чиққанига ажабланишар ва ҳовли юзасида ётган, чала куйган буюмларни кўздан кечиришарди.

— Ие, бу нарсаларнинг ҳаммаси бир хилда куйиб тушибди-ку!! — деб қолди шу пайт улардан бири. Шу дамгача биз ҳам бунга аҳамият бермаган эканмиз. Ҳақиқатан ҳам, кўрпа, кўрпача, гилам ва ёстиқлар айнан бир хил кўринишда — устига гўё «Х» ҳарфи шаклида чиқиш тортлиб, шу чизиқ бўйича куйиб, буюмлар тўртга бўлиниб кетган эди. Бу мўъжизадан ажабланиб турган эдик, худди шу лаҳзада яна бир қизиқ мўъжиза содир бўлиб, ҳаммамнинг ҳуши бошидан ўчди...

— Ие, қаранглар-қаранглар, болохонага ўт кетди! — деб қичқириб юборди катта укам ва ўша томонга югурди. Орқасидан мен ҳам отилдим. Болохонада икки боғ ҳўл ток занги турарди, ана шу ёнаётган экан. Учирдик. Ток занги ҳўл бўлса, унга қандай қилиб ўт тушди экан, деган савол ҳаммамизни ўйлантирарди. Балки уйнинг шифти орқали ўтдимикан деган гумонга ҳам бордик. Отамиз кетмон ва теша билан занг турган жойни кавладилар. Бир қарич тупроқ олиб ташлангач, қамиш кўринди. Қамишни чопиб, уйнинг вассасига-ча кавлаб тушилди. Бироқ, биз ўйлаганча бўлиб чиқмади. Ҳамма нарса муздек, ҳеч қандай оловдан дарак йўқ эди. Қариялар бу мўъжизалардан ажабланган ҳолда, бизга сабр-тоқат тилаб чиқиб кетишди.

Вақт намозшомга яқинлашган. Кўнгил сўраб келган қариндошлар айвондаги сандалда давра қуриб ўтириб, ёнги тафсилотини эшитишарди. Катта уйдаги сандалда укаларим ва сингилларим овқатланишарди. Шу пайт ўша эшигидан яна бурқсиб тутун чиқа бошлади. Ҳаммамиз унинг ичига отилиб кирдик. Уйча саҳнига солинган бўйралар ёнаётган экан. Учириб бўлиб қарасак, бўйралар ҳам «Х» шаклида ёниб, тўртга бўлиниб ётарди. Энди яна бир жумбоқ шу эдик, уйчанинг ичидеги ёнги ўчирилганига ўрта ҳисобда уч-уч ярим соат бўлган, шундай экан, бу олов қаердан келди экан! Ҳеч ким ҳеч нарса билмас эди. Ниҳоят, қоронги тушди. Икки қариядан бошқа қариндошлар уйларига кетишди. Энди ҳаммамиз айвондаги сандалда ўтириб, бўлиб ўтган воқеани муҳокама қилардик. Ниҳоят, қариялар шундай маслаҳат беришди:

— Бу оддий оловга ўхшамайди, бинобарин, ҳар бир уйда челақларда сув захира қилиб қўйиш лозим. Чунки ҳовлида водопровод йўқ, электр чироқлари ўчирилган, мабодо яна бирор жойдан ўт чиқиб қолса кечаси кўчадан сув ташиш анча мушкуллик туғдиради.

Синглим ва укам билан кечаси сув ташиб, ҳар бир уйга 3—4 челақдан захира қилиб қўйдик. Ҳали кечки соат 10 ҳам бўлгани йўқ эди. Синглим укалари учун ўрин

Хурматли редакция! Табиатнинг илм-фан ҳали ўргана олмаган сирли ҳодисалари тўғрисида мақола беришингизни сўрайман.

Ҳафиза ҲОТАМОВА,  
Самарқанд область Жомбой районидagi  
«Москва» колхозининг  
10-бригадасидан.

солгани уйга кирди-ю, қўлидаги керосин лампасини кўтарганча қочиб чиқди. Гапирмас, фақат алаңларди... Унинг авзойини кўриб, «Яна ўт чиқибди-да» деган хаёлда уйга қараб югурдик. Бир оз ўзига келган синглим:

— Ер қимирлади шекилли, уйга киришим билан жавонларнинг эшиги қисирлаб очилиб кета бошлади, кўрқиб қочиб чиқдим, — деди. Ичкари кирганимизда тоқчага ўрнатилган жавон эшикларини очилиб ётарди. Учта челақдаги сув эса мағзавага айланиб, кўпириб, тебраниб турарди. Чироққа солиб кўрдик, совун кўпиги орасида ҳар хил ҳажмдаги ёғоч пўкақлар, айниқдан битта челақ ичидеги катта бочканинг ёғоч пўкағи сув юзидеги қалқиб турарди. Бошқа уйлардан хабар олганимизда ҳам айнан шу манзарани кўрдик. Шундан сўнг ҳамма бир-бирига гапиршига ҳам кўрқиб қолди. Ёш болалар бу воқеаларни оддий ёнги деб билса-да, катталар бу оддий ёнги эмаслигига шак-шубҳа қилмас эди.

Уша кеча болалар бир уйда ётишди, катталар эса икки кишидан бўлиб уй ва айвонда пойлоқчилик қилганча ухламай тонг оттирдик. Бироқ кечаси ҳеч қандай воқеа содир бўлмади. Эрталаб тонг отгач, болалар ётган уйнинг ҳанигида йиғилиб турган, ечилган кир кийимларга ўт тушди. Учирдик... Бирор соат ўтгач, айвондаги қозикда турган дастурхон ўз-ўзидан ўт ола бошлади. Орада ярим соат ўтар-ўтмас қозикларга осиб қўйилган сочиқлар ҳам бирин-кетин ёнаверди. Яна ўт ўчириш машинаси етиб келди. Аммо улар келгунча ўт ўчирилиб, фақат чала ёнган буюмлар тўдасигина қолган эди. Хуллас, катта уй билан айвон қозикларида ниммакни осиглиқ қолган бўлса, бирин-кетин ҳаммасига ўт туша бошлади. Лекин эндиликда буюмлар аввалгидек «Х» ҳарфи шаклида ёниб, тўрт бўлакка бўлиб ташланмас, балки бир чеккадан ёна бошлар эди. Ениш жараёни ҳам ўзгача, яъни «ёнмоқчи» бўлган буюмдан аввал қуюқ тутун билан бирга тикув машинасида чиқадиغان овозга ўхшаш паст товуш келарди. Табиийки, буни эшитган киши ҳушёр тортиб, тутун чиқаётган жойга югуриб борарди. Лекин тутаетган буюмни олиб ташлаш учун қўл чўзиш баробарида тутун лоп этиб алангага айланарди. Қизғини шунда эдик, мисол учун гугурт қутчасидек кичкина буюмдан чиққан аланга бир-бир ярим метр баландликка ўрлаб, чўзилиб ёнарди. Мазкур усулда ўт чиқиши бир кунда деярли 20—30 маротаба содир бўла бошлади. Ниҳоят, ёнги иккинчи уйни, бир ҳафта ўтгач, ошхона, кўмирхона ва бадрафни ҳам қамаб олди. Эндиликда бизнинг ихтиёримизда ҳовли саҳни, тунука том ва каттагина бўрибосар ит сақланадиган ертўла қолган эди.

Ёнги чиққанига беш кун бўлса ҳам, иккинчи уйга ҳали олов кириб келмаган, бинобарин, унча-мунча нарсаларни шу уйга келтириб қўйган эдик. Жумладан, мен ҳам мактабдан келгач, костюм-шиммининг ёғоч илгичга солиб, уйнинг ҳанигидаги қозиклардан бирига олиб қўярдим. Бу жой биз учун гўё кийим турадиган жавон хизматини ўтарди. Ҳаникнинг ичи қоронги бўлгани туфайли даҳлиз деворининг юқорисидан 40×30 см ўлчамда очилмайдиган дарча қўйилган, ундан бир метрча пастроққа сочиқ иладиган ёғоч илгич деворга ўрнатилган эди. Уша кунни шу илгичда меннинг сочигим турарди. Деворнинг орқаси, яъни ҳаник ичидеги ҳам айнан шу тарзда — дарчадан бир метрча пастроқдаги қозикда боя айтганим костюм-шим осиглиқ турган эди. Ҳаммамиз айвондаги сандалда нонушта қилиб ўтирганимизда



## СИРЛИ ҲОДИСАЛАР СОЛНОМАСИ

онамиз тўсатдан туриб, уй томон югурдилар. Ялт этиб қарасак, даҳлиз эшигидан тутун ўрлаб чиқаяпти. Бирин-кетин югурганча даҳлизга кирсак, қозикда турган сочиқ ёниб ерга тушган, аммо тутун юқоридан чиқиб келарди. Шифтга қарадик — ҳаник дарчасининг ойнаси иссиқдан саргайиб дарз кетган, ҳатто тангадек парчаси синиб ҳам тушган, тутун ўша тешикдан чиқаётган эди. Югурганча ҳаникка кирсак, қозикда турган костюмнинг ёқаси, елкаси ёнарди. Уни илгичи билан кўтариб, ҳовлига олиб чиқиб ўчирдим. Костюм тағидаги шимнинг ҳам бир почаси тиззасидан куйган экан. Чамаси, аввал даҳлиздаги сочиқ ёнган, аланга эса оқ деворда сарғиш из қолдирганча, дарчага кўтарилган ва ойна қизиб синган. Қизғини шундаки, ўт ойна тешиги орқали ҳаник ичига ўтди ҳам дейлик, лекин у ҳолда аланга пастга қараб эмас, балки юқорига қараб ўрлаши лозим эди-ку? Бу ерда эса аланга табиат қонунларига зид равишда пастга қараб интилиб, костюмни куйдирган. Ана шу кундан бошлаб, бу уйда ҳам ўт чиқиши бошланиб кетди.

Бир кунни нонуштадан сўнг, кимдир айвон устунидаги қозикча ичиб қўйган дастурхон тутаб ёна бошлади. Уни олиб ҳовлига ташлаш биланоқ қозикнинг ўзидан учқун чиқа бошлади. Гўёки электр симлари бир-бирига тегиб кетганда чиқадиغان учқунга ўхшар, мен бунақасини ҳали учратмаган эдим. Шошиб қолганимдан жон ҳолатда қозикни сўғурмоқчи бўлиб, уч-тўрт марта сийтадим. Шу аснодаёқ қўлим қаттиқ ачишиб қуяётганини сезиб, қозикни қўйиб юбордим. Кейин олубур топиб келиб сўғуриб ташладим, қарасак миҳ муздек совуқ, устунидаги ўрни ҳам ундан қолишмас эди. Қўлим анчагина қаттиқ куйган экан, бир-икки соат ўтгач шишиб кетди, поликлиникага бориб, жарроҳга кўрсатдим. Жарроҳ пуфақларини қирқиб олиб, сўнг сариқ малҳам суртди, дока билан боғлаб, бўйинимга ҳамойил қилиб осиб қўйди. Шу алфозда яна 15—20 кун олов билан қурашиб юрдим.

Болохонанинг чеккасига бир тонна саксовул тахлаб қўйилган эди. Ёнгининг 11-кунни тонг отарда ана шунга ўт кетди. Аввалига биз бундан беҳабар эдик. Болохона деворларининг юқорисига туйнуқлар қўйилган бўлиб, тутун ва аланга шу ердан чиқа бошлаган. Қўшни ҳовлидагилар хабар беришгач, ҳаммамиз югуришиб болохонага чиқдик. Саксовулнинг тепасидан қарийб 100—150 килограмм ёнар, аланга эса тунука шифтни ялаб, туйнуқка уриларди. Ажабланишар жойи шу эдик, тунука остидеги қуруқ тахталар ва сарровларга олов ҳеч қандай таъсир қилмасди. Утин анча машаққат билан ўчириб, қолган саксовулнинг ҳовлига олиб тушдик.

Кундузлари мен мактабга дарс соатларимга яқин чикардим, мактаб билан уйимиз ўртаси 100—150 метрча эди. Уйда каттароқ ёнги чиқиб қолса, укаларимдан биттаси югуриб келиб хабар қиларди. Мен дарсими ташлаб уйга югурардим. Орқадан ўқувчилар ҳам келишиб, сув ташиб ёрдамлашишарди. Шундай кунларнинг бирида, мен дарс ўтаётган эдим, катта укам синф эшигини очиб:

— Юринг тезроқ, китобларингиз ёнапти, — деб хабар қилди.

(Давоми келгуси сонда)



# МАШҚИНИ ОЛИНГ

## ЎНИНЧИ САБОҚ

(фе) ва (қоф) ҳарфлари  
 фе ҳарфи тилимиздаги «ф» товушига мувофиқ

келади. Унинг устида битта нуқтаси бор. Ҳар икки томондан боғланадиган бу ҳарфнинг тўртала шакли (якка ҳолда

сўз бошида сўз ўртасида сўз охирида ) ҳам сатр чизиғида ёзилади.

— фахр  
 — сафо  
 — васф  
 — ҳарф

Қўлёзма асарларда ҳарфининг сўз ўртасидаги

( ) шаклининг ғайн ҳарфига ( ) ўхшашлиги кузатилади. Демак бу ўринда сўз маъносига эътибор қилиш ва унинг фе ёхуд ғайн эканлигини фарқлаб олишга тўғри келади.

Шунингдек, эски ўзбек ёзуви ёдгорликларида -п товуши иштирок қилувчи айрим сўзларда талаффузи туфайли

(фе) ҳарфи қўлланилганини ҳам хотирда тутиш зарур. Чунончи:

1-топшириқ. (фе) ҳарфийнинг турли шакллари орти қатор ёзиб чиқинг.  
 2-топшириқ. Қуйидаги сўзларни ўқинг ва кўчириб олинг.

фرد، فرصت، اطراف، طرف، بخت، تفت، گفت، نظر، دفتر، شرف، شرافت، افتخار، غافر، صاف، فتح، فاتح

(қоф) ўзбек тилидаги -қ товушини ифодалайди. У устидаги икки нуқта ва нисбатан чуқурроқ ярим доира

шаклида ёзилишига кўра фе дан фарқланиб туради.

Қоф ҳар икки томондан боғланади, сўз боши ва

сўз ўртасида сатр чизиғида, якка ҳолда ва сўз охирида сатр чизиғидан тушириб ёзилади.

— қизиқ  
 — нақл  
 — қошиқ  
 — тоқ

Қўлёзма асарларда қоф устидаги икки нуқта кўшиб

ёхуд кичкина чизиқча билан ифодаланганини кузатиш мумкин. Баъзан эса икки нуқта ҳарфининг қайрилиш чизиғи билан қўшиб ёзилган.

3-топшириқ. (қоф) ҳарфининг турли шакллари орти қатор кўчириб ёзинг.

4-топшириқ. Ушбу сўзларни ўқинг ва кўчириб олинг.

قاش، قار، قاپ، قماچ، قات، قراق، فرق، فقرا، فقر، صادق، صداقت، قاپچاق، شفقت، شفق، غرق، قاپچاق، عاقبت، بقا، قداق، قضا، تقاضا

5-топшириқ. Мустақил ҳолда «фе» ва «қоф» ҳарфлари иштирок этувчи сўзлар топинг ва эски ўзбек ёзувида ўғиринг.

## ЎН БИРИНЧИ САБОҚ

(коф) ва (гоф) ҳарфлари

(коф) ўзбек тилидаги -к ҳарфини ифодалайди ва ҳар икки томондан бошқа ҳарфларга боғланади. Унинг барча шакллари (якка ҳолда сўз бошида

сўз ўртасида сўз охирида ) сатр чизиғида ёзилади.

— калом  
 — тепки  
 — черик  
 — чок

Хаттотлар коф ҳарфининг сўз охиридаги шаклини қуйи-

дагича усулларда ҳам ёзишган: **ك كك**

Кофнинг алиф билан боғланган ҳолати эса қуйидагича

кўринишда ифодаланган. Эски ўзбек ёзуви ёдгорликларининг айримларида коф ҳарфи -г товушини ифода этади.

1-топшириқ. (коф) ҳарфининг турли шакллари орти қатор ёзиб чиқинг.

2-топшириқ. Ушбу сўзларни ўқинг ва қайта-қайта кўчириг.

كار، كمر، اكا، كاتب، كتاب، كتابت، كباب، اكبر، كيار، كاسب، كسب، ذاك، ذك، ترك، كك (гоф) форслар томонидан араб алифбосига киритилган ҳарфларнинг тўртинчисидир. У ўзбек тилидаги -г товушини ифодалайди. Гоф ҳар икки томондан боғланади ва унинг барча шакллари сатр чизиғида ёзилади:

Гоф ҳарфи эслида уч нуқта билан тарзида ёзилган, кейинчалик эса унинг уч нуқтаси чизиқчага алмаштирилган.













## МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ



Қорақалпоғистон АССР  
Давлат санъат музейида бу  
қадимий халқнинг амалий  
санъатининг жуда кўп  
намуналари авайлаб сақлан-  
моқда, улар санъат мухлис-  
лари, сайёҳлар эътиборига  
ҳавола этилган. Сиз су-  
ратда кўриб турган бу  
аёллар тақинчоқларида  
қорақалпоқ халқининг  
нозик диди, ижодий сало-  
ҳиятлари акс этган. Бу  
халқнинг амалий санъати,  
уни ривожлантириш бо-  
расидаги изланишлар,  
бу ишга тўсқинлик қи-  
лаётган омиллар ҳақида  
журналимизнинг шу со-  
нидаги мақоладан ўқиб  
билиб олишингиз мумкин.







Хиёбонларда сайр қилганмисиз? Гулзорларга суқ-  
ланиб бокқанмисиз? Ха, ана шу гиламдек чаманзор-  
ларда нафис санъат деса арзигулик дурдоналар бунёд  
этилган. Азиз муштарий, боғларда, хиёбонларда сайр  
этганингизда яна бир эътибор беринг-а. Шунда қўли  
дара қўрмагур гулчиларга тасанно айтасиз.

ISSN 0134—4560

индекс 75421

Баҳоси 40 тийин

**ФАН. ТУРМУШ**

